

Жиенбек


А. Г.

27

87

РУНАДАСА АМАРАСЕКАРА

ТАҚДИР КУРБОНЛАРИ






ГУНАДАСА АМАРАСЕКАРА

ТАҚДИР
ҚУРБОНЛАРИ

(Кисса)



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА
САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1976

*Русчадан
САНЪАТ ЙЎЛДОШЕВА
таржимаси*

Амарасекара Г.

Тақдир қурбонлари. Қисса. Русчадан С. Йўлдошева таржи-
маси. Т.,
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976 (С).
144, б.

Муаллиф ўзиниғи бу повестиде деҳқонлар ҳаётининг қийин, бироқ оли-
жаноб эканингни тасвирлайди. Уларнинг манияқватли меҳнатини кўрса-
тиб, ҳалқ характерининг оқ кўнгиллилик, ўз яқинлари ва бегоналарга меҳр
билин муносабатда бўлишини, уларнинг соддадиллилиги ва ишонувчалигини
бетъзан ўзларига зарар келтиришпин очиб беради.

Амарасекара Г. Неволынки судьбы.
И (Цейлон)

70304—100
A 352 (06)—76 85—76

© Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976,
(тарж.)

Бу жон ғалаенда.
Қора күчлар ҳукмида бутун ҳаёт.
Түғилгандан бери занжирбандмиз.
Ким бизни халос этар!
О, дошишманд будда!

Иисоннинг ҳаёти мураккаб муаммолар тугунинир,
У чирмовуқлар ўраб олган бамбук дараҳтига ўх-
шайди.

«Вишудхи Мага»¹дан.

— Мана, бугун кечқурун ҳам ёмғир ёғмади,— деди
отам ёта туриб,— эртадан ишни бошлаш керак. План-
тацияга боришга эса ҳали бир ой бор.

Отам гапирганды одамга қарамасди, шунинг учун
йўқ одамга мурожаат қилаётгандай туюларди.

— Гунапала шу ойнинг охирларида келади,— дея
сўзида давом этди отам сиғарасини тутатиб,— у келгун-
ча ҳамма ишларни битириб қўйсан яхши бўларди. Дар-
воқе, битта печь қуришга икки ҳафта кетади.

Отам айвонда ётарди, мен айвон ёнидаги даҳлизда,
биттаю битта уйимиизда эса опам ётарди. Мен онламиз-
нинг энг ёши, опамдан беш ёш кичик эдим. Акамнинг
келиши опамга унчалик қизиги бўлмасада, баъзида у-
бўйрага ўтириб, отамнинг гапларини диққат билан тинг-
ларди. Девордаги будда сурати ёнига қўйилган жинчи-
роқдан ерга тўртбурчак шакл тушиб турарди. Ундан
таралаётган сўник нур қоронги хонада липилларди.
Менга будданинг юзи билан ҳикматли сўзлар битилган
қоғозин гижимлаб ушлаб турган қўлигини кўрниарди,
холос. Канал томондан эсаётган шамолдан эшик гийқил-
ларди.

— Билмадингми, тўққиз яримда келадиган автобус
ўтдимикан?— деди опам менга.

— Йўқ, ўтгани йўқ.

— Бирор ҳодиса бўлганга ўхшайди.

¹ «Вишудхи Мага» («Олий ҳақиқат йўли») — будда мазҳабининг
диний ақондалар мажмусига шарҳлар, у асрда тузилган.

Олам будда сурати олдига бориб, жинчироққа мой қуиб, пилигини тұгрилади, құлинни сочига суртди-да, жойига ўтири.

— Бугун плантация бошлиғи назоратчиникінга келиб, унға еримизни сотиш-сотмаслигімизни билиб берішини буюрибди. Бізning еримиздан плантацияға түғри йўл тушармиш. Худди шу жойга у ишчилар учун дўкон очармиш.

— Сен буни қаердан билдинг? — деб сўради отам қизиқсиниб.

— Назоратчинининг қизи айтди, кечқурун у билан чўмилгани борувдик,— деб жавоб берди опам..

— Чучварани хом санашипти,— деди отам.— Кўп одам еримизга ҳасад қиласы. Шуни деб бирда Дэниэ Махатанинг жони ҳиқилдоғига келгани эсингдами? Мен унга еримининг бир парчасини ҳам сотмадим. Бунақа ерни топиб бўпсан,— деди отам керилиб. Бир оз тўхтаб, сўнг яна сўзида давом этди:— Колаверса йўлнинг устида! Гувапала келса, албатта дўкон очиб, ўзимизни ўнглаб оламиш. Ҳаво ҳам очишлиб кетди, эртага эрталабдан иш бошласа бўлади. Мен иш бошлаш вақтини айтиб бер, деб таъбирчидан илтимос қилган эдим, бу гапимга Сиядорис Айна ҳам қўшилди.

Үйимиз кўприкнинг ёнғинасида. Унинг бир томонидан Галледан Нагодага борадиган кенг асфальт йўл, иккинчи томонидан эса қишлоқ комитети ихтиёридаги йўл бўйлаб Дандуванига бориладиган кўча ўтган. Үйимиз билан йўл ўртасида чоғроққина ҳовли бор эди. Мен велосипед овоzinи эшишиб, кўприк томонга қараган эдим, қоронғиликда ҳеч нарса кўринмади.

— Бирор тўхтаб, фонарини ёқяпти,— деди отам аста.

Милт этган ёруғлик қоронғиликни тилиб кетди.

— Ўғриларга жуда қўл келадиган вақт-да ҳозир. Ҳамма ёқ қоп-қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди, бунинг устига ҳар куни ёмғир. Қишлоқда бизда пул кўп эмиш деган мишишлар юритти. Бизга пулни Гуналала юбориб турганмиш. Худо кўрсатмасин, үйимизга ўғри тушса-я. Ўтган ҳафта Ураланинг дўконига ўғри тушди, яхшиямки бир қутича мамласи билан бир рупия-ю чақадан бошқа ҳеч вақо тополмапти. Кеча Дивтурава олдида бир шубҳали одамни кўриб қолдим. Үнга тикилган эдим, худди қўлидан бир нарсаси тушиб кетган одамдек ерга энгашди.

Опам индамай ўрнидан турди-да, эшик томон юрди.
Эшикнинг бекилгани эшитилди.

— Бугун ҳам эшикни бекитмапман,— деди опам қайтиб келиб.

— Менга стол тагидаги пичоқни олиб бер,— деди отам опам ва менга.— Сен ҳам бирор нарса оливол. Ер туфайли ғанимларимиз кўпайиб кетган.

Мен ҳам дастаси узун пичоқни олиб, ўтирган еримиздаги бўйранинг тагига қистирдим, шунда юрагим пўкиллаб, ҳаяжонландим.

Опам жинчироқни ёқиб, дераза рафиға қўйди-да, ўтириб иш тика бошлади.

— Уйқум келмаяпти,— деди опам хўрсиниб.— Енгини ўрнатиб, кейин ётаман.

Кўзим энди илингандекан, айвонда отамнинг бирор билан гаплашаётгани қулоғимга чалинди. Бу назоратчи экан. У ерингни сот, деб отамни авраяпганга ўхшарди.

— Гапни чўзма, ерни сотмаймиз,— отамнинг товуши келди.— Ерни сот-да, ўзинг сарсон-саргардон бўл, шунақами? Бўлди, қуллуқ-эй! Бошлиғингга айтиб қўй: ер сотмаймиз, тамом-вассалом. Гунапала келиши билан албатта дўкон очамиз.

— Гунапаланг қачон келади?

— Шу ойнинг охирларида бораман, деб ёзиپти.

— Уйлангани ростми?

— Ҳа, маггоналик бир қизга уйланипти.

— Қалингаям роса пул шилгандир-а?

— Билмадим,— деди отам гапни чўзгиси келмай.

— Намунча энсанг қотмаса. Узун қулоқ гапларга қараганда, ўғлинг уйланган қиз соҳибжамол эмишу, аммо феъли яхшимасмиш.

— Бўлмаган гап. Бундан бир ой бурун Вэдагэдара келинни кўрипти. Яхшигина тарбия кўрган қиз экан, деяпти-ку. Қелин яқинда оиласи билан Маггонага кўчиб келганимиш. Аввал улар Матарада туришаркан.

— Мен ҳам мишмишларга унчалик ишонмайман. Мардум Гунапала хотини учун анчагина қалин олганлигини эшитиб, валдираяпган-да.

Сўнг улар шивирлашиб гаплаша бошлашди, шундан кейин гапнинг у ёгини эшитолмадим. Бир оздан кейин назоратчи кетди.

Мен бошқа ёнбошимгага ўгирилиб, хира нур тушуб турган будданинг суратига қарадим. Шамол жинчироқ-

нинг митти тилчасини липпиллатиб, будданинг юзига соя туширади. Эди мактабга қатниай бошлаган пайтимда ҳам будданинг сурати эшик тепасида, жинчироқ эса доим унинг ёнида липпиллаб ёниб турарди. Бундан тўрт йил аввал, ўн беш ёшга тўлганимда опам менга отам жинчироқни Вуддувадаги каромат қилувчининг олдига бориб келгандан кейин ёқадиган бўлди, деди.

Мен бор-йўғи тўрт синфи битириб, плантацияда ишлай бошладим. Ишдан қайтиб келганимда бир пиёла иссиқ чой ичардиму шунда танам яйраб, чарчоқларим босилгандай бўларди. Кечки овқатни еб бўлгач, саховатли буддани дилимга жо қиласдим-да, ўрнимга чўзилардим...

Миямда ҳар хил фикрларчувалашиб, мудраб кетдим. Шу пайт туш кўрибман. Тушимда плантациядамишман, ёнимда қораҷадан келган Милли ишляяпганимиш. Бир вақт у ерга энгашган эди, кофтасининг ўйигидан тирсиллаган сийналари мўралади. Кўзларим мудраб айвонга қараган эдим, опам ўтиб кетялган экан. «Нега ухламасинкин?»— дедим хафа бўлиб, кўзимни юмарканман. Аммо ухлолмадим. Бир вақт отам яна аллаким билан гаплаша бошлади.

— Барака топкур, шамнинг таги бўлса ҳам менга бер, ҳеч нарсани кўриб бўлмаяпти, ҳамма ёқ зимистон.

— Бемаҳалда қаердан келяпсан, Чарлис Айя!

— Катамбуравадан, яна автобус бузилиб қолди. Пиёда келяпман. Бундан бу ёғига юриб бўлмаяпти, қоронгиллик. Галледа куни билан ёмғир қўйди.

— Ҳой, Вильсон,— чақирди отам,— шам олиб бер. Столнинг тортмасида.

Мен кўзларимни ишқалаб ўрнимдан турдим-да, шам топиб, Чарлис Айяага бердим.

— Мана бу бошқа гап. Аммо фонаръ бўлса янада яхши бўларди-я,— дея ғудранди-да, Чарлис, шамни ёқиб, йўлига равона бўлди.

Мен жойимга келиб ётдим. Кўз олдимдан худди калейдоскопга ўхшаб бирин-кетин будданинг сурати, плантациядаги машина ва яна алланима балолар ўта бошлади. Дўкон қураётган эмишмиз. Акам келиб, биз билан яшаяпганимиш. Унинг ўшгина хотини бор эмиш. У нуқул оғзини кулгига жуфтлармиш.

Мудроқ аралаш қарасам, опам ҳалиям иш тикиб ўтиради. Ярим кечагача ўтириш унга нима зариликин-а.

Узоқ-узоқлардан биртқич ҳайвоnlарнинг ғалати, ёт овози эши билди. Нима бало, ажиналар базм қилишп-тимикин, дейман ўзимча. Бир оздан кейин бу овозлар тинди...

Биз эртасига иш бошладик. Отамнинг режалари катта: у йўнимизни дўконг мўлжаллаб тузатиш билан бирга, ҳовлимизнинг катта йўлга тақалган ерига ион пиширадиган печка қуриб, яна битта янги уй ҳам солмоқчи бўларди. Унинг хомчўтига қараганда, акам Гунапала юборган пул бу ишларга етади. Ишни энг қийин жойидан — янги уй қуришдан бошламоқчи бўлдик. Буининг учун ҳовлимиз орқасидаги тепаликнинг бир томонини текислаш керак эди. Таъбирчининг айтишига қараганда, ишини эрталаб, соат олтидан қирқ минут ўтганда бошлаш керак эди. Наздимда ўша куни ҳамма нарса бошқача эди. Мен беҳад хурсанд эдим. Қуёш хурмо барглари орасидан жилва қилиб, чиннидек супурилган ҳовлига нур сочиб турарди. Сиядорис Айя бир хурмога суняниб ўтиради. У бизга қарашиб ниятида Удалматтадан иккита сават билан лўм олиб келганди. Отам гира-ширада ўрнидан туриб, будда сурати ёнинг яна битта чироқ ёқди-да, опам сутда пиширган гуручдан бир сиқим қўйди. Бир муддат бошини эгиб, сукут қилди-да, чироқ ёғидан кафтига томизиб, сочига суртди. Ўрнидан турди. Соатимиз йўқ эди, белгиланган вақтда ўриндан турайлик леб Дэниэ Махатанинг соатини олиб турдим. Отам роппа-роса соат олтидан қирқ минут ўтганда бошини янги рўмол билан тангифиб, метинни ерга бир неча марта урди. Сиядорис Айя билан иш бошладик. У лўм билан ерини юмшатиб турди, мен эса саватга тупроқ солиб, олиб бориб дарёга тўқдим. Опам ҳам уй юмушларидан қутулиб, бизга ёрдамлашди.

Чошгоҳгача қаттиқ ишладик, қийналдик. Лекин келгусидаги ёруғ кунларни кўз олдимга келтириб севиндим. Кесиб ташланётган ҳар бир бута, қазиб олинаётган ҳар бир сават тупроқ келажакдаги ажойиб, мисли йўқ, лаззатли ҳаёт онлари яқинлашаётганидан дарак берарди. На қиздираётган офтобни, на саватнинг оғирлигини ва на қуйилиб келаётган терни писанд қилмай ишлардим.

Кунлар кетидан кунлар қувалашиб ўтар, биз эса заҳматкаш чумолилардек тиним билмай ер текислардик. Бошда ишимиз унмаялганга ўхшарди. Гоҳида жаҳлим

чиқиб; куни билан тинмадигу қилган ишимиз энди шу бўлдими, деб қўярдим. Опам, мен ва отам эрта тоңдан соат тўққиз яримгача ишлардик. Чой ичардик-да, яна чошгоҳгача ишга тушиб кетардик. Кун қизифида бир оз дам олиб, қош қорайгунча, энг олисдаги плантациялардан ишчилар қайтгунгача тер тўкардик. Баъзи кунлари чошгоҳдан кейин Сиядорис Аййа ҳам бизга қарашарди. Опам бнздан олдинроқ ишни тугатарди-да, қудуққа бориб ювинарди. Бир оздан кейин биз ҳам дарёга бориб чўмилардик. Шунда ҳориган танамиз муздек сувдан ҳузур қиласди. Уйда опам бизга дастурхон тузаб қўярди. Кечки овқатдан кейин Сиядорис Аййа билан ҳовлимиздаги харсанг тошга ўтириб, катта йўлдан ўтган-кетганларга қараб, валақлашиб ўтирадик. Кун ботганда ҳамма ёқ худди эртаклардаги сингари ғаройиб манзара касб этарди. Ботаётган қуёш пурни дарё бетида ўйнаб, жилва қиласди. Кўприкдан ишдан қайтаётган қизларнинг гангур-гунгури, кулгиси эшитиларди. Дарёнинг у қирғофидаги уйларда чироқ ёниб, осуда дарё бетига шуъла таратарди.

Кечқурунлари отам оҳорли сори¹ кийиб, қуюи қишлоққа кетар, у ердан алламаҳалда қайтарди-да, бундан кейин нималар қилишимиз, дўкон битгандан сўнг турмушимиз қандай бўлиши ҳақида тўлқинланиб узоқ гапиради. Иморат қурадиган ерни текислаб бўлган куни кечқурун отамнинг гап қопи очилиб кетди:

— Ишнинг ярми битди ҳисоб. Оlamda қизиқ одамлар кўп-да. Мана, Эманисни олайлик. Мен уни икки марта ҳашарга айтдим. Бешда у арава тузатяпман, деб баҳона қилди. Икки кундан кейин мен уни Дандуванада кўриб қолиб, «Қарашасанми?» десам, қўлим тегмайди, далада иш кўп деса бўладими.

— Дўкон очишимиш ҳеч кимга ёқмайди. Уша одам менга лўмини зўрға берди,—деб гапга аралашдим мен.

— Ҳали сен онанг ўлган вақтда нималар бўлганлигини билмайсан. Ушанда ҳаммалари тил бириктириб, еримизни тортиб олмоқчи бўлишганди. Гаров қофозини вақтида қайтариб ололмаганимдаги машмашаларни қўявер. Дэниэ Махата — тағин битта-яримтага оғзингдан гуллаб юрма—онанг ўсал бўлиб қолган куни мени роса авради-да.

— Менинг ҳам эсимда,— деди опам хўрсиниб,— онам

¹ Сори — эркакларнинг уст кийими.

бечора жони узилай деяптию, ладамга: «Отаси, ерии асло сотманг, фарзандларимиз бошпанасиз қолади» деб ёлворарди.

— Онанг ерии жуда қадрларди. Қўлимиз калталик қилиб, касалини боқизишга қурбимиз етмай қолган вақтда ҳам, ер сотишни хаёлига келтирмаганди. Бир куни бирордан қирқ рупия қарз олиб келганимда, ери гаровга қўйган бўлманг тағин, деб жон-пони чиқиб кетганди.

Мен онамни эс-эс биламан. Ҳатто қанақалигни эслолмайман. Хуллас, хаёлимда аллақандай аёл қиёфаси сақланиб қолган. Бу ўшлигимда онадан етим қолганимдан бўлса керак. Отам ҳеч қачон менга онам ҳақида гапирмас, фақат онда-сонда, гап уриниб келганда эслаб қўярди. Назаримда ота-онам бир-бирлари билан келишоммагандай эди.

Тепани текислаб бўлдик. Энди иморат билан печга жой белгилаш керак эди. Иморатнинг-ку жойини аллақачон белгилаш қўйган эдик; энди печга жой ажратиб, бир-иккита банин билан яқинда экилган хурмони кундаков қилиш керак эди. Ой тўлишиб, тунлар сутдек ойдин бўлиб қолди. Энди биз ярим кечагача ишлай бошладик. Кечқурунлари велосипедда келадиган Сиядорис Айна баъзи кунлари бизникоиди ётиб қолар, баъзида эса тунги соат бирдан ошганда кетарди. Шу алфозда иш қизигандан қизиб кетди.

Бундан мамнун бўлган отам биз билан ҳазил-ҳузул қилар, гоҳида оёғини ариққа осилтириб, ишимизни кузатиб ўтирган Эманис билан масала талашарди. Нақадар ажойиб эди бу тунлар! Ой нуридан тўқилган чойшаб дарё юзини қоплаган, кўприк ҳам нурга чўмилган эди. Атроф жимжит, қишлоқ уйқуда, фақат бизнинг bellару саватимизнинг овозигина осуда тун сокинлигини бузарди. Кўпинча саҳаргача ишлардик, эртасига эса, ҳеч нарса кўрмагандек, яна иш бошлардик.

Биз илдизларни ковлаб, ерларни текислай бошладик, отам эса уста олиб келиб, ў билан печь қура бошлашди. Мен уларга дарёдан қум ташиб, цементга қориштириб бериб турдим. Қуряпган печимиз унчалик катта эмасди, беш ҳафтада битди. Шундан кейин уй қура бошладик. Отамнинг гапига қараганда, бу уйда бизлар туриб, опамнинг уйини эса акам билан янгамга бермоқчи эди. Акам келгунча ҳамма ишлар битсин деб отам бизни ҳол-жонимизга қўймай роса ишлатди. Уй деворини четандан қи-

либ, устидан қалин қилиб сувадик. Дэниэ Махата ҳовлиси томондан чоғроқ деразага жой қолдирдик. Отам уста билан айвонда одам бели келадиган пештахта қуриб, устига тахта қўйган эди, шишалару қутичали печенъелар бемалол сиғадиган пештахта тайёр бўлди-қўйди. Чангчунг тушмасин деб унинг устига бўз тутди. Уйларни яхшилаб оқладик. Мен бир печа саватда қум олиб келиб, ҳовлига сепдим, шағал ташиб, хурмо остига ётқиздим. Яхшилаб тартибга солинган ҳовли ва оқланган уйлар жуда бошқача кўрниб кетди.

Отам кейинги ҳафтада мол олиб келгани Галлега бормоқчи эди. Унинг ёнида акам юборган уч юз, ўзи йиғиб юрган юз рупия, ҳаммаси бўлиб тўрт юз рупия пули бор эди. Яна бир мушқул иш чиқиб қолди: дўконга шкаф керак эди. Сотиб олай десак, пулимизнинг ярми кетиб қолади. Шунинг учун битта-яримтадан вақтинча олиб турмоқчи бўлдик. Кимдан сўраш керак? Эманисда бир-иккита пештахта бўладиган тахта бор, аммо отамнинг унга ялинишга бўйни ёр бермайди. «Ўзимни хор қиilib, ўша пасткашга ялингандан кўра, Дэниэ Махатадан сўраган минг марта яхши. Унинг бир печа шкафи бўш турибди»,— деди отам. Мен ўша куни кечқурун Дэниэ Махатаникига кирдим. Унинг ери бизникига туташ бўлиб, ҳовлисининг девори эса тепачамизга тақалган эди.

— Шкаф керак бўлиб қопти-да?— деди дўустона оҳангда Дэниэ Махата.—Майли, хоҳлаганингни ола қол. Ишларингиз юришиб кетса, хурсанд бўламан.

Хар вақтдагидек мен Дэниэ Махата олдида бошимни ерга эгиб турарканман, яна нима деркин деб оғзини пойладим.

- Гунапала тузуккина пул юборгандир-а?
- Икки юз рупийча,— чайналиб жавоб бердим мен.
- Отангнинг ҳам йиққан-тиkkани бордир?
- Ҳа, бир оз бор.
- Ўз дўконинг бўлганига нима етсин? Аммо дўкон қуринш учун катта пул керак, акс ҳолда қийин бўлади. Аслида ерларингнинг бир қисмини сотиб, пулига акангга уй қурганларингда тузук бўлармиди.
- Билмадим,— дедим ер чизиб.
- Сирасини айтганда, мен жуда хурсандман. Энди бу ерлар ҳувиллаб ётмайди.
- Дэниэ Махата шуни деб хона эшигини очиб, иккита шкаф кўрсатди. Мен каттасини танладим.

— Опангга айт, эртага қуйи ўрмонга бориб бетель териб келсин, тағин эсингдан чиқмасин-а, хўпми,— деди мен билан хайрлашаркан.

Дэниэ Махата ўзига тўқ, обрў-эътиборли одам бўлсада, унинг гапларига унчалик тобим йўқ эди, ўзиниям иқим сўймасди. Аммо ёрдам бермоқчи бўлганини эшишиб, кўнглим бир оз илиди.

Дэниэ Махатанинг гапидан кейин, бошлаган ишимизниг оқибати нима бўларкин, деб иккиландим. Акам юборган пул етармикин? Бу ёғини отам эплаштиради. У айтганини қиласиган одам. «Чумолидай заҳматкаш»,— дейишади уни одамлар.

Эртасига мен, отам ва Эманис билан дўконга керакли нарсалар хариц қилгани Галлега бордик. Қун бўйи айланниб, ун, ширинликлар ва чойжўш олдик. Нон пиширадиган товани эса Вандурамбадан бурунроқ олиб қўйгандик. Олган нарсаларимизни Эманиснинг аравасига ортдикда, отам иккаламиз кечки автобусда уйга жўнадик. Отам хурсанд эди. У кечқурун уйни бошига кўтаргудек бўлиб опамга нарсаларни арzon-гаровга олганлигини гапириб берди. Бир вақт Сиядорис Айя кириб келди. Уни кўриб отамнинг гап қопи очилиб кетди.

— Мен чойжўш анча қиммат бўлса керак деб ўйладим. Лекин арзимаган пулга олдим.

— Роса омадинг кепти. Яхши вақтда борибсан дейман-а!— деди Сиядорис Айя бошини иргатиб.

— Эртага нарсаларимизни олиб келади. Қелсанг, кўрасан. Келаётганингда узунроқ бамбук таёқ кесиб ола кел.

Шу вақт опам ошхонадан чиқиб, гапга аралашди:

— Бундан ҳам қизиқроқ янгиликлар бор, Сиядорис Айя.

— Яна қанақа янгилик?— дея ўғирилди отам опам томонга.

— Бизлар печь қурган жойга йўл тушармиш, дейишяпти.

— Сен буни қаёқдан эшийтдинг?— деб ажабланди отам.

— Бугун Дэниэ Махатани кўриб қолдим, у менга: «Печни қаерга қурдинглар? Яна давлат йўлга мўлжаллаган ерга бўлмасин?» леб қолди.

Отам бир муддат сукут қилди-да, деди:

— Тағин битта-яримтанг оғзинглардан гуллаб қўй-

манглар. Буни Дэниэ Махатадан бошқа ҳеч ким билмайди. Шу хатни менга ўқиб бер деб ундан илтимос қилган эдим. Бошим қотиб қолди, энди нима қилиш керак? Бу хабар биз печь қура бошлаганимиздан беш кун кейин келган!

— Ҳа, ишлар шунақа де! — хўрсинди Сиядорис Айя.

Отам кечқурун алламаҳалгача олиб келган нарсаларини саранжомлади. Ётар олдидан менга деди:

— Бугун Галледа бизга албатта вивеска керак, деган фикр хаёлимга келди. Бу албатта керак.

Ҳамма нарса тахт, дўённи очаверсак бўлади. Аммо отам акамнинг келишини кутамиз, деди. У хатида йигирма тўққизинчидаги бораман, деганди.

Акамнинг қишлоқдан чиқиб кетганига ўн беш йил бўлгая эса-да, ҳали бирон марта ҳам қишлоққа келмаганди. Бинобарин, унинг қишлоққа келиши ҳаммамиз учун жуда катта қувонч эди. Қизиқ, хотини қанақайкин? У ҳақда ҳар ким ўзича бичиб-тўқирди.

Акам келадиган куни эрталаб опам иккимиз ҳамма ёқни йигиштириб, супуриб-сибирдик. Мен айвондаги мўъжазгина стол билан стулларни дарёга олиб бориб, ювиб, артдим. Опам столга дастурхон ёзди. Деворга онамнинг суратини ҳамда гулдор расмлар осдик. Мен, акамга ажратилган ҳонага ойна осиб, тароқ қўяйлик десам, опам кўнмай: «Ҳали шаҳарликлар бунинг фаҳмига етармикин», — деди.

Гунапала хотини билан кечки автобусда келишди. Акамнинг эгнида шоҳи сори, оёғида чиройли янги туфли. «Тўйинга олган бўлса керак», деб ўйладим мен, уларнинг қўлидаги нарсаларни олиб. Акамнинг хотини Сома бизга қараб кулди. Унинг ҳам эгнида шоҳи сори, билакларида билагузуклар. Воажабо! Мен хаёлан уни худди шундай аёл бўлса керак, деб ўйлагандим. Кечки овқат устида бу гапни Сомага айтгандим, у индамай кулиб қўя қолди.

Уша кеча мен ерга жой солиб ётдим, бундан сира хафа бўлмадим, негаки, ахири оиласиз энди жамулжам бўлган эди-да. Қўзим уйқуга кетаркан уйимизнинг янги сувоғидан келаётган хушбўй ҳид ва оҳорли кийимлар билан ўткпр упанинг ҳиди димоғимга уриларди.

Гунапаланинг келганига беш кун бўлганда, дўённи очдик. Отам опам иккимизнинг кўнглимиизга ўла дўкон-

нинг очилиш маросимига Дэниэ Махатани ҳам тақлиф қилди. Уйимиз худди фотиҳа тўйи бўляпган уйга ўхшарди. Келган одам, текинга бир пиёла чой ичиб, у-будан тамадди қиласарди. Мен азонда ўрнимдан турдим-да, кокос ёнғоги пўчоғидан тайёрланган кўмир олиб келиб, чойжўшнинг оташхонасини тўлдирдим-да, пуфлаб ёндиридим. Сўнг югуриб кўприкка бориб, узоқдан дўконимиэни томоша қилдим. Томимизнинг банаи бўғоти тептекис, буғи осмонга чиқиб, чойжўш қайнайти. Пештахталарга қутичали ҳар хил анвойи печенъелар териб қўйилган. Қўйинг-чи, дўконимиз Галле ёки Вандурамбадаги дўконлардан сира қолишмасди.

Пештахта ортида шоҳи сори кийиб Гунапала ўтирад, опам билан Сома эса ичкирида келувчиларга овқат тайёрлашарди. Отам бўлса тантанали кун шарофати-ла эгнида опноқ кўйлак, елкасига сочиқ ташлаб, келган-кетганларни очиқ чеҳра билан кутиб оларди. Сиядорис Айя икковимиз чой қайнатиб, ион кесардик. Олдимда челакда сув бўлиб, дам ўтмай, тарелка-пиёлаларни чайиб турибман, Жинадаса эса уларни тўнтириб, қуритяпти. Ҳаш-паш дегунча йигирма, балки ўттиз ҷоғли одам дўконимиэни кўриб кетди. Келгањларнинг кўпчилиги: «Қани, аввал келнингизни кўрайлик-чи» деб ҳовлига ўтишар, ичкиридан эса Соманинг хижолат чекиб кулган овози эшитиларди. Гунапала эса, келган-кетганлар билан шаҳардаги савдо-сотиқ ва ҳар хил янгиликлардан сухбатлашиб ўтиради.

Соат еттиларда дўконимиэга Дэниэ Махата кирди. У бир пиёла чой ичди-да, икки буханка нон харид қилди. У берган пулнинг бир қисмини копилкага солдик, копилкада садақага бериладиган чақа пуллар бор эди.

Отам ҳазил-хузул қилиб, кулгани кулган. Бир вақт будда сурати олдида ёниб турган сандал новдаси ўчиб қолди, отам янгисини ёқсан эди, ҳовлига кўкиш, хушбўй тутун таралди. Автобусда келган йўловчилар бу дўкон қаердан пайдо бўлиб қолди деб ажабланишар, улардан баъзилари айвонга чиқиб, чой буоришарди.

Мен чошгоҳдан кейин вивеска ёзмоқчи бўлдим. Бунинг учун силлиқ рандалангандек таҳта топиб, уни печь устига қўйдим. Тўнкага ўтириб олдимга бўёқ билан чўтка қўйдим. Бор-йўғи тўрт синфни тугатган бўлсам-да, яхшигина расм чизардим. Яшил сатҳга оқ бўёқда дўконимиэни помини ёзмоқчи бўлдим. Жинадаса эса бўёқни

аралаштириб берди. Чошгоҳдан кейин ҳаммалари дам олгани чўзилишди. Фақат отамгина ўй суребай айвоннинг у бошидан бу бошига бориб-келарди. Қўлимга чўтка олишим билан, вивескага қўлларида пиёлада чой ушлаб турган аёл ва эркак киши расмини чизсаммикин деб ўйлаб қолдим. Вандурамбада шунаقا вивеска кўрган эдим. Расмининг тагига дўконимиз ва кўприкнинг суратини соламан. Энди эркак киши расмини чиза бошлаган эдим, ўзимга ўзим ортиқча баҳо бериб юборганилигим билиниб қолди, чунки пиёла ушлаб турган қўлни ҳеч ўхшатолмадим. «Майли, кейин уннаб кўрарман», деб ўзимга таскин бериб, уйимиз, йўл ва кўприкнинг расмини чиза бошладим. Энди иш бошлаган эдим, бироннинг тепамга келиб, энгашганини сездим. Қарасам, Сома экан.

— Деразадан мукка тушиб нимадир қилаётганингни кўриб қолдим. Бориб кўрай-чи, нима қиляпган экан деб келдим.

— Расм соляпман. Аммо ҳозирча чиқаролмаяпман,— дедим довдираб.

— Камтарлик қилма, бинойидек чиқяпти.

Нима дейнишимни билмай, ер чиздим, чўтканинг учини ингичка қилган бўлиб, чилпий бошладим. Шу вақтда Сома фақат икки мартагина башарамга тик қарди.

Мен олдимдаги сухбатдошимга тик қаролмай, уялдим. Ахир олдимда соҳибжамол турибди-да...

— Тезроқ чиза қолсанг-чи,— деди у сабри тугаб.— Кўрмоқчиман.

Кўз қирим билан унинг печкага суюниб, бармоқларининг учини лабига босиб қараб турганини сезиб турардим. Вивескада секин-аста уйимиз, банан, зинапояда эса жажжи шакллар пайдо бўла бошлади.

— Менинг расмимни ҳам чизасанми?— деб қолди бирдан Сома.— Ҳув анави ерда,— у қўли билан кўрсади,— айвонда, устун олдида.

Шунда унинг қўллари нозик ва чиройли эканини сездим.

Унинг бу илтимоси мени эсанкиратиб қўйди, шунга қарамай, чўткани олиб, айвонда турган кичиккина қиёфани чиздим. Қаъчалик урйнмай, чизганим эркакникими ёки аёлникими, ажратиб бўлмасди. Аммо кийими Соманинг сориси рангида эди. Суратим Сомани заррача бўлса-да, ҳайратлантирмади, у қувноқлик билан:

— Наҳотки мен шунчалар кўҳлик бўлсам,— деди.

«Мени калака қиляпти шекилли»,— деган хаёлга бордим, бироқ унинг чеҳрасида ййнаган табассумни кўриб, шубҳаларим тарқалгандай бўлди, бу шунчаки нози карашмаси бўлса керак деб ўйладим.

— Бу менинг расмим эканлигини бировга айтма тағин, хўпми?— деди-да, уйга қочиб кириб кетди.

Сўнг мен оқ бўёқ билан: «Чойхона. Яхши чой ва муздак ичимликлар арzon баҳода сотилади», деб ёздим.

Кечга яқин бўёқ қуриди ва отам иккобимиз уни кираверишга қоқдик. Мен чопганча кўприкка бордим. Кетимдан отам, Сома ҳамда опам әргашди.

— Мунча чиройли!— деди Сома қувониб ва мен томонга айёrona нигоҳ ташлади-да, сиримиз ошкёр бўлмасин деган маънода бармоғини лабига теккизib қўйди.

— Ҳақиқатан яхши чиқибди,— деди отам икки қатор ёзувни кўриб.

Кечқурун отам ҳаммамизга вазифа улашди:

— Гунаپала, сен дўконда савдо қиласан. Бу қийин эмас, сенбоп. Вильсон, сен эса Жинадаса билан нон пиширасан. Бошқа дўконларга ҳам нонни сен тарқатасан. Мен кеча Нагодада бир неча дўкондорлар билан гаплашдим. Улар нонни биздан оладиган бўлишди. Ишни азонда бошлаб, узоги билан чошгоҳгача тугатиш керак. Қўлим текканда мен ҳам сенга ёрдамлашаман. Катамбурава, Унанвития, у ёғи Нагода... Нонни соат биргача, нари борса иккигача тарқатиб бўласан. Хамирни ҳам вақтида ошадиган қилиб қориш керак. Сома, сен,— деди отам қўшни хонадаги янгам эшитсин деб овозини баландлатиб,— бизга чой дамлаб турасан. Худо хоҳласа, ишимиз энди юришиб кетади. Ахир Катамбурава билан Нагода орасида фақат биздагина чой бўлади-да! Дандунавада кўприк қурилгандан бери Даддагамага борадиган йўловчилар бизнинг олдимииздан ўтишади.

Отам орзуси ушалганидан беҳад хурсанд. У бу йўлда кўпдан-кўп тўсиқлардан ўтиб, анча-мунча ҳасадгўй одамларнинг оғзиға урганлиги ҳақида тинмай гапиради.

— Мен эртами, кечми, ахир бир куни шу ерда дўкон очишни ўйлаб юрардим. Бу фикрни бир куни Эманислга айтган эдим, у мени мазах қилиб: «Бўлмаган ишга бошингни қотириб нима қиласан» деди. Энди бўлса аламига чидолмаяпти. Эрталаб унга чой эмас, худди заҳар беришгандек юзлари буришиб кетди.— Отам бир оз на-

фасини ростлали-да, сўзида яна давом этди:— Бундай бүёққа ҳаммамиз бир хил йўл тутишимиз керак. Ҳеч кимга, ҳатто Сиядорис Айяга ҳам насияга мол бермас-лигимиз керак. Дуч келганга насияга мол бераверсак, косамиз оқармайди.

Мен ётмоқчи бўлиб ўрин сола бошлаганимда ҳам отам Гунапала билан алланарса ҳақида маслаҳатлашиб ўти-рарди. Опам ўз хонасини акам билан янгамга бериб, ўзи янги хонага кўчиб ўтди. Дадам икковимиз айвонда ётар-дик. Танамда оғир ҳоргинлик сезиб, шкаф олдидағи жойимга чўзилдим-да, зулмат тунга тикилдим. Ҳамма ёқ жимжит. Энг сўнгги автобус ҳам ўтиб кетди, йўловчилар ҳам уй-уйига тарқалиб кетди. Фақат зинапояда кулала бўлиб ётган итгина онда-сонда ингиллаб қўяр, кўкдаги юлдузлар ерга термуларди.

Дўконимизнинг очиладиган куни кўнглим ниҳоятда чоғ эди. Бора-бора йўқ турли моллар сотадиган дўкон бўлишига имоним комил. Шунда яна ер сотиб олиб, ҳақиқий новвойхона қурамиз. Мен янги велосипед тум-шуғига реклама илиб нон ташиётгандек бўлдим. Аста мудрай бошладим, шу вақт қоронгилик қаъридан Сома-нинг юзи кўрингандек бўлди. У тепамга энгашиб, расми-ни солишимни илтимос қилди. «Қўллари мунча чиройли! Хунук-бедаво Гунапала қандай қилиб шундай соҳибжа-молни қўлга туширди экан-а?»— дея шивирларди қуло-ғим остида аллақандай шарпа. Шарпани қувиш ниятида бошқа ёнимга ўгирилдим.

Энди мен ҳар куни эрталаб дўконларга нон тарқата бошладим. Айниқса саҳар мардонда туриш бошда қийин бўлди. Аста-секин бунга кўнига бошладим. Сўнг Жина-даса ҳам эснай-эснай ўрнидан турарди-да, мен билан бирга хамир қорарди. Ярим соатлардан кейин отам турарди. Сўнг Сома туриб чой тайёрларди. Акам касалманд бўл-гани учун ҳаммамиздан кеч турарди.

Мен дўконларга нон тарқатишга кетиб, вақт чошгоҳ-дан оққанда уйга қайтардим. Тердан жиққа ҳўл бўлиб кетган майкамни ечиб, ювинардим-да, соя жой топиб, чўзилардим. Соат тўртларга бориб, анча ўзимга келар-дим. Иш кўп эди. Қош қорайгунгача печкага ўтин ёар-дим. Баъзан уйма-уй юриб, писта кўмир қилиш учун кокос ёнғоги пўчогини йигардим. Йўлнинг нариги томо-нидаги нок остига писта кўмир қиладиган ўра ковладим. Ўтин тайёрлаб бўлиб, дарёга чўмилгани кетардим. Қай-

таётганимда йўлда Дэниэ Махатанинг қудуғида ювниб қайтаётган опам билан Сомани кўриб қолардим. Соманинг товонини ўладиган нам сочлари кўз ўнгимдан сира нари кетмасди. Кечки овқатни энди янгам қиласарди. Бундан ташқари, опам барча юмушларини ҳам Сомага топшириб қўйганди. Сома овқатни тез ҳамда мазали қиласарди. Соат еттиларга бориб у бизларни овқатга чақирарди. Айниқса кечки пайт дўконимиз гавжум бўлиб кетар, акамнинг дўконда харидорлар билан гаплашгани, саломлашгани, чой қуяётгани, пул санаб, тортмага solaётгани-гача эшитилиб турарди. Кечки овқатдан кейин, то ётгумизча опам, Сома ва мен ташқарида китоб ўқирдик. Мен консерва банкасига ёғ ва пилик солиб столбага қоқиб қўйгандим. Тўнкага ўтириб мен китоб ўқирдим, опам билан Сома эса остонаяга ўтириб, ўқиганларимни берилиб тинглашарди. Менда Галлега борганимда олган биттаюбита шеърлар тўплами китобим бўлиб, ҳар куни шу китобдан озгина ўқиб берардим. Отам бу пайтда дўконига банан олгани кетиб, соат саккизларда қайтарди.

Савдомиз гуллаб кетди. Биринчи ҳафтадаёқ теваракатрофдаги плантация ишчилари дўконимизга чойхўрликка кела бошлишди. Кунда кечқурун дўкон атрофида эркагу хотин ғужғон ўйнар, ҳовлимиз велосипедларга тўлиб кетарди. Ҳафта сайнин харидорлар сони ортиб борди. Дастребки кунларда мен чой қайнатиш учун ҳафтада икки-уч марта пистакўмир қиласардим. Бир ойлардан кейин эса ҳар куни пистакўмир қиласадиган бўлдим. Тўрт боғ банан икки кунга зўрға етарди. Отам банан йиғиш учун Урала ва Удалматтага борадиган бўлди. Шириликнинг ҳам бозори чаққон эди. Бир кунда қирқ саккиз буханқа нон ўта бошлади. Буни кўриб ўрнимдан янада эртароқ турадиган бўлдим. Тиним билмай ишлардик. Отам беҳад хурсанд. Сўнгги йиллардаги меҳнат-машаққату чеккан ғам-ташвишлар унинг қаддини буккан, эти бориб устихонига ёпишиб қолган эди. Ҳозир бўлса қадди долдек, ҳатто анча яшаргандек кўринарди. Кўринишидан ҳеч ким уни қирқ саккизга борган демасди. Ҳар бир сўзни ўйлаб, ўлчаб, оғир-вазминлик билан гапираварди.

Бир куни кўпrik тагида чўмиляпган эдим, отам билан Эманиснинг қизиқ гаплари қулоғимга чалинди.

— Ишимиз бунчалик юришиб кетади, деб сира ўйла-магандим,— деди отам ҳақига кўчиб, кўпrik панжарасига суюниб, Эманис билан ёнма-ён тураркан.

— Сен бунга ўз ҳалол мөхнатинг билан эришдинг. Эпчиллигинг орқасида юзага чиқдинг.

— Қўйсанг-чи. Гап асло ундумас. Ўғлим Гунапала-нинг хотини Маггона авлодидан бўлади, унинг қадами қутлуғ келди,— деди отам жиддий.

«Отам тўғри айтяпти»,— дедим бу гапга ҳайратлан-сам-да. Шу пайт, акам билан янгам келган куннинг эртасига томимизга нар-мода капитар келиб қўнгани эсимга тушди. Бу яхшилик аломати деган фикрга келгандим ўшанда. Сома... Унинг қоп-қора чарос кўзлари... Ибо билан табассум қилганда юзларида пайдо бўладиган кулгичлари... Тўғри, Сома бизнинг хонадонимизга шод-хуррамлик олиб келди. Аммо отамнинг сезгирилик билан аёл латофатига бунчалар баҳо бериши эриш туюлди менга! Отам сўнгги вақтларда Сомага бошқача илтифот қиласидиган, уни ҳатто ўз қизидан ҳам ортиқ кўриб, суйиб-эркалайдиган бўлиб қолди. Отамга чойни ҳам Сома дамлаб берарди. У кўпинча Сомани чақириб: «Сома, болагинам, менга бир пиёла чой бер!» дерди.

Сома менга жуда меҳрибон эди. Дўконларга нон тарқатиб келганимда, у шоша-пиша менга чой дамлаб берарди. Бир куни ниҳоятда чарчаб, тердан жиққа ҳўл бўлиб қайтганимда, сочиқ олди-да: «Сиқса бўладиган аҳволга тушибсан-ку» деб бўйин ва елкаларимни арта бошлади.

— Қўйсанг-чи, ўзим,— деб ундан нари кетдим.

— Вой-бў, баданингни қара, тошга ўхшайди-я,— деганди ўшанда Сома кулиб ва бўш пиёлани олиб чопганича уйга кириб кетганди.

Унинг бунчалар меҳрибонлиги мени баъзан ўйлатиб қўярди. Бир куни эрталаб — бу улар кўчиб келишганига беш ой бўлганда рўй берди,— мен бана остида велосипедимни тозалаб ўтирадим. Шу вақт Сома олдимга келди-да, нон ташийдиган яшигимга суюниб, худди қизиқ бир нарса айтмоқчи бўлган одамдай:

— Укажон, бугун нонни сен тарқатма. Жинадасани юбор,— деди.

Мен артаётган ғилдирагимни қўйдим-да, ҳайрон бўлиб Сомага қарадим:

— Нега энди? Ўзим ҳам уддасидан чиқаман.

— Кечаси бечалғай туш кўрдим. Бугун бормай қўя кол.

— Қанақа туш кўрдинг, айт?

Мендан хавотирланаётгапини сезиб кулиб қўйдим.
Мен тушга унчалик ишонмайман.

— Кулма,— деди Сома жиддий,— ёмон туш кўрдим.
Иккаламиз кўприкда турганмишмиз, ёмғир шаррос қуя-
ётганмиш, дарё қутуриб, қирғоқларидан тошиб кетган-
миш. Бирдан сувда катта, оппоқ нарса оқиб келаётгани-
ни кўриб қолибман-да: «Укажон ушла, ушла!»— деб ба-
қирибман. Сен эса кўприк панжарасидан эгилган экан-
сан, дарёга тушиб кетибсан. Мен дод солиб йиғлабман.
Овозимни эшитиб юрганича Гунапала келибди, мен
чурқ этмай, нуқул йиғлармишман. Тушим яхшимас. Бу-
гун борма, хўпми?

— Тушингниг ёмонлик жойи йўқ. Сув ёруғлик де-
йиншади. Ишонмасанг отамдан сўра. Тушни таъбирлашга
у жуда уста.

— Кўрган тушимнинг бечалғайлигини ўзим ҳам би-
ламан.

— Нима қипти, ёмон бўлса, ёмондир. Ёзмишингдан
қочиб қутулолмайсан,— дедим-да, велосипедимга ми-
ним.

— Гапимга кир, ука!— деда қичқирди Сома. Муюлиш-
га бориб орқамга қарасам, Сома ҳали ҳам жойидан жил-
май қараб турарди. Мен ҳар кундагидек Унанвитиядан
Нагодагача бордим. Бир вақт қалбимни аллақандай
ширин туйғу чулғаб олди. Кўз олдимда аллақандай бош-
қача, нурафшон ва баҳт-саодатга тўла дунё намоён бўла-
бошлади. Нагодага етмасдан икки миль берида овлоқ
жой бор эди. Унинг бир томони тепалик ва бутазор бў-
либ, бошқа томони эса кўз илғамас шолипоя эди. Наз-
димда тантанавор тинчликка ўрин берган товушлар бу-
ерда худди тингандай эди. Шу ерга келиб тўхтадим.
Табиатнинг мана шу соки: қучоғида бир нафас ташо
қолгим келди. Катта бир тўнкага ўтиридим-да, аста чай-
қалаётган ўт-ўланлар бетидаги тонғги шабнамни томоша
қилдим. Қуёш чарақлаб чиқди. Ўзимни мана шу улуғвор
табиатнинг бир заррасидек сездим, борлиқ эса менинг
бир бўлагимдек туюлди. Шу пайт аллақандай овоз хаё-
лимни питратиб юборди. Бирор олдимга келаётгандек
бўлди. Иргиб ўрнимдан турдим-да, велосипедга миниб
жўнавордим.

Икки ойдан бери дўконимиз очиқ. Ишларимиз ҳам
жойида. Гунапаланинг кундан-кун турқи ўзгариб, қово-
ғидан доимо қор ёғадиган бўлиб қолди. У бирорга қў-

шилмас, ҳеч нарсага қизиқмасди. Буни кўриб қаттиқ ташвишга тушдим. У авваллари харидорлар билан узоқ суҳбатлашарди. Энди бу ҳам барҳам топди. У озиб-тўзиб кетди. Эрталаблари узоқ ётган касалдек зўрга. кўзини очарди. Кўзларидаги нур сўнди, бошига оғир мусибат тушган одамга ўхшаб қолди. Хотинига ҳам унчалик қарамай қўйди. Бундан қаттиқ ўйга ботдим. Нега бунақа бўлиб қолганлигини билай, деб бир неча маротаба оғиз жуфтладиму лекин буни ўзимга эп кўрмадим.

— Гунапала гана бўлган ўзи? Сўнгги пайтда жуда ўзгариб қолди-я,— дедим.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Унинг ўзи шунақа. Ой охирида Катарагамага бораман деяпти.

— Нега?

— Назр-ниёз бергани. Уйланганига қарийб бир йил бўлса-да, хотинининг бўйида бўлмаяпти.

Гунапала Гоналагодадаги будда руҳонийси олдига борган экан, у иккита дуо ёзиб берибди. У шу дуони Катарагамага олиб бориши керак экан. Акам билан Сома мени биз билан бирга юр, деб қисташди. «Сен билан бирга бўлсан зерикмаймиз»,— деди Сома.

Ойнинг тўлган кунини байрам қилиш йигирма сак-кизинчи числога тўғри келаркан. Биз байрам куни арафасида Катарагамага етиб олишни мўлжаллаб йўлга чиқмоқчи бўлдик.

Йигирма еттинчи куни кечқурун йўл тадоригини кўрдик. Пальма баргларидан отам тўқигая саватга, меҳробга қўйиш учун икки кеча Сиядорис Айя билан Накия Даниянинг чорбоғидан терган гул билан пувак ёнгоғини жойладик. Қўлга суртиш учун шишаҷада ёғ, сандал дарахтидан қилинган хипчин ва Катарагама худоларига тортиқ қилиш учун оч қизил гулларни ҳам саватга солдик. Бу саватдан ташқари яна Гунапала Коломбодан олиб келган чамадонни ҳам олволмоқчи бўлдик. Унга Келани дарёсида таҳорат қилгандан кейин кийиладиган уст-бошларни жойладик. Бирга кетаётганимга Гунапала жуда хурсанд эди. Аммо назаримда отам, бундан норо-зироқ кўринарди. Шундай қилиб, биз эртасига аzonда, соат бешу ўттизда автобусга ўтириб, йўлга тушдик. Галлега соат саккизда етиб келдик. У ердан Матарага бора-диган автобусга ўтироқчи бўлдик. Автобус жўнашига ҳали ярим соат борлигини билиб, мен бетель олиб келгани кетдим. Шу вақтгача мен ҳам, Сома ҳам Катарага-

мага ҳеч бормаган эдик. Шу боисдан икковимиз ҳам ўзимизни худди бегона мамлакатга кетаётгандек сезардик.

— Эсимни танибманки, Галледан чиқмадим. Фақат бир марта холам,— унда жуда ёш эдим,— аллақаёққа олиб борган эди,— деди Сома Матарага кетаётган автобусга ўтирганимизда.

— Мен ҳам бу ерларни кўрмаганман, аммо анчадан бери кўришни орзу қилиб юрадим,— дедим мен.

Галледан Матарага борадиган йўлнинг икки томони қуюқ дарахтзор. Хурмоларнинг қуюқ шох-бутоқлари бoshимиш узра соя ташлаган, фақат унда-бунда қуёш нури милтираб тушиб қоларди. Йўлнинг баъзи ерлари нақ денгиз қирғоғига тақалиб борса-да, қуюқ дарахтлар баланд девор мисол улуғвор ва чеки йўқ яшил денгизни тўсиб турарди. Соат ўн бир бўлмасдан Матарага етиб келдик. Автобусдан тушиб, нариги қирғоқдаги чоққина ошхонада бир тарелкадан гуруч едик. Пешинда Тиссага қараб йўлга тушдик. Автобус ниҳоятда дим бўлиб, дераздан қарашга ҳам ҳолимиз келмай қолди. Хуллас, бу ерларнинг об-ҳавоси биз томонларнинг об-ҳавосидан фарқ қилмас экан. Тангаллага боргандা автобус бир дақиқа тўхтади. Шунда Гунапала иккимиз бир оз айланмоқчи бўлдик. Мен автобус тўхташ жойида кичкина чуқурни кўриб қолдим, унинг тагида сув милтиради. Бу кўл экан. Қурғоқчилик пайти бўлганлиги учун, суви қуриб қолипти. Сув кўринган ергача тушиб, бет-қўлимни чайдим. Сўнг ютурганча чойхонага бориб, Сома билан Гунапалага бир пиёладан чой олиб келдим. Автобус Тангалладан чиқиши билан биз тамом бошқа оламга келиб қолгандек бўлдик.

— Вой-бў, даҳшату!— деди ҳайратланиб Гунапала билан ёнма-ён ўтирган Сома. Улар мендан олдинги қаторда ўтиришарди.— Одамлар бу ерда қандай яшаркин-а?

Кафтдек текис йўлнинг икки томони тақир яланглик бўлиб, унда паст бўйли буталар кўзга чалинарди. Аҳён-аҳёnda кўллар кўринар, унинг қирғоғида ҳам барглари сийрак, шохлари сўппайган битта-яримта дарахт учарарди. Кун ботди, кўллар атроғига қушлар йифила бошлади. Кунботиш томонда, қуёшнинг беаёв қиздиришидан ҳал-лослаган ер осмон билан туташиб кетгандек кўринарди. Автобус деразасидан салқин шабада кира бошлади.

Қуёш ҳануз ўз ётогига бош қўймаган эса-да, тун яқинлашиб келаётгани сезилиб турарди. Атрофдаги жимжитликни автобуснинг овозигина бузарди. Бундан чўчиган қушлар «гурр» этиб осмонга кўтарилишарди-да, тушиб яна жойларига қўнишарди. Қўл бўйидаги дараҳт остида ётган ҳўқиз эринчоқлик билан бўйинни чўзиб, автобус ортидан қараб қолди. Қуёшнинг хира нури ерга ёғилляпти. Бир вақт, буталар орасидан сап-сариқ чечаклар қоплаган дараҳт кўриниб қолди. Деразадан кўз узмай қараб кетаётган Сома:

- Бу қанақа гуллар? — деб сўради мендан.
- Эхала ёки ранавара¹ бўлса керак.
- Йўқ, ранавара бундан чоғроқ бўлади,— эътиroz билдириди Сома.

Йўл бетида кўрина бошлаган реклама қозиқлари шу яқин орада одамлар яшашини билдирарди. Онда-сонда ҳўқиз етаклаган деҳқон учрар, ҳўқизнинг шохига ўралган арқоннинг бир учи каттагина чамбаракка боғланган бўлиб, чамбарак деҳқоннинг бўйнига солинган эди. Бу икки жондор ҳам битта сиртмоқ остида тирикчилик ғамида кетаётганлиги кўриниб турарди. Автобус унинг ёнидан ўтаётганда деҳқон бошини кўтарди-да, лоқайдлик билан автобусга қаради, шунда унинг қуёшдан қорайиб кетган, серажини чеҳраси кўз ўнгимиздан лип этиб ўтди. Тиссага кечқурун етиб келдик.

Автобусдан тушиб, шаҳарнинг нариги томонига жадалладик ва бир оз юрган эдик, қаршимизда Маха дагоба ибодатхонаси кўринди. У шаҳар томлари-ю дараҳт шохларидан ҳам юксакликда савлат тўкиб турарди. Ибодатхона кечки шафақда кўзга яққол ташланарди.

— Ибодатни эртага қиласмиш, ҳозир бир оз айланайлик,— дедим мен, бу гап Гунапалага ҳам маъқул тушди. Биз қиртоқ бўйлаб юрдик. Сокин сув сатҳида ғозлар сайр этар, балиқларнинг шалоп-шулуп этган овозларни эшитиларди. Маха дагоба ибодатхонаси ботаётган қуёш нурида зарга буркангандек товланарди. Бу ер шаҳар шовқин-суронларидан йироқ ва мен ўзимни эртаклардаги фаройиб мамлақатга келиб қолгандек ҳис этдим.

Қош қорайди. Катарагамага кетадиган сўнгги автобусдан кеч қолмаслик учун биз бекатга қайтдик. Автобусда электр ёниб турганлиги учун ташқари гира-шира

¹ Бу ерларнинг ўзига хос дараҳт ва гуллари (*тарж.*) .

кўринарди. Гунапала: «Тушдик» деган эди, Қатарагамага етиб келганлигимизни билдим. Ёруғдан қоронғиликка чиққан эдик, кўзларимиз жимирилаб кетди, дараҳтлар орасидан мўралаб турган ойдиндан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Бир оз юриб осма кўприкка кўтарилдик ва шунида сокин Мэнник ганга дарёсини кўрдик. Дарёнинг нариги соҳили бозор, ундан нарёғи эса йўлга тулашиб кетган эди. Ойнинг тўлишган вақти бўлганлиги учун Мэнник ганга суви, соҳиллари ҳам, иморатларнинг томи-ю, кўчалар ҳам сутдек ойдин эди. Осма кўприкдан тушганимиздан кейин Сома туфлисини ечиб, яланг оёқ бўлиб олди. Дўконларнинг деярли ҳаммаси ёпиқ эди. Торгина кўчадан бир оз юриб, катта фонаръ ёритиб турган Рама Кришна меҳмонхонаси олдидан чиқиб қолдик. Меҳмонхона билан ёнма-ён турган оппоқ девор ортида ибодатхона биноси қад кўтарган эди. У ердан эшитилар-эшитилмас қўнғироқ овози келиб турарди. Чарақлаган меҳмонхона кўзимизга қасрдек кўринди. Биз тортинибгина ичкари кирдик. Киришимиз билан оппоқ қўум сепилган ҳовлида ўтирган одамлар бизга қарашди. Улардам бири олдимизга келиб, мулойимлик билан:

- Шу ерда тунамоқчимисизлар? — деди.
- Ҳа, — деди Гунапала.
- Ундай бўлса идорага бориб рўйхатдан ўтинглар, сўнг мен сизларга хона кўрсатаман.

Гунапала идорага кетди, бизни кутиб олган хизматкор Сома билан икковимизни узун айвондан бошлаб борди-да, қатор хоналардан бирининг эшигини очиб, ичкарига таклиф этди. Электр нурида хона деворлари силлиқ ва ярақлаб кўринди. Азбаройи қувонганимдан деворларни силагим келди. Мен гул солинган саватни аста ерга қўйдим. Сома ҳам чамадонни қўлидан қўйиб, дераза томон юрди.

— Вой-бў, бу ер бунча чиройли-я, укажон!

Мен ҳам деразага яқинлашиб, ой нурига чўмилган тоғтизмаларини кўрдим. Шу тоғлар этагида биз тушган меҳмонхона жойлашганди. Сома ўз латофатини кўз-кўз қилаётган гўзал табиат манзарасига маҳлиё бўлиб қолган эди.

Гунапала келгандан кейин, биз меҳмонхона орқасидаги колонкага ювингани бордик. Сўнг шу ўртадаги чойхонага кириб, бир пиёладан чой ичдик. Ётиш олдидан бир оз айландик. Ҳовлидаги қумдан кундузги иссиқнинг таф-

ти ҳали кўтарилимаганди. Сутдек ойдин бўлганлиги учун ибодатхонанинг оппоқ деворлари ҳам, уйларнинг томи-ю, шу атрофдаги кўм-кўк тамарҳиндинг шохлари аниқтиниқ кўриниб турарди. У ёқ-бу ёқни айланиб, мириқиб томоша қилгим келди, аммо бунга Гунапала рухсат бермади. Ҳақиқатан ҳам куни билан йўл юриб роса чарчаганмиз, бунинг устига, эртага бўладиган ибодат ҳам азонда, соат тўрту ўтизда бошланаркан.

Эртасига соат тўртда уйғондик. Ювиниб, тоза устбошларимизни кийдик. Гул ва шишадаги мойни олиб, ибодатхонага кетдик. Остонадан қадам қўймасимиздан қўнғироқлар жарангидан қулоғимиз батангга келди. Шусиз ҳам довдираб турган эдим, баттар ҳангуга манг бўлиб қолдим. Эс-ҳушим ҳали ўзига келмасдан, бирдан сон-саноқсиз жинчироқлар ёнди. Бундан ҳамма ёқ ёришиб кетди. Рӯпарамиздаги ранги ўнгган пардада авлиё Майураваханарутх Катарагама Дивъяраджнинг қиёфаси ялтираб кўринди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас яна қўнғироқлар жаранглади.

Ибодатхонанинг бир бурчагидан қуюқ тутун кўтарилиб, атрофга ёйила бошлади. Иккинчи бурчагида эса кучли аланга тили ўрларди. Бир нечта одам қўлларини юқори кўтариб, Дивъярадж қиёфаси қаршисида қотиб турардилар. Қўнғироқлар овози борган сари зўрайди. Олдимда тирган Сома чўчиб тушиб, орқага тисланди. Парда орқасида кимдир дуо ўқий бошлади. Эй, қудрати кенг, Катарагама чашмаларини бино қилган денгизлар сultonни Нааяна¹...

Бу овоз қулоқларимда акси садо бериб, ҳамон жарангларди. Борлиғимни даҳшат қоплади. Бармоқларимни қовуштириб, қимирлашга ҳам қўрқиб турардим. Дуо эшитилаётган томонга қарашга чўчирдим. Орадан бир оз ўтгач, парда орқасидан башант кийинган бир одам чиқди. У чурқ этмай одамлар бошига кул сепиб кетди. Биз ҳам қўлимиздаги гул билан сандал таёқчаларини ибодатхонада қолдириб, чиқа бошладик. Қўнғироқлар овози баландлашиб, ибодат тугади. Одамлар тарқала бошлашди. Сома, Гунапала ва мен ибодатхона ҳовлисидаги жинчироқ олдига бориб, худоларга сифина бошладик. Сома икковимиз тиз чўқдик, Гунапала бўлса, чўнтағидан дуо ёзилгап қофозни олиб, аста ўқий бошлади:

¹ Н а р а я н а — худо Вишнунинг иомларидан бири.

Эй, марҳамати кенг парвардигори олам, бандангга раҳминг келсин, менга фарзанд ато қил.

Аста-секин тонг ёришиб, қуёш зар кокилларини ерга ёя бошлади. Субҳидамнинг майин шабадаси ибодатхона ҳовлисидағи хурмо баргларини дилдиратарди.

Еришаётган осмон, баргларининг шивири ҳамда Гунапаланинг сидқидилдан сиғиниши қалбимни илиқ орзуумидларга тўлдирди.

Биз нонуштадан сўнг Кичик Катарагамага бориб, ибодат қилиб келмоқчи бўлдик. Гунапаланинг айтишича, у ерда садақа бериб, ибодат қилсан яхши бўлармиш.

Кичик Катарагама биз турган ердан уч чақирим нарида бўлиб, чангалзорлардан ўтиб бориш керак эди. У ерга бориб-келиб юрадиганлар, йўл тинч, қўрқманглар, деб бизни ишонтиришди.

— Чўчимасангиз ҳам бўлади,— деди биз нонушта қилган чойхона эгаси,— йўлда одамлар кўп. Үрмондаги ёввойи филлар бўлса хонаки филлардек ювош.

Чойхонада чой ичиб ўтирганлар ҳам бизга далда бериб, унинг гапини маъқуллашди. Биз йўлга тушдик, орадан бир неча дақиқа ўтгач, Кира Вэхэра ибодатхонаси ортда қолиб, чангалзорга келиб қолдик. Соат эрталабки саккиз бўлса-да, бу ер ҳали салқин эди.

Бутазордан чирилдоқларнинг чир-чири эшитиларди. Үрмоннинг ичкарисига кириб борганимиз сари аллақандай хунук товушлар эшитила бошлади. Шох-шаббаларга қўнган алвон ранг қушлар ўзларини офтобга солиб, чирқиллашарди. Товус бўлса, гўё эрталабки ясан-тусанини қилаётгандек савлат тўкиб, патларини тумшуғи билан тозаларди. Қуёшдан нур эмаётган ўрмон худди зар қоғозга ўралганга ўхшарди.

Сома йўл-йўлакай ерда ётган ва дарахт шохларига илашиб қолган товус патларини териб борарди. Азонда очилган гуллар атри димоққа хуш ёқарди.

Биз йўлнинг ярмидан ўтган эдик, бирдан олдинда кетаётган Гунапала тошдек қотиб қолди. Мен унинг олдига югурдим. Акамнинг бўздек оқариб кетган юзларидан тер қуярди. У чурқ этишга мажоли келмай, титроқ қўллари билан сўқмоққа ишора қилди, не кўз билан кўрайки, яқиндагина ўтган фил излари.

— Эй, бу аллақачонги излар-ку,— дедим уни тинчишиш мақсадида. Аммо ўзимнинг ҳам юрагим така-пука бўлиб кетди.

— Орқага қайта қолайлик,— деди акам бўшашиб.

— Қўйсанг-чи,— дедим ўз-ўзимга ҳам далда бериб,— шунча йўл юриб қўйнб, энди орқага қайтамизми. Кел, мен олдинда бораман.

Энди мен олдинда кетяпман. Сома мен билан ёнма-ёни борарди. Гунапала эса биздан бир неча қадам орқада судралиб келмоқда. Мен атрофимга сергаклик билан тикилиб кетяпман. Баъзан орқамга ўгирилиб, Гунапала-га қараб қўяман. Унинг афт-ангари ҳали ҳам оппоқ. Бирдан ўрмонга қабристон сукунати чўкди. Яна бир оз юрганимиздан кейин, даҳшатли бўкириқ эшитилди, бундан ўрмон зириллаб кетгандек бўлди. Нима қилишни билмай, тўхтадим. Биздан бир неча қадам нарида шохлар қимиrlади-да, пастак дараҳтлар орасидан фил чиқиб, бутазорга кириб кетди. Сома жонҳолатда қўлимни чангаллаб олди-да, пинжимга тиқилиб, дағ-дағ титрай бошлади. Гунапала қаёққадир ғойиб бўлди ва атроф тинчигандан кейин қайтиб келди. Маълум бўлишича, офтобда роҳатланаётган филни биз чўчитиб юборибмиз.

— Орқага қайтиш керак эди, ҳа, орқага,— дея ҳамон ғудранарди Гунапала.

Сома ҳам қўрқиб кетганди, мен буни унинг титраётган қўлларидан билдим.

— Асти нималар деяпсан,— дея эътиroz билдиридим мен.— Бу ернинг филлари одамга дап қилмаслигини эшиздинг-ку. Филлар ўзларини офтобга солиб ётишаркан. Одам шарпаси сезилса, ўзларини четга олишаркан. Энди бемалол кетаверсак бўлади.

— Менимча, ҳали ҳам бўлса орқага қайтиш керак,— дерди ўз фикрида қаттиқ туриб Гунапала.

— Ҳой, менга қара, барака топкур, яrim йўлдан ўтиб, энди орқага қайтамизми? Ортимизга чошгоҳда қайтамиз. У вақтда биронта ҳам фил йўлга яқин йўламайди.

— Юринглар,— деди Сома, ҳардамхаёлликка барҳам бериб.— Энди нега қайтарканмиз.

Гунапала лоқайдлик билан йўлга тушди. Бир оз юргач тош ётқизилган, устунлари ҳам тошдан ясалган майдонча кўринди. Бу — Кичик Қатарагама эди.

— Мана етиб келдик. Ҳамма иш кўнгилдагидек бўлди,— дедим енгил тин олиб.

— Бекорга қўрқидик-а,— деди Сома қўлимни қўйиб юбориб, унинг чеҳрасига табассум ёйилди.

Биз тош ётқизилган майдончадан ўтиб, тепаликка,

Кичик Катарагама ибодатхонасига чиқдик. Тепаликда бир неча ибодатхона бўлиб, улардан бирининг олдидан ариқ ўтарди. Ариқ бўйида катта банан бор эди. Ибодатхона олдида биз бир тамил¹ни кўриб қолдик. У қўлида кокос ёнғоғи палласида ёниб турган мойни тутиб, ибодат қиларди.

Ибодатхона айвони эрталабки қуёш нуридан нурафшон. Патларини ҳурпайтириб, ўзини офтобга солиб ётган говус бизга ғалати қараш қилди-да, ибодатхонага кириб кетди. Биз сандал хипчинларимиз ва камфарани ёндирилик-да, девори остидан ариқ оқаётган бошқа ибодатхона томон юрдик. Ибодатхонанинг юқори қисмида, темир симлар билан атрофи ўралган ерда, Катарагама худосининг акаси — узун хартумли Гана Дэвийо² ўтиради. Унинг олд қисмига уч тишли айри ўрнатилганди. Биз кокос ёнғоғи сотиб олиб, чақдик-да, пўчоғини ариққа ташлаган эдик, унинг атрофига балиқлар тўдалана бошлади.

Биз ариқдан сакраб ўтиб, тоғ тепасидаги ибодатхона томон кўтарилидик. Ёнбағирдаги ўрмонзор узоқ-узоқларга чўзилиб, охири йўқдек кўринарди. Тоғ тизмалари ортида, нақ уфқда, кўм-кўк тутун қўйнида Катарагама гўё эриб кетаётгандек кўринарди. Қуёш тобига келтирган ердан хушбўй гуллар атри билан сандал таёқчаларининг муаттар бўйи анқирди. Дурға³ ибодатхонасига кириб, худоларга кокос мойни ва аввойи гуллар инъом қилдик, тиз чўкиб, фотиҳа ўқидик. Тоғ тепаси бошқача манзара кашф этганди. У ер-бу ерда худолар шарафига қурилган мўъжаз-мўъжаз ибодатхоналар қад кўтарган. Улар оралиғидаги бўшлиққа уч тишли айрилар ўрнатилган бўлиб, айриларга қучоқ-қучоқ гуллар ташланган, сон-саноқсиз жинчироқлар ёниб турарди.

Учовимиз шукронда дуосини ўқиб, ибодат қилиб бўлганимиздан кейин, Гунапала яна: «Эй, марҳамати кенг парвардигори олам, бандангнинг ҳолидан хабар олиб, менга фарзанд ато қил», дея жон-жаҳди билан сифинди.

Қайтаётганимизда қуёш тиккага келган, чирилдоқлар чирилларди. Бу пайтда жами мавжудот ўрмоннинг ичка-

¹ Т а м и л л а р — Жанубий Хиндистон, Цейлон, Малайя ва бошқа мамлакатларда яшовчи миллат.

² Гана Дэвийо, яъни Ганеша — донишмандлик худоси, илм ва савдо-сотиқ ҳомийси. Унинг қиёфаси фил хартуми билан тасвиранади.

³ Д у р г а — Худо Шива завжасининг исмларидан бири.

рисига кириб кетарди. Шу сабабдан қўрқмаса ҳам бўлади. Аммо Гунапала ҳамон қўрқиб орқа-ўнгига алангларди. Соат ўн иккода биз меҳмонхонага етиб келдик ва кечгача мириқиб дам олдик. Жазирама офтоб Катарагамани тандирдек қиздирарди. Онда-сонда эсган шамол кун ҳоврини қўзғаб, чанг кўтарарди. Кун ботгандан кейин ҳам салқин тушишини кутиб меҳмонхонада ўтирилди. Шу куни ойнинг тўлишган вақти бўлганлиги сабабли кечки ибодатга ҳар кунгидан кўпроқ одам йифилганди. Гунапала ҳам одамларга қўшилиб, яна ибодат қилди-да, дилидаги мақсадини сўраб, оллога илтижо қилди.

— Кечки ибодатдан кейин одамлар тарқалишди, мен эса аллавақтгача туннинг фусункорлигига маҳлиё бўлиб, меҳмонхона ҳовлисида кездим. Ибодатхона ҳам, уйларнинг томлари ҳам, ҳатто дараҳт учларигача кумуш рангга бурканганди. Мен зинапояга ўтириб, сутдек ойдинга чўмган ҳовлини томоша қила бошладим. Ой нури ҳатто қўл билан ушлаб кўрса бўладиган даражада қуюқ эди. Шунда дараҳтдан барг узиб, уни ой нурига аралаштириб юзларимни яширгим келди. Дарёга борсаммикан, деган фикр хаёлимга келган эди, суюниб кетдим. Акам билан янгамдан хабар олай деб меҳмонхонага келдим. Сўнг аста юриб, ёпиқ дўконлар олдидан ўтиб кетдим.

Шаҳар уйқуда. Зиёратга йироқ-яқиёндан келганлар ҳам ухлашган. Фақат бозорга етганимда шошиб уйига кетаётган бир-иккита одамни учратдим, холос.

Қирғоққа етганимда, кўз ўнгимда пайдо бўлган гўзал манзарадан лол қолдим. Назаримда, дарёдан сув эмас, эритилган кумуш оқаётгандек кўринди. Ой нури дараҳт баргларининг ортига шўнғиб кирганидан, қирғоқдаги қумда қуюқ тўқилган тўрга ўхшаш манзара пайдо бўлганди. Табиат ҳам ўзи яратган шу гўзалликдан лол қолиб, ўйга чўмгандек кўринарди. Мен ҳали совимаган қумга ўтириб, оёқларимни унга суқдим. Ўтирган еримдан меҳмонхона йўли яққол кўриниб турарди. Бир вақт қарасам, қирғоқ томонга аллаким келяпти. Не кўз билан кўрайки, бу Сома эди. Унинг эгнида узун кўйлак, елкасига шарф ташлаб олган эди.

— Укажон, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Менинг сира уйқум келмади, бир айланиб келай, деб шу томонга келдим,— деди Сома.

— Менинг ҳам ётгим келмади, ҳовли кездим, сўнг бу ерга келиб, бир оз ўтиргим келди.

— Мен ҳам сен билан ўтирай,— деди Сома ва шарфини қумга ёйнб, ёнимга ўтирди. Орага жимлик чўкди. Мен Сомага қарадим. Ундан кўз узолмай ўтиарканман, юрагимнинг безовта ураётганини сездим. Соманинг ҳам кўзларида ёш қалқигандек бўлди. Бирдан у қумга чўзилди. Мен унинг кўйлакларини туртиб турган тифиз кўярларига қараб, гўё сеҳрлангандек қотиб қолдим. Бирдан Сома қўлимдан ушлаб, мени ўзига тортди. Кафтим унинг нафис бўйнига тегиб кетди, унинг қўллари эса тобора менинг бўйнимни ўзига тортарди. Назаримда, аъзойи баданимдаги ҳар бир томирда юрак дупурим эшитилаётгандек бўлди. Энтикиб кетдим. Бирдан Сома қаддини ростлади-да, бўйнимдан қучиб, телбаларча юз-кўзимдан ўпа бошлади. Унинг ташна лаблари лабларимга ёпишли, кўзлари юмилди. Аста инграб орқага ташланди-да, кўйлаги тумаларини еча бошлади...

Ўша кечаси мижжа қоқмадим. Ҳар хил фикрлар миямда ғужғон ўйнаб, ақлдан оза ёздим.

Эртасига эрталаб соат саккизда йўлга чиқдик. Автобус деразасидан тандирдек қизиб бораётган Катарагама йўлига лоқайд тикилиб борарканман, кўнглим тобора ғаш бўлиб бораётганини сездим.

Икки кечакундуз йўл юрдик. Деярли бутун йўл бўйи гаплашмадим ҳисоб. Фақат онда-сонда Гунапала ёки Соманинг саволларига қисқагина жавоб берардим холос. Қалбимда гоҳ қўркув, гоҳ ғам-ғусса ва гоҳида умидсизлик ҳисси түғён уради. Нақадар ярамас иблисман-а? Мени нега ер ютмайди? Қурбонининг қонига бўялган қотилдек сезардим ўзимни. Аммо баъзан, бу пушаймону лаънатларга дилим тўрида бирдан бахтга ўхшаш бир ҳиссиёт юз кўрсатарди-да, вужудим яйраб кетарди. Бироқ бу ҳиссиётдан ҳам тезроқ қутулгим келарди, чунки асабларим ниҳоятда таранглашганди. Бўлиб ўтган воқеа содир бўлмаганида қандай яхши бўларди-я! Соманинг рухсорига назарим тушганда бирор дақиқага бўлса-да, тортаётган азоб-уқубатларим, кўнгил ғашлигим тарқалгандай бўларди. Сома худди орада ҳеч нарса бўлмагандек, ҳазил-ҳузул қилиб, кулгани кулган. Уйга келганимиздан кейин ҳам гўё ҳеч нарса бўлмагандек тутди ўзини. Бундан мен анча енгил тордим. Мен ҳам ўзимни гўё ҳеч нарса бўлмагандек тутишим керак, деган фикрга келдим. Зўр-базўр ўзимни қўлга олдим. Қолаверса, дардим-

ни бир оз унутишимга уйимиздаги кўнгилсизлик ҳам сабабчи бўлди.

Бизлар зиёратда юрганимизда опам отам билан аразлашиб, уйдан кетиб қолибди. У анчадан бери ҳаммамиз, айниқса отам билан юлдузи тескари бўлиб юрганди. Сабабини аниқ айттолмайману, аммо бунга отамнинг Сомага бўлган бошқача муомаласи сабабчи бўлса керак, деб ўйлайман. Отам арзимаган нарсага Сомага мурожаат қиласади. Эсимни танибманки, отам ҳар куни пешинда уйқудан уйғонганидан сўнг ё мени, ёки опамни чақириб, бошини кокос мойи билан уқалатарди. Энди буни ҳам Сома қиласадиган бўлди. У узун, майин бармоқлари билан уқалаганда отам эриб кетгандек бўларди. Менимча, ма-на шунақа майда-чуйда нарсалар опамнинг жаҳлини чиқарганга ўхшарди. Бунинг устига опам ҳам жizzаки ва феъли тор қиз эди. У қўшнилардан фақат Дэниэ Махата ва унинг оиласи билангина чиқишарди. Эманис ва Рэди мудалаликлар билан-ку мижози тўғри келмасди. Эсимда, бир кўни, унда жуда ёш бола эдим, опамни иш қайчиси билан тирноғимни олдим. У буни кўриб қолиб, қайчини дарёга улоқтириб, анчагача мен билан гаплашмай юрди. У қайчини дарёнинг саёз жойига ташлаган экан, уни топиб келдим. У яна қайчини дарёнинг чуқуроқ ерига ташлаб юборди. Шунинг учун опамнинг уйдан кетишига арзимаган нарса сабаб бўлганлигига имоним комил эди.

Кечқурун, отам ўрнига ётгач, ундан:

— Опам нега аразлади? — деб сўрадим..

— Ҳа, шунчаки арзимаган гап. Ўзиниям феъли ёмон, жizzаки. Раҳматлик онасининг худди ўзи, — деди отам пинагини бузмай.

— Қачон кетиб қолди? Биз кетганимиздан кейинми?

— Худди ўша куни кечқурун, — деди отам, гапиргиси келмай. Бу кўнглимга оғир ботди. Эл ўртасида миш-миш тарқалади. Балки тарқалиб бўлгандир. Бу ҳунук иш. Эртагаёқ опамни топиб, бу йўлдан қайтариш керак.

Эртасига эрталаб нонни Жинадаса олиб кетди, мен опам билан гаплашгани Дэниэ Махатаникига кирдим. Уйига киришга оёғим тортмай, ташқарида бир оз турдим. Опамнинг ўзи зора чиқиб қолса, деб ўйлаб турган эдим, бирдан у чиқиб, пастликка — хурмолар бўй чўзган томорқа томонга юра бошлади. Орқасидан эргашдим. Опам дараҳтдан барг узиб, сават тўқий бошлади. Мендан ҳам

ранжиган экан шекилли, кўрса-да, ўзини кўрмасликка олиб, ишини қилаверди.

— Жуда зўр иш қилибсан,— дедим юрак ютиб.— Бутун қишлоқ биздан роса кулаётган бўлса керак-а?

— Ҳозирча-ку, ҳеч ким кулаётгани йўқ,— деди опам киноя билан бошини кўтармай,— Аммо тез орада ҳамма биздан кулади, ўзинг кўрасан.

Ижикилаб ўтиришдан фойда чиқмаслигини сезиб, индамай қўя қолдим. Бир оздан кейин ётиғи билан сўрадим:

— Хўш, нега бўлмаса аразладинг? Шу ишинг яхшими?

— Аразлаганим йўқ. Кекса одамнинг бўлар-бўлмасга қийшанглайвериши жонимга тегди.

— Аразламадим дейсану, уйга бормай, бу ерларда юрганинг нимаси!

— Айтяпману қийшанглаши жонимга тегди деб.

Опам ортиқ сўз қотмай, яна барг узиб олди-да, саватнинг тагига қўйинб, тўқий бошлади.

— Анави ойимча Катарагамага кимнинг дурини тақиб кетганини биларсан?— деди опам жаҳл билан орадан бир нафас ўтгач.

— Бицмадим,— дедим шоша-пиша мен, «ойимча» деб Сомани айтиётганини сезиб.

— Билмайсанми ҳали! Билиб қўй бўлмаса. Ўша дуржавоҳирлар онамники бўлади. Қутичага яшириб қўйган ўша дур-да! Шу вақтгача унга ҳеч ким тегмаганди.

— Сомага ким берипти уни?

— Ким бўларди, отам-да! Тўйга кетаётганимда, шунча ялиниб-ёлворсам ҳам, менга бермаганди! Унга қолганда, ибодатга ҳам тақиб борса бўларкан-да, а?

— Сома шу нарсаларни ўзи сўраб олмаган бўлса керак.

— Унга отамнинг ўзи берган, вассалом.

— Таг-туги биланми?

— Намунча эзма бўлиб қолдинг? Бутунлайгами, омонатгами, мен буни қаёқдан билай! Ўша куни қутичани очиб қарасам, тўғноғич билан иккита билагузук ҳам йўқ. Шу нарсаларни ўша ёқда тақдими?

— Йўқ.

— Уни қўй, буни қўй, отам ҳамма тақинчоқларни ўнга берган. Бунга чидаб бўладими. Энди, у уйни елкамнинг чуқури кўрсин!

Опамнинг борган сари жаҳли чиқиб борарди.

У билан гапни чўзиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини сезиб, уйга кетгим келди. Бунинг устига, Дэниэ Махата уйдан чиқиб, биз томон кела бошлади. Опамнинг одати маълум, у пашшадан фил ясаворади. Аммо отам-чи, сабабини сўраганимда нега индамадикин? Отам, опамга ўхшаб арзимаган ишни катта қилгиси келмаган-да! Бу гапларни Сомага айтишнинг ҳожати йўқ. Умумаш опамнинг бу қилифи яхши эмас. Отам бизни не ҳасратла боқиб, катта қилди. Ҳамон эсимда, бобом Давид доим бизга: «Отангиз салкам авлиё. Уни ҳурмат қилинглар!» дерди. Онамизнинг вафотидан кейин отам уйланмади. Ўгай она болаларимга қай оналик қиласарди, деб ўйлагандир-да. Мен онамдан жуда ёш қолганим сабабли, отам мени ўзи ювиб-тараб, ўзи овқатлантиради. Опамнинг отамга қилган миннатдорчилиги ҳали шу бўлдими! Опам ўз фикридан қайтадиганга ўхшамасди. Аммо менга ёқмаётган томони шунда әдикни, нима учун опам, келиб-келиб Дэниэ Махатаникига боради? «Қандай қилиб уни уйга олиб кетса бўларкин» деган ўй куни билан тинчлик бермади менга. Қечга бориб печкаларни ёқиб бўлдим-да, остонаяга ўтириб, шуни ўйладим. Қишлоқда хар хил гаплар тарқалганди. Нега энди опам келиб-келиб Дэниэ Махатаникига бориб ўтирипти! Хаёлимни Сома бўлиб юборди.

— Укажон, нега опамиз кетиб қолдийкин-а?

— Мен ҳам ҳайронман. Отам билан айтишиб қолгanga ўхшайди.

— Орадан бир гап ўтибдими?

— Мен тақинчоқлар ҳақида сўрамоқчи бўлдиму, Сома гапимни бошқача тушунмасин, дедим-да, фикримдан қайтдим. Сома ҳам эшикнинг кесакисига суюниб индамай туради. Бир оздан кейинн эса:

— Келармикан уйга? — деди.

— Келмайдиганга ўхшайди. Бугун олдига бориб, шунча ялинсам ҳам кўнмади. Опамнинг феъли шунаقا, қанчалик қистаманг, шунчалик оёғини тираб олади. Бироқ эртага яна бир уриниб кўраман.

— Яхвиси мен бора қолай, — деди Сома ва менга яқин келиб, соchlаримни силади. — Кўп куйинаверма, хўпми?

Сома қўлларини пешанамга аста теккизди-да, уйига кириб кетди.

Мен пеккадан чала ёнган ўтин ва чўғларни тортиб олиб, банан остига обориб тўқдим-да, яна жойимга келиб ўтиредим. Соманинг олдимга келиши орамизда бўлиб ўтган воқеаларни кўз олдимга келтирди. У бунчалар мени эркалаб, соchlаримни силади-я! Нималар бўлаётганига ўзим ҳам ҳайрон эдим. Ҳеч қачон, ҳатто хаёлимга ҳам келмайдиган ишлар бўлди! «Нега бунга йўл қўйдим?» — дердим ҳасрат-надомат чекиб. Шунда: «Ахир мен бахтлиман-ку, қанчалар баҳтиёрман! Яна нима керак менга?» деган ўй-хаёлимдан лип этиб ўтди. Сўнг ийманиш ўрнини дадиллик эгаллади, ҳаммаси табний, куядиган ери йўқ бунинг. Қандай номаъқулчилик ўтдики, шунча хижолат чексам, деган фикрга келиб, ўзимни босдим.

Чала ўтин ва чўғлар аста-секин кул бўла бошлади. Мен ҳамон тутқич бермас ҳаяжонли ўйлар юки остида қимир этмай ўтирадим. Жимжитликни кўприк остида оқаётган сувнинг шовиллашигина бузиб турарди.

Эртасига Гунапала дўконимизга мол олиб келгани Галлега кетди. Фақат акамгина опамнинг уйдан кетиб қолганига парво қилмасди. Гунапала сўнгги вақтларда жуда бошқача бўлиб қолганди. Мен яна илгаригидек нонтарқата бошладим.

Ўша куни ҳар кунгига қараганда иш анча кўп бўлди. Мен уйга соат учларда қайтдим. Нон яшикни ҳовлига қўйиб, велосипедими уйнинг орқасига яширдим. Дўкон ёпиқ эди. Отам чошгоҳда дам оладиган уй деразасидан хонага қараган эдим, у ерда Сома юзини қўллари билан яшириб ўтирган экан. Отам унинг ёнида ўтириб, бир нималарни деб унга тасалли берарди. Отам келганимни сезиб уйдан чиқди! Мен эса жиққа тер кўйлагимни ечиб, анҳорга чўмилгани кетдим. Қайтсан, Сома ҳамон отамнинг йиғма каравотида бояги-боягидек йиғлаб ўтиради.

— Нега йиғлаляпсан? — дедим учиб турган елкалари ни кўриб раҳмим келиб.

Сома индамади.

«Нега бунча йиғлаляптикин-а», — дедим ўз-ўзимга айвонга чиқа туриб.

— Опанг уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилибди, — деди отам мени кўриб.

Эй, ҳали гап бу ёқда экан-да. Демак, Сома, ўз айтганини қилиб, опамнинг олдига борнибди. У бўлса Сомани юмма талаган. Буниси жуда қизиқ бўлди-ку. У ҳаммазининг таъзиримизни беряпти-ку.

Отам дўкон олдида ивиришиб қолди, мен уйга кириб кетдим.

— Бўлди-да энди! Шунгаям ота гўри қозихонами!— деб Сомага тасалли бердим, тўзиб кетган соchlарини аста силаб. Сома индамай ўрнидан турди-да, чиқиб кетди. Юваниб келиб, индамай соchlарини таради.

— Опам нима деди сенга?— ўсмоқчилаб сўрадим.

— Ҳеч нима.

Ойна томонга қараб турган кўзларига ёш тўлди. Лаблари титради. Мен чидолмай, ташқарига чиқиб кетдим.

Опам Сомага тақинчоқлар ҳақида бирон нарса деб, уни қаттиқ хафа қилган. Нега энди Сома бу ҳақда чурқ этмасикин? Ҳадеб ижикилайверишининг фойдаси йўқ.

Опам уйнимизга қайтиб келмади. Буниси ҳам майли-я, унинг ҳали ҳам Дэниэ Махатаникода турганлиги одамни қаттиқ хафа қиласади. Мен, опамни уйга олиб келайлик деб отамга роса ялиниб-ёлвордим. Бошда отам кўнмади. Ахири рози бўлди. Бу уринишларим ҳам фойда бермади. Орадан чамаси бир ҳафта ўтгач, мен яна бориб, уйга юр деб опамга ялиндим. Бу сафар ҳам у кўнмади. «Ўйга юр» деб намунча менга ёпишиб қолдинг!?!— деди опам зарда билан.— Отангга қолса унинг кўзидан йўқолганим минг марта яхши». Шундан кейин гапни чўзиб ўтирамадим. Бунинг устига бир куни отамниг Эманисга: «Менинг уйимми, Дэниэ Махатаникими, бунинг фарқи йўқ. Ахир шу вақтгача ўзимникидан кўра, Дэниэ Махатанинг гуручини кўпроқ егандирман»,— деганини эшишиб қолдим. Опамниг Дэниэ Махата даргоҳидан бошпана топтаглиги учун чекиб юрган аламларим аста-секин тарқала бошлади. Дўконда ишлар кўпайиб кетганидан, ҳатто бош қашишга ҳам вақт йўқ эди.

Нонларни соат уч яримгача тарқатиб бўлардим. Эндиликда Удугамадаги дўконлар ҳам биздан нон оладиган бўлди. Ҳар куни саксон буханкагача нон тарқатардим. Пулни Сома тикиб берган ҳамёнга солардим.

Орәмиздаги алоқа қандай бўлишини ҳозирча айтиш қийин. Шу нарса равшан эдики, биз кундан-кунга бир-бirimизга тобора толпинадиган бўлиб қолдик. Кунлар ўтган сари мен Сомасиз туролмайдиган бўлиб қолдим, бу туйғуга қарши бирон нарса қилишга қурбим етолмаслиги мени анча гангитиб қўйди. Эркак билан аёл ўртаси-

даги муҳаббат, қолаверса Сома билан иккимиз ўртамиз-даги севги, бундай қараганда оддий бир нарсадек кўринса-да, шунча машмашаларга сабабчи бўлди-я! У шартлилик бизнинг амримиздан ташқари иш деб ҳисоблар, баъзида эса уни расмий иш деб билар ва у бунга оғир ботмасди. Унинг бу қилиғи мени қаттиқ хафа қилди. Шу вақтгача мен иккита қиз билан танишганман. Ўн тўрт ёшимда, Эманиснинг катта қизини севиб қолдиму тез кунда ундан кўнглим совиди. Сўнг Милли менга ёқиб қолди. Бу галгиси бошқача туюлди менга. Милли иккимиз битта плантацияда ишлардик, кечқурунлари ишдан бирга қайтиб, шу йили биринчи марта тозалангандан чангальзорда хайрлашардик. Дам олиш кунлари учрашиб қолсан, ундан-бундан гаплашиб, вақт ўтказардик. Миллини кўрсам довдираб, гапимдан адашиб кетардим. Гарчи қиз бир неча маротаба мени ўйига таклиф қилган бўлса-да, уларнига боришга тортиндим. Чамамда, ана шу сабаб бўлиб Милли мендан узоқлашиб кетди. Аммо ҳозирги кечинмаларим у вақтлардаги изтиробларим олдида алангадан учқун эди холос.

Ташқари ҳовлида яшикларга ион жойлаётганимда ҳали ғира-шира эди. Ана шундай пайтларда, агар уйдагилар ухлаб ётган бўлса, Сома аста-секин орқамдан келарди-да, кифтларимга суркалар, елкаларимни меҳр билан силаб, бўйнимга лабларини теккизарди. Унинг бу ҳаракатлари гарчи бир зумда бўлиб ўтса-да, қалбимда унга нисбатан чексиз меҳр-шафқат ўйғотар, томогимга бир нима келиб тиқилгандек бўларди. Уйдагилар аста-секин ўйғона бошлагач, тезда велосипедимга минардиму вазифани ўтагани жўнардим. Аммо хаёлан Сома билан бирга эдим. Пинжимга тиқилгандаги таранг кўкракларини қалбан сезардим. Елкаларимни силаётган майин қўлларини кўз олдимдан асло кеткизолмасдим. Сўнг қалбим қувончларга тўлиб, овозим борича қўшиқ айтиб юборардим.

Бу узоққа чўзилмасди. Бахт-қувонч ўрнини ғам-андуҳ әгаллаб, қалбим ўртанарди. Пушаймон ич-этимни кеми-рар, ўзимни жиноятчи, нотавон банда ҳисоблардим. Одамлар ҳам, ўзим ҳам кечиришга нолойиқ кимсаман дердим. Бошимни қаёққа уришни билмай қолдим. Ҳатто энг бахти онларимда ҳам менинг Сомага бўлган муҳаббатимни ғам-ғусса билан заҳарловчи қаттиқ пушаймон юки эзиб тургандек ҳис қиласдим.

Вақти келиб вијждан азобидан қутуларман, деган фикр хаёлимга келарди. Бу инят эди, холос. Бир куни кечқурун ииятларимнинг пуч эканлиги аниқ бўлиб қолди. Гунапала дўкон ёпилгунча, яъни соат саккиз, саккиз яримгача пештахта ёнида туради. Отам баъзи вақтларда банангага кетиб, кеч қайтарди. Шунда Сома билан иккимиз ёлғиз қолардик, бир куни мен унинг хонасига кириб, эшик орқасидаги йиғма каравотга ўтирдим. Деразадан хонага Еира-шира ёруғлик тушиб туради.

Уша кеч Сома ўзини телбаларча тутди. У дуч келган еримдан жонсараклик билан ўпа бошлади. Аъзойи бадалининг титраётганини сезиб турадим. Бирдан у қадлини ростлади-да, узук тақилгани бармоғини менга чўзди, овози титраб:

— Тишинг билан сугуриб ол! — деди.

Мен довдираб қолдим, унинг жаҳли чиқиб, шартта ўрнидан турди-да, чопганча чиқиб кетди.

Мен унинг ортидан чиқдим, Соманинг бу қилиғига ҳайрон бўлиб, кўприк томонга юрдим. Кўприк пашжарасига суюниб бир оз турдим-да, нариғи қирғоққа ўтдим ва қирғоқ бўйлаб юрдим. Бу қирғоқда деярли дөв-дараҳт йўқ эди, фақат унда-бунда шохлари сувга тегиб турган буталар учарди. Сокин оқшомда борарканман, ўқсик ва ғам-алам қалбимни тириарди.

Эртасига азоңда хамир қораётгани эдим, Сома аста хонасидан чиқди-да, эшикни беркитиб, олдимга келди. Қўлини кифтимга қўйди, гуноҳ қилиб қўйган одамдек кўзларимга боқиб:

— Хафа бўлдингми мендан? — деб сўради ийманиб.

— Иўқ-иўқ, нималар деяисан, — дедим шоша-пиша.

Ҳаш-паш дегуича орадан уч ой ўтди. Дўконимиз кундай-кунга ривож топа бошлади. Бундан отам беҳад хурсаид эди. У зора ёшроқ кўринисам деб фақат соқолинигина эмас, ҳатто мўйловини ҳам оладиган бўлди. Қадамлари ҳам илдам, сипо, доимо кулиб турадиган бўлиб қолди. Ахир у дўкондор-да! У дўконга енги узун, тоза, оппоқ кўйлак кийиб чиқарди. Боя айтганимдек, дўконимиз ишлари ниҳоятда яхши борар, баъзи кунлари ҳатто олти юз рупийгача савдо қиласардик. Пулни отам ҳеч кимга, ҳатто Гунапалага ҳам ишопмай, ўзи санаарди. Дўконимизга кўплаб йўловчилар кирадиган бўлиб қолди. Қишлоғимиздан ўтадиган деярли ҳамма автобуслар лўконимиз олдида тўхтар, ундаги йўловчилар дўконга кириб,

бир пиёладан чой ичишарди, Автобусдан тушишни хоҳ-
ламаганларга Жинадаса чой олиб бориб тутарди.

Аллақандай «хайрихоҳ» одам баъзи автобуслар бел-
гилланган бекатда тўхтамай, истаган ерида тўхтайдиган
бўлиж қолди, деб шикоят хати ёзишти. Ҳозирча хат тек-
ширилмади.

Катарагамага бориб келганимиздан кейин Гунапала
жуда бошқача бўлиб қолди. У ҳеч нарсага қўшилмас,
ҳатто бир-икки оғиз сўзни ҳам зўр-базўр гапиради.
Унинг суратигина қолган эди, холос. У доимо хаёл сур-
гани сурганди. Менга ҳатто биз билан Гунапала эмас,
унинг сояси яшаётгандек туюларди. Шу фикр миямга
найзадек санчилган ўша кеча сира ёдимдан чиқмайди.

Опам бизга бир оғиз билдирамай, ҳатто хайрлашмай,
Дэниэ Махатанинг Ратнапурдаги узоқ қариндошиникига
кетиб қолди.

Май ойида дўкон очганимизга бир ярим йил тўлди.
Савдо ишларимиз бир маромда борар, бурунги шавқ-
завқимиз қолмаган эди. Ҳамма нарса назаримда оддий-
дек туйиларди. Авваллари Магатотеда бир буханка
ортиқ нон сотиб қолсан, қувониб кетардим. Эндиликда
бунақангি ҳодисаларга бепарво қарайдиган бўлиб қол-
дим. «Агар бирор нарсани орзу қилсанг кўнглинг қувонч-
га тўларкану орзунингга етишгандан кейин унга қизиқмай
қўяркансан» деган фикр хаёлимдан ўтарди велосипедда
кетарканман. Бу иш ҳам кўнглимга урди.

Сирасини айтганда, дўкопимизнинг довруғи атроф
қишлоқларгагина эмас, ҳатто Галлега ҳам таркалди.
Авваллари отам Галлега ҳафтада бир марта борган бўл-
са, эндиликда икки мартадан борадиган бўлди. У ердаги
дўкондорлар: «Қўприк олдиғаги дўконнинг эгаси шу
одам бўлади» деб отами ҳурмат билан кутиб олишади-
ган бўлди. Ҳатто отам бўладиган сайловларда қишлоқ
комитети аъзолигига ўз номзодини қўймоқчи бўлди. Мен
бунга кўнмадим. Шундан кейин отам ниятидан қайтди.
Унинг ҳар бир гали ва юриш-туришида ўзига ишонч ва
қатъият сезилиб туради. Шу орада содир бўлган бир
воқеа ишимизга катта таъсир қилди. Биздан уч юз метр-
лар чамаси нарида турадиган (унинг уйи ҳам йўл ёқаси-
да эди) Мэлэгода Пиядаса дўкон очадиган бўлиб қолди.
Сиядорис Аййанинг айтишига қараганда, Пиядаса минг

рупия қалин олиб, этумалалик қизга уйланипти. Бундан ташқари, Дэниэ Махата ҳам унга беш юз рупия берганмиш. Дэниэ Махатанинг отам билан муносабати анча яхши эди-ку, нега энди биз билан рақобат қилмоқчи бўлган одамга шунча пул берганига ишонмадик. Балки Пиядаса жўрттага шунақанги гап тарқатгандир. «Яхниси буни Дэниэ Махатадан сўрасак, ўзи нима деркин?»

Бир куни дўконда отам билан иккимиз қолдик. Мен шу ҳақда гап очдим.

— Мэлэгода Пиядасага беш юз рупия берганинг тўғрими, деб Дэниэ Махатадан сўраб боқсанг қандай бўларкин?

Отам индамай сигарасини чекаверди.

— Унинг шунча пул берганлигига ҳеч ақл бовар қилмайди, сўрасак яхши бўларди.

— Сўрашнинг нима кераги бор,— деб отам елка қисиб қўйди.— Буни сўрамасак ҳам, билиб олиш осон. Бордию Пиядаса дўкон очса, Дэниэ Махатадан пул олганлиги аниқ бўлади. Унинг пул берганлигига кўзим етади,— деди отам бир оз сукутдан сўнг.— Ахир у бизни ситиб чиқариб, еримизни тортиб олмоқчи бўлган эди-ку. Ўзингни пастга уриб, сўрашнинг ҳожати йўқ.

— Шунда унинг қанақа одамлиги маълум бўларди-да.

— Уни мен беш қўлимдек биламан,— деди отам гапни чўрт кесиб.

Пиядасанинг дўкон очмоқчи бўлиб юрганлиги мени қаттиқ ташвишга солиб қўйди. У дўконни қулай жойга очмоқчи. Яна унинг катта дастмояси ҳам бор. Биз дўкон қурмоқчи бўлиб иш бошлаганимизда бунақа пулимиз йўқ эди. Бунга отам парво қилмаган эди.

— Пиядасанинг минг рупия қалин олганлиги ёлғон,— деди отам бир куни,— ўла қолса Дэниэ Махата унга беш юз рупия бермайди. Нари борса юз эллик, икки юз рупия берган бўлиши мумкин. Пиядаса ўз қадр-қимматини ошириш ниятида жўрттага олди-қочди гап тарқатиб юрибди.

Мишиш гап тарқалганлигига тахминан бир ой бўлганда, Пиядаса дўкон очди. Кўпчилик, Пиядаса уйи олдига бир уй солиб, шуни дўкон қиласди, деб ўйлаганди. Лекин у бундан ташқари, узун айвон ҳам солди. Айвон газлами ҳамда зираворлар сотиш учун мўлжалланганди. Чойхонаси ҳам бор эди. Мен Пиядаса дўкон очган куни кечқурун қанақа моллари борлигини билиш мақсадида

ўзимни иши бор одамга солиб дўкони ёнидан бир неча марта ўтдим. Кўриб, капалагим учиб кетди. Унинг моллари бизнинг молларга нисбатан икки баравар кўп эди. Дўконига катта шкаф ҳам қўйилган. Биз шунаقا шкафни анчадан бери орзу қиласдик. Пиядаса бу шкафни қайнатасиникидан олиб келгап дейишади. Шкафга зич қилиб турли навдаги печенье ва конфет қутилари териб қўйилган. Ҳаммадан ёмони шунда эдикни, Пиядаса фақат чой-нон сотишдан ташқари, ип-газлама ҳамда турли зираворлар ҳам сотмоқчи эди. Фақат унинг нон пиширадигап печкаси йўқ эди, холос.

Уша куни кечқурун савдодан тушган, пулни санаб ўтирганимизда отамга:

— Пиядасанинг дўконидаги молларни кўрсанг оғзинг очилиб қолади,— дедим.

— Нима қипти, бизникidan бир оз кўпроқ-да, гарчи у турли зираворлар билан ҳам савдо қилмоқчи бўлсада,— деди отам,— мени айтди дерсан, унинг бу иши юлдуз кўрмай жон беради.

— Нега энди?

— Зиравор сотишнинг ўзи бўлмайди. Ихалакандэдаги дўконнинг синганлиги эсингдами? У дўкон нега синди? Чунки у ерда ҳам гуручга қўшиб зираворлар ҳам сотмоқчи бўлишганди. Бу ерликлар гуруч билан зираворни Нагода билан Чандурамбедан олиб келишади. Гуруч билан зираворлардан фойда қилиш учун у ердаги баҳодан беш-ўн цент қимматга сотиш керак. Бунга ким ҳам олардин дейсан? Уз баҳосига сотса, фойда чиқармиди? Ахири кооператив дўконларида бу нарсалар белгиланган баҳода сотилмаганда ҳам баҳарнав эди.

Отам ишонч билан гапиради, ундаги кайфият бора-бора менга ҳам юқди.

Орадан бир неча ҳафта ўтди, савдомиз бояги-бояги-дек эди. Қош қорайди дегунча плантация ишчилари дўконимизга олдинма-кетин кириб, баъзилари нон харид қилас, баъзилари эса чой ичарди. Унда соат етти-саккизгача шўх гурунг типмасди. Овозлар орасидан:

— Икки буханка нон ўраб бер.

— Ўн цент печенье торт.

— Икки пиёла сутсиз чой қуй, унчалик аччиқ бўлмасин...— деган гаплар эшитилиб турарди.

Чайжўш ҳар сафаргидек бақиллаб қайнаб турар, Жинадаса эса мулозамат кўрсатиб, у ёқдан бу ёққа пирил-

лаб чой таширди. Шу орада Мэлэгода Пиядасанинг дўкони ҳақида ҳам гап бўларди.

— Ҳа, нима бўлгандаям Пиядасанинг дўкони кундан-кунга путурдан кетяпти,— деди бир куни Балапитийэ Айя чой ичиб ўтиаркан.

— Бирордан кулиш яхшимас, Балапитийэ Айя,— дея эътироz билдиридан отам.— Ҳали ўзимиzinинг ҳолимиз нима кечишини ким билади дейсан. Агар Пиядаса гуруч ва зиравор сотишни ўйламаганда, биз ҳам унинг дўконига кириб чой-пой ичиб турардик. У биздан ҳам бирмунча пул ишларди.

— Бу сенинг таъбинг, аммо мен ўла қолсам ҳам унинг дўконига қадам босмайман. Нега деганингда, Пиядаса бугун плантацияга келиб, фақат мендан мол харид қилинглар, деб одамларга ташвиқот қилди.

— Ҳой, Вильсон,— деди отам сергакланиб.— Нималар деяпсан, ҳали Пиядаса плантацияга бориб, одамларга менинг дўконимдан мол харид қилинглар, дептими?

— Ҳа-да,— деди гапида давом этиб Балапитийэ Айя,— яна ёлғиз ўзи эмас, бригадир билан.

— Бригадирнинг бизда қанақа хусумати бор экан? У ҳам бизнинг синишимизни, Пиядасанинг савдоси гуркирашини истабди-да,— деди, отам бошини қимирлатиб.

— Балапитийэ Айя, сен индамадингмий?— дедим мен ҳам гапга аралашиб.

— Боплаб жавоб бердим. Эски кийим одамга қовушади, деган эдим, Пиядасанинг афт-башараси шунақаям бужмайиб кетдики, асти қўявёрасан.

— Бултурги бананлари ириб-чириб қетди, шуни ташлаб юборгани плантацияга борган,— деди Балапитийэ Айянинг ёнида ўтирган Отар. Бўйи узун бўлганлиги учун уни Новча Отар дейишарди.

— Кеча қараб турсам, Пиядаса учта катта бойлам банани ахлатга обориб ташлади,— деди гапида давом этиб Отар,— лоақал номигаям сотмабди-я!

— Хотинининг пуллари унга ёқмади,— деди отам.

Пиядасанинг дўконига харидор кирмай, нарсалари бузилиб қолиб, ташлаб юбораётганигини ўтган ҳафта Сиядорис Айядан эшигтан эдик. Унинг бир қоп унни дарёга ташлаётганини Айя кўрипти.

— У дўкон очиш осон иш деб ўйлаган-да. Бунга ҳам уқув керак,— фуур билан деди отам.— Сиядорис Айя, Пиядаса сени кўриб, бир хил бўлиб кетгандир-а?!

— Унисини билмадим. Пиядаса дарёга қоп орқалаб келганда, мен нариги қирғоқда ювинаётган әдим. Шунда у эшитсин деб жүрттага: «Кетма-кет дўкон очишаپти. Яқин орада дарёнинг суви булғаниб, ювингани кўнглинг тортмай қолади» дедим. У бўлса ўзини эшитмаганга солиб, кетиб қолди.

— Ҳа, хотинининг пулиниг хосияти бўлмади,— деб гапини маъқуллади отам. Ҳар сафар Пиядаса ҳақида гап кетса, отам шу гапини такрорларди.

Пиядаса кейинги ойнинг охирларида дўконига яна мол олиб келди, лекин у бу сафар молларни насияга олди.

— Тавба, бу қанақа бемаънилик-а,— дедим мен отамга,— ҳали анча моли турибтию насияга мол олиб нима қиласди.

— Коломбода одат шунақа. Дўконни молга тиқиб ташлашади. Кўявер, ҳали дарёда жой кўп,— деди отам зардаси қайнаб.

Ионь ойнда ҳеч қанақа янгилик бўлмади. Отам ундан қарзини сўраганилиги учун Сомапала деган мижозимиз Пиядасанинг дўконидан мол оладиған бўлди. Умуман насияга мол бермаслик бизнинг шароитда қийини. Чунки плантация ишчилари насияга мол олиб, ойда бир марта, яъни, мояна олгаиларида узишарди. Отам қарзин йигирма беш, өшиғи билан ўттиз рунийдан ошишига йўл қўймасди. Сомапала бўлса қирқ рупниядан ошиқ насия қилдя. У Пиядасанинг дўконига қийшайган вақтда ҳам қарзини тўламади.

«Ундан нарига, ўша хасисдан қутулганимизга шукур. Қарзини тўламаса садқан сар, камиб қолмаймиз,»— дерди отам ҳар сафар Сомапаланинг қарзи ҳақида гапирсам,

Пиядасанинг аҳволи кундан кунга оғирлаша бошлиди. Бир куни Сиядорис Айя билан бананига кетаётган эдик.

— Хабаринг борми, шу ойнинг охирига Пиядаса дўйконини ёпармиш,— деб қолди.

— Бўлмаган гап, одамлар оғзига келганини валди-райперади!— дедим мен.

— Гапингни қара-ю!— деди Сиядорис Айя қизишиб.— Нагодадаги бир дўкондорга газламаларини обориб берганига нима дейсан? Вақтида унинг ширинллик ва печенъеларини арzon-гаровга олиб қолсаларинг олиб қолдиларинг, бўлмаса, аттанг деб қоласизлар.

— Агар у ғамлаб қўйган нарсаларини сотаётган бўлса, гапингда жон борга ўхшайди,— дедим.

— Албатта-да, шу гапни эшитганимдан бери худли тўйга кетяпган одамга ўхшаб севиняпман!

— Бўшга мушкул иш тушган одамдан кулма,— дедим мен койиган бўлиб. Бу гапни эшишиб кўнглим анча ёришди.

— Шунақа гапни қўй,— деди қизишиб Сиядорис Айя.— Ахир Пиядаса дўкон очиб, сизларни синдиримоқчи бўлганди-ку. Бугун уйга борсам бунинг хурсандчилигига албатта бир стакан ароқ ичаман.

Уйга анча кеч қайтдик, Сиядорис Айя айтганини қилиб, бир стакан ичди. Бир оз қизишигач, Пиядасанинг дўкони ва унинг ёпилганини оғзини кўпиртириб анча гапирди. Мен ташқари ҳовлига ўтдим-да печкадан чўр олиб, жинчироқни пуллаб ёқдим-да, уни девордаги михга илиб, ним қоронғи уйга кирдим, Сома йиғма каравотда тиззаларини қучоқлаб ўтирган экан. Бориб ёнига ўтирудим. У чўчиб кетди. Мен уни эркалаб бафримга тортдим, тўзғиган соchlарини силадим. У бўлса пинжимга кириб кетди. Шу кўйин чурқ этмай, анча ўтирдик. Бирдан Соманинг кифтлари титрай бошлади. У йиғларди. Кейинги вақтларда Сома кулиб туриб бирдан йиғлаб юборадиган одат чиқарганди. Бундай пайтларда уни овутиш жуда мушкул эди. Мана ҳозир ҳам унинг бу аҳволига чидолмай эркалаб елкаларини силай бошладим. Бирдан Сома елкамни тишлиб олди. Қичқириб юборишимга оз қолди, ундан нари сурилдим. Елкамга кафтимни боссам, қон. Буни кўрган Сома қўрқиб шивирлади:

— Жуда оғридими, укажон?

Жинчироқни олиб келдим, қарасак, қон тўхтабди.

— Энди нима қилдик? Дори қўйиб боғлаб қўймасак, ўлиб қоламан,— деб ҳазиллашдим уни тинчлантириш учун. Сома куйиб-пишиб кўзларимга қараб: «Жудаям оғрияптими укагинам?» деди.

— Кел, Гунапалага кўрсатамиз,— деди Сома ғалати жилмайиб,— бундай вақтда нима қилиш кераклигини у билади.— Бунақа ҳазилни ёқтиргмаганимдан унга ажабланиб қарадим.

— Зим чакираман бўлмаса,— деди Сома ҳовлиқиб.

— Бу қандай бемаънилик,— дедим жаҳлим чиқиб.

Этасига гешинда айвондаги стулда кўчага қараб ўтирадим. Иссикнинг баландлигидан жойимдан қимирлаш

у ёқда турсин, ҳатто бирон нарса ҳақида ўйлагим келмасди. Пиядасанинг дўкони яққол кўринниб турарди. У қўлида газета, зинапояда ўтирипти. Осилаш баисаллар ҳам кўринмади. Буни кўриб, юрагим ачиб кетди. Пиядаса ҳам бизга ўхшаб озмунча нари бориб, бери келдими. Дўкон очишнинг ўзи бўладими? Буши у йўқчиликдан қилди. Эндиликда ҳамма орзулари пучга чиқди. Инсоннинг бошига нималар тушмайди! Шу пайт Сома ичкаридан чиқиб, эски ҳисоб-китобларни пештахтага ёйиб, кўздан кечираётган Гунапаланинг ёнига ўтириди-да, бирдан:

— Кўрдингми, уканг жароҳатланибди,— деди.

Аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб, ўтирган жойимда қотиб қолдим.

— Кўрсанг-чи,— деб гапида давом этди Сома, Гунапаланинг елкасига қўлини қўйиб.— Жароҳатини ҳеч кимга кўрсатмаяпти.

— Ким жароҳатланди? Сенми, Вильсон?— деди Гунапала қофозларидан бош кўтариб.

Бетимга қон тепиб, зўр-базўр лабларимни қовуштирдим-да:

— Ҳа, кеча велосипеддан йиқилиб тушдим,— дедим.

— Дори-дармон қўйдингми ярангга! Шишганга ҳам ўхшайди-ку!— деди Гунапала олдимга келиб.

— Кокос ёнғонининг мағзидан қўйдим.

— Жароҳатинг яхшигина-ку,— деди Гунапала, ярамга қараб.— Тошга йиқилганга ўхтайсан. Тош бўлгандаям учли тош бўлса керак-а.

— Ҳа, тошга тегувди... йўл ёқасидаги...— дедим дудукланиб.

Сома айёrona жилмайиб, биз томонга қараб турарди. Назаримда стулга ёпишиб қолганга ўхшардим. Бир ёқдан Сомадан хафа бўлсам, иккинчи томондан унинг бу ўйинига ҳайрон бўлардим. Бусиз ҳам узилай узилай деб турган асаб торини тортишнинг нима фойдаси бор.

— Елкангга қараб бўлмайди, Вильсон. Эртага албатта табибга бор, малҳам беради. Боролмасанг, ўзим олиб келаман.

— Йўқ, йўқ, ўзим бораман,— дедим мен шоша-пиша. Назаримда гапдан тўхтасак, сукунат ғолиб келиб, иккимиз учун муҳим бўлган ҳақиқатни англаб олишимизга имкон туғиладигандек туюлди. Бу ҳақиқатни тан олиш

қанчалар фожиа бўлса, тан олмай, чўзиб юриш ундан ҳам баттар, мудҳиш эди. Гунапала буни сезарди шекилли:

— Ҳозирча велосипед минма, йўқса ярангнинг битинши қийин бўлади,— деди.

Бундай диққатпазликка ортиқ чидомаслигимни сенуб, айвондан тушдим-да, кўприк томон кетдим. Кўприкда сувнинг оқишини томоша қилдим. Назаримда, мингминг болғача миямга гурсиллаб тушаётгандек бўлди. Бу овозни эшитмаслик учун қулоқларимни беркитиб олдим. Бир кўнглим ўзимни сувга ташлаб қалбимни тирнаб, азоб бераётган хижолатпазликдан қутулмоқчи ҳам бўлдим. Беш дақиқа ўтмай, яна ғизиллаганча уйга кирдим. Деразаси ташқари ҳовлига қараган уйдаги бўйрага ўзимни ташлаб, ухлашга ҳаракат қилдим. Бироқ кўзимни юмдим дегунча, елкамга қўлини қўйиб турган Гунапала пайдо бўлаверди. Унинг боқишилари қалбимга ёриб кириб, ўзи билган бутун сир-асроримни фош қилаётгандек бўлаверди. Биз Сома билан қанчалар нотавон, манфур инсонмиз-а? «Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?» деган фикр чор атрофимдан бостириб келаверди. Саپчиб ўрнимдан турдим-да, худди ўз-ўзимдан қочгандек велосипедга миниб, телбаларча педални босдим.

Уйга алламаҳалда қайтдим.

— Сәми келиб, сени йўқлади. У автобусда келибди!— деб қичқирди отам, менинг кириб келаётганимни айвондан кўриб. Шу баҳона бўлдю, яна уйдан чиқиб кетдим. Сәмиларники йўл айрилишида эди. У келаётганимни деразадан кўрди шекилли, дарвозасидан киришим билан, югуриб олдимга чиқди-да:

— Муҳим бир янгиликни айтмоқчийдим сенга,— деди.

— Сен мени йўқлабсан, отам айтди. Эшитдиму олдингга келдим.

— Хўш десанг, бугун Пиядаса автобус компанияси идорасига борипти.

Гапнинг индаллосига тушундим.

— Унинг дўкони олдида автобус тўхтайдиган қилиши илтимос қилибди,— деди Сәми.

— Хўш, илтимосини қондиришиштими?

— Қондиришишти. Компания директори рози бўпти.

— Энди нима қилиш керак?— шунчаки сўраган бўлдим мен.

— Менимча, бу билан унинг иши юришиб кетмасов.

Лекин дўконининг довруги кетади. Отангга айт, компания директорига бир хурмача қатиқ обориб берсин.

Отам бу хабарни бамайлихотир тинглади. Сэмининг маслаҳатини айтган эдим, у:

— Ҳамманинг гапига учавермаслик керак. Майли, унинг дўкони олдида автобус тўхтайдиган қилишса, қилишаверсин. Қойил, у шуниям гап деб кўтариб юриптими ҳали. Бундан биз унчалик зарар кўрмаймиз. Лекин буниг Пиядасага фойдаса тегармикин.

— Шундайку-я, лекин энди у дўконини ёпмайди-да!

— Мабодо у йўловчиларга чой билан бирон егулик сотадиган бўлса, бу иши билан узоққа боради деб ўйлайсанми. Ҳовлиқма, бош омон бўлса, кўрасан.

Биринчи числодан бошлаб автобуслар унинг дўкони олдида тўхтай бошлади. Мен ўша куни саватларимга нон жойлаб, энди кетмоқчи бўлиб турган эдим, унинг дўкони олдига биринчи автобус келиб тўхтади. Пиядаса шоша-пиша патнисга чой териб, йўловчиларга тута бошлади. Ёнимда турган отам:

— Менимча, бу узоққа бормаса керак. Шуям иш бўптию турган-битгани оворагарчилик-а. «Олиб бор! Олиб кел! Олиб кет!» дан бошқа нарса йўқ.

Отам ҳар қанча гапирмасин, шунақа ҳазо булат кунларда дўконимиз олдида автобуснинг тўхташи эсимга тушиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Тезлигини пасайтириб, автобус тўхтар, йўловчилар бпр пиёладаъ чой ичиб, отам билан ҳазил-ҳузул қилишарди.

Автобус бошқа жойда тўхтайдиган бўлса-да, бу бизниг саадо-сотигимизга унчалик таъсир қилмади. Аввал-гидек йўловчиларниг кўпчилиги бинаниг дўконимизга кириб, чой ичишарди. Ҳатто нон олгани ҳам дўконимизга келишарди. Шубҳасиз бундан биз курсанд эдик, аммо буни Пиядасага гўрда билдириб бўлармиди? У ишларим юришиб кетди, деб оғзи қулогида эди. Отам айтганидек, унинг ишлари бир оз юришди.

Мен ҳар куни эрталаб фақат Нагодага нон таширдим. Удаламаттуга эса Жинадаса олиб бораради. Ҳар ойнинг охирида мен бориб, насияларни ундириб келардим. Дўконимиздан қарзга мол олган ҳаридорлардан пулини ойнинг йигирма олтинчи куни олардик. Шу куни плантация ишчилари мояна олишарди. Бир кун кечиксанг насияни ундириш амри маҳол эди.

Мен ҳар вақтдагидек шу куни чошгоҳдан кейин Сия-

дорис Айя билан плантацияга келдим. Кассир ҳали келмаган экан. Уни кутгани ишчилар яшайдиган қатор кулбалар соясига бориб у ёқ-бу ёқдан гаплашинб ўтиридик. Сал нарида анчагина одамлар ҳам кассирни кутиб ўтиришарди.

Орадан кўп ўтмай, биз томон лапанглаб келаётган Балапитийэ Айяни кўриб қолиб, уни чақирдим:

— Ҳой, Айя, қаёққа шошиб кетяпсан?

— Эй, Вильсон, сеимисан?— деди менга.— Бери кел, сени қидириб юрувдим.

Балапитийэ Айя бирон сир айтмоқчи бўлган одамдек мени бир четга тортди-да, қулоғимга шивирлади:

— Гапимни эшиш, бугундан бошлаб ҳамма ишчиларга сизларнинг дўконингиздан бирон нарса олишни қатъий ман этишди. Пиядасанинг ўзи, бригадир ҳамда иш бошқарувчи учаласи бир бўлиб ҳар бир ишчига алоҳида-алоҳида тайинлашди.

Буни эшишиб ҳангу манг бўлиб қолдим. Пиядасанинг бу ҳийла-найрангидан жоним ҳиқилдоғимга келди, бундан кейин ҳолимиз нима кечади деб капалагим учиб кетди. Ахир харидорларимизнинг кўпчилиги шу плантация ишчилари-да!

— Нима қилиш керак?— Балапитийэ Айя ҳамон афтиимга тикилиб турарди.

— Миям қотиб қолди, бригадир ҳам... иш бошқарувчи ҳам... Демак, Пиядаса анчадан бери шуни ўйлаб юрган экан-да...

— Ҳаммаларининг тили бир,—деди Балапитийэ Айя ишонч билан ва гапида давом этди:— Менимча, Вильсон, учови бир бўлиб шуни ўйлаб топишган. Бундан бошлиқнинг хабари бўлмаса керак. Олдига бориб, унга айтиш керак. Ву қилмишлари учун бошлиқ уларнинг пешанасидан силаб қўймас албатта.

— Буни аниқ биласанми?— дедим унга.

— Аниқ биламан. Агар бошлиқ билиб қолса, уларнинг таъзирини беради!

— Унда ётиб қолгунча, отиб қолиш керак.

— Отангга айт, албатта бошлиқнинг олдига бориб, ҳамма гапни айтсин. Мен кечқурун олдингга кириб, хабар оламан.

— Хўп, яхши. Ишчиларга айт, кечқурун бориб қарзларини тўлашсин,— дедим-да, Сиядорис Айяни чақирдим.

Плантациядан чиқиб кетаётганимизда Сиядорис Айя мендан сўраб қолди:

— Балапитийэ нима деди. Дўконингиз ҳақида бирор гап айтдими?

Уз хаёлим билан бўлиб, унга тезда жавоб беролмадим.

— У нимаям дерди. Гапига қараганда, улар бирлашиб, ишчиларни биздан бездирмоқчи бўлишибди. Эртадан бошлаб дўконимиздан ҳеч ким нарса олмасмиш.

— Вой-бў! Энди бу ёғи неча пулдан тушди? — деди Сиядорис ачиниб. — Кимдан чиқипти бу қабиҳлик.

— Пиядаса, бригадир ҳамда иш бошқарувчидан. Улар тўғри келган ишчини тўхтатиб, қаттиқ тайинлашипти.

— Энди нима қилиш керак-а? — деди Сиядорис ҳамдардлик билан.

— Менинг ҳам бошим қотиб қолди.

— Лаънатилар, — деди Сиядорис.

— Бу ишлари учун уларни ўлдирса ҳам камлик қиласди.

Уйга кирдик, пештахта олдида ўтирган отам мен томонга ўгирилди-да, ўрнидан туриб деди,

— Нималар бўлаётганини эшилдингми, Вильсон?

Отамнинг овозидан ҳадик аломати сезиларди.

— Ҳа, эшилдим. Ҳозир плантациядан келяпман, — дедим айвонга чиқаётib. — Сен буни қаёқдан эшилдинг?

— Пэлаваттадан бир бола ҳаллослаб келиб, айтди. — Оёқларимда мадор қолмади, чурқ этолмай, скамейкага чўқдим. Отам стулни сурив, ёнимга ўтириди.

— Лаънати иблислар. Бу ишлари учун уларни ўлдирса ҳам камлик қиласди, — деди Сиядорис. У жаҳли чиққандада, битта гапни икки марта қайтарарди.

Ҳаммамиз қаттиқ ташвишга тушиб қолдик. Бу фақат савдомизгагина зарари тегиб қолмай, балки тамоман синишимизга сабабчи бўлиши мумкин эди. Кечқурун бу ҳақда отам куйиб-пишиб деди:

— Бу анчайин автобус тўхтайдиган жойни ўзгартиришга ўхшаган гап эмас. Бунақада бор буд-шудимиздан ажраб қолишимиз ҳам мумкин. Эртагаёқ бошлиқнинг олдига бориб гаплашаман. Бошқа иложимиз йўқ.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деди Балапитийэ.

— Кўра-била туриб бошлиқ бунга йўл қўймас-ов.

— Мен бир нарсадан хавотирланяпман, — деди отам гапида давом этиб. — Ахир биз унга ўша пайтда еримиз-

ни сотмагандик-ку. Шу сабабдан бизга ён босмаса керак деб ўйлайман.

— Барибир бориш керак,— дедим отамни кўндиromoқчи бўлиб.— Вақт ўтгандан кейин аттанг деб қолгандақ кўра, ҳаракат қилиб қолиш керак.

Отам эртасига кун чиқар-чиқмас йўлга тушди. Плантация бошлиғи Вандурамбада, туради. Қўлим қуруқ бўлмасин деб бир хурмача қатиқ билан катта бўлак асал олиб кетди.

Отам вақт чошгоҳдан оққанда қайтиб келди. Автобусдан тушгандаги авзойини кўриб, боргани бекор кетмабди, деб ўйладим.

— Пиядасанинг ҳийла-найранги ўтмади. Ҳақиқатан ҳам бошлиқнинг хабари йўқ экан бу гапдан, эшитиб жаҳли чиқди,— деди отам кийимини алмаштиаркан. Кечадан бери отамнинг биринчи марта бардам гапириши эди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. Биздан мол харид қиласверинглар деб ишчиларга айтиб қўярканими энди?

— Шу бугуноқ иш бошқарувчини чақириб, додини бермоқчи бўлди. Мен унга, Пиядаса билан бригадирнинг автобус тўхтайдиган жойни зимдан ўзгартирганигини ҳам гапирдим. Бригадир ҳам жазодан қуруқ қолмаса керак.

Сома отамга чой олиб келди:

— Сома шу ерда экан, ёмонлик кўрмаймиз, шунақамасми, Сома?— дели отам бўш пиёлани унга узатаркан. Сўнг Сомани эркалаб елкасига қоқиб қўйди.

Эртасига бошлиқ ишчиларга хоҳлаган дўқонларидан мол харид қилишга рухсат берганлигини эшитдик. Яна дўқонимиз эрталаб ҳамда кечқурунлари гавжум бўлиб қолди. Аввалги мижозларимиздан фақат Найнов Отаргина келмади. У ҳам Сомапалага ўҳшаб биздан анчагина қарздор эди.

Аммо отам бу ёқдаги ишлари силлиққина битганидан, Найнов Отарнинг дўқонимизга кирмаганигидан хафа бўлмади. Бир куни кечқурун Балапитийэ Айя билан гаплашиб ўтириб, гап орасида:

— Падарига минг лаънат ўша Найнов Отарнинг. Дўконга кирмаяпгани яхши бўлди. Бўлмаса яна насияга мол бер деб жонимизга тегарди. Энди у Пиядасадан қарзга мол олаверсин. У найнов Ихалакандэдаги дўкондордан қарзга ботиб қолганидан кейин бизнинг дўконга кира бошлаганди. Агар яна шунақа биздан мол олишин таъ-

қиқлаб қўйишса, унда нима қиласан Ҷалапитий Эйя?— деди отам унга, бир оз сукутдан сўнг.

— Фам ема, ишларинг жойида ҳозир. Мен тегишли одамлар билан гапни пишишиб қўйдим.

— Ишқилиб, иш ташламоқчимасмисизлар?— деди отам кулимсираб.

— Ташвиш тортма энди, деяпман-ку сенга. Бекорга гапиравмидим.

Пиядасанинг ҳийла-найранги ўтмади. Ишчилар атиги бир кунгина дўконимизга киришмади. Эртасидан савдомиз яна қизиб кетди.

Дала ишлари тугаб, кўпчилик турли қадамжоларни зиёрат қилгани кета бошлади. Ратнапурга бориладиган Лэлвала йўлидан Сирападая зиёратгоҳига қараб бир талай зиёратчилар йўлга тушди. Уларнинг кўпчилиги дўконимизда чой ичиб, дам оладиган одамлар эди. Сирападаяга боролмаганлар Қалгала ёки шунга ўхшаш жойларга кетишиди. Бунинг устига Баддэгамада фильм қўйила бошлади. Ҳар куни кечқурун чанги осмонга ўрлаган юк машиналарида одамлар кинога боришарди. Отамнинг ҳам саёҳатга чиққиси келиб қолди. Бир куни у икки-уч кунга Дэвундарага бориб келаман, деб қолди. Дўконда мени қолдириб, Гунапала билан Сомани бирга олиб кетмоқчи бўлди. Сўнгги вақтларда Гунапала аввалгидан ҳам бешбаттар аҳволга тушиб қолганди. У ҳар бир нарсага, ҳатто бизларга ҳам бепарво қарайдиган бўлиб қолганди. Дўконимиз, савдомизни ўйлаб отам икковимиз роса қайғурдик, унинг эса парвойига ҳам келмади. Унинг отам билан Дэвундарага бормаслигига ишонардим. Хуллас, айтганим бўлди.

— Отам мени бирга олиб кетмоқчи, лекин мен ҳеч қаёққа бормайман,— деди Гунапала менга.

— Отам ҳам бормаслигингни сезганми дейман, Сиядорис Айяни бирга олиб кетмоқчи бўлибди,— дедим.

— Агар Сиядорис ҳам бормаса, унда сен бор, дўконга ўзим қараб тўраман,— деди акам.

Бу гапни отамга айтган эдим, у кўнмади:

— Сен қанақа қилиб бу ердан жиласан, акангнинг ёлғиз ўзи дўконни уddyалай олмайди-ку,— деди.

Отамга ҳам Дэвундарага бориш насиб қилмади. Йўл тараффудини кўриб юрган кунларнинг бирида ишчилар яна дўконимизга кирмай қўйишиди.

Маълум бўлишича, Пиядаса яна бригадир ва иш бош-

қарувчи билан тил бириктириб, аввалгидақа иш қилишибди. Ҳар бир ишчига бизнинг дўкондан мол харид қилмасликни қаттиқ тайинлашипти. Ҳатто, кимки буйруққа бўйсунмаса, ишдан ҳайдалади, деб пўписа қилишипти. Бошим қотиб қолди. Ахир бошлиқ отамга, ишчиларни ўз ихтиёрларига қўйиб берамиз, хоҳлаган дўконларидан мол харид қилишаверади, деб ваъда берганди-ку! Нега баъдасида турмади. Бу бизни яна ташвишга солиб қўйди.

— Нима қилишга ақлим етмай қолди. Ишимиз энди чаппасига кетадиганга ўхшайди,— деди отам шу хабарни эшигтан кунимиз кечқурун.

У жуда хафа эди.

— Мен ҳам бирон нима дейишга ҳайрон бўлиб қолдим. Нима сабабдан яна бизга бошқача қараб қолишдий-кин-а?

— Бошлиқ мени лақиллатди,— деди отам фифони чиқиб.— Балки Пиядаса билан бригадир устимииздан ифво тарқатгандир?

— Балапитийэ Аййанинг гапига қараганда, Пиядаса бу сафар автобус компанияси директорини ўртага қўйиб, яна ғаламислик қилибди. Бошлиқнинг эски гинаси эсига тушиб, унинг гапига кўна қолган-да! Нима бўлгандаям шунча харидордан ажрасак ҳолимиз вой деявер. Ўтган ойда ишчиларга раҳм қилиб насияга анчагина мол бергандим. Энди буни қандай қилиб ундириб бўлади?

Отам икковимиз ярим кечагача роса ўйлаб, ўйимизнинг тагига етолмадик. Қўлимиздан нима келарди? Яна плантация бошлиғига йўлиқишдан бошқа илож йўқ.

Эртасига эрталаб, ҳеч кимга билдирамай, отам икковимиз Вандурамбага жўнадик. Бошлиқ уйида йўқ экан.

Бу ишимизнинг ўнгидан келмаслигининг аломати дедим ўзимча. У пешинга яқин келди. Бизни кўриб унинг афт-ангори ўзгарди, биздан совуқ тер чиқиб кетди. Келганигимизнинг сабабини айтган эдик, унинг жон-пони чиқиб:

— Бунақа нарсаларга мен аралашмайман. Ишчиларнинг ўз ихтиёри ўзида. Қаердан мол харид қилишса, қилишаверади,— деди. Бу гапни эшитиб қотиб қолдик. Сўнг таъзим қилдик-да, кетмоқчи бўлдик.

— Йўл учун бир парча ер сўраганимда бермовдиларинг. Сенларга энди керак бўлиб қолдимми?— деди у жаҳл билан орқамииздан. Анча жойгача чурқ этмай бордик. Бошлиқнинг ҳозирги гапи у ёқ-бу ёғимдан ўтиб кетди.

Энди бирон чора топиш қийин эди. Отамга қарадим, назаримда у анча чўккан, ҳатто қариб қолгандек кўринди.

— Бу албатта бригадирнинг иши, у бошлиққа эски гапни эслатиб, йўқ срдаги нарсаларни бичиб-тўқиган,— деди отам жимликни бузиб.

— Бошлиқнинг гапига қараганда, шунақага ўхшайди. Сўраган ерини бериб қўя қолмаймизми?— дедим мен.

— Бошқа чора йўқ, бўлмаса, Пиядаса бошимизга етади.— Отам хўрсенинб қўйди.

— Яхшиси ўзини гумдан қилиб қўя қолсак-чи,— дедим жон-поним чиқиб.

Уйга етгунча чурқ этмадик.

Отам уйда кечгача йиғма каравотда хаёл суринг ўтириди. Мен қош қорайгунча ухладим. Сўнг, зора бирор янгиликнинг учи чиқиб қолса деб, Балапитийэ Айданцкига чиқдим. У ҳам бизнинг фикримизга қўшилиб, ерни бермаса бўлмайди, деди. Уйга киришим билан, отам:

— Менга қара, Вильсон, барибир ерни бермасак бўлмайди. Қандай қилиб бўлса-да, ишчиларни дўконимиздан мол оладиган қилиш керак. Насияга анча мол сотганман,— деди.

— Қанча насия қилгансан?

— Ҳозиргина насия дафтарини кўриб чиқдим. Сал кам уч юз рупияга бориб қопти. Шу боисдан ерни берамизу, яна унга бош эгамиз.

— Шундай қилишга тўғри келади.

— Ана шундагина бошлиқнинг қаҳри меҳрга айланаб, бизга ёрдам бериши мумкин.

— Чўэйиб ўтирмаёт, эртагаёқ бориб розилигимиизни билдири. Ишчилар Пиядасанинг дўконига ўрганиб қолишгандан кейин, уларни қайтариш қийин бўлади. Дўкондан ажралгандан кўра, ерни берган маъқул.

— Менинг бошлиқ олдига боришим ноқулайроқ бўлляпти. Кел, яхшиси розилигимиизни плантациянинг биронта одамидан айтиб юбора қолайлик.

— Ҳозир у ердан ҳеч кимни тополмайсан. Бригадирдан илтимос қилса бўлади-ю, аммо ушинг бизларни кўрарга кўзи йўқ-да!

— Бу гапинг тўғри эмас, Вильсон,— эътиroz билдири отам.— Ерини сотишга кўндири деб ўшанда бошлиқ уни олдимизга юборган эди-ку. Ундан розилигимиизни бошлиққа бориб айт, деб илтимос қилсак. Бунинг унга ҳам

фойдаси тегади. Гапимизга кўнса, ишни худди ўзи дўн-
диргандек бўлиб чиқади.

— Бу ҳам тўғри. Лекин ерни сотган кунимизоқ, бош-
лиқ ишчиларга биздан мол харид қилишга рухсат бер-
син.

— Ҳозироқ бригадирникига бораман. Лекин у қэвоқ-
хонадан қайтганмикин?

— Қайтгандир-э.

Отам кетди, тахминан бир соатлардап кейин брига-
дирни бошлаб келди.

— Агар бошда гапимга кирганингда, ҳамма иш ха-
мирдан қил сугургандек битарди-кетарди. Пиядасанинг
дўконидан ном-нишон ҳам қолмасди,— дея ялтоқланниб
айвонга чиқди бригадир. У кириб келиши билан ҳамма
ёқни ароқ ҳиди тутиб кетди. Худди ўз уйидагидек тортин-
май-нетмай, стулни столга яқинроқ сурди-да, бетель со-
линган тарелкани олдига тортди, тузукроғини ташлаб
оғзига солди. У ўзини раҳмдил қилиб кўрсатишга ҳаф
қанча уринмасин, унинг турқи тароватидан муноғиқ
одам эканлиги сезилиб туради.

— Ушанда Вильсонга,— у мен томонга ўгирилди.—
Эртами, кечми, барибир ерни сотасизлар, дегандим. Энди
ҳеч нарсадан қўрқманглар. Эртага эрталаб бирга бош-
лиқнинг олдига борамиз. У ёгини ўзимга қўйиб беравера-
сизлар,— деб қўшиб қўйди у мақтанчоқлик билан. Роса
ичганидан башараси қип-қизил, кўзларига қон тўлганди,
у эшик кесакисига суюниб, дам-бадам Сомага қараб
қўярди. Бунга чидолмай шартта ўрнимдан туриб, баша-
расига шапалоқ тортиб юборгим келди, ўзимни босдим.
Бригадир икки соатча тинмай вайсади.

Эртасига эрталаб отам бир неча апельсин олиб, брига-
дир билан плантация бошлиғи олдига кетишиди.

Ҳали соат ўн бўлмасдан у жилмайиб кириб келди.

— Бошлиқ шу бугуноқ ишчиларга тайинлаб қўймоқчи
бўлди,— деди у оstonадан ҳатлаб.— Ефни сотишимизни
эшитдию оғзининг таноби қочиб, яйраб кетди. Майли-
ку-я, юрагим жуда ачияпти-да.

— Ҳафа бўлма, ота,— тасалли бердим унга,— бу
ёғимиз танг келмаганда ер сотармидик. Шу уч кун ичida
Пиядасанинг дўконига одам сифмаяпти. Бу одамларни
дўконимиздан мол оладиган қисқа қанийди-я. Майли,
омонлик бўлаверсин. Йўл қуришни қачон бошлашар-
миш?

— Менимча, бугун кечқуруүи бошдашса керак.

Еримизнинг бир қисмидан ажралганимиздан хафа бўлдим, аммад дўконимизнинг омон қолганидан хурсанд бўлдим. Дарёга бориб чўмилдим, овқатландим-да, ухлагани ётдим. Урнидан тиниқиб турдим. Сўнгги икки-уч кун пчидаги тортган ғам-ташвишларим унутилгандек бўлди.

— Ҳой, Вильсон, бу ёққа қара, ишчилар йўл қургани келишди,— деди эшик олдида турган отам бақириб кўзимни очар-очмасимдаш. Сакраб ўрнидан турдим. Отамнинг юз-кўзидан ҳайрат, қўрқув аломати сезилиб туради. У ҳозиргина айтган гапларининг чин ёки ёлгоилигига үшонинқирамас, ташқарида бўлаётган воқеаларга, зора бу ишлар ёлғон бўлса деб ёш болалардек умид қиласарди.

— Эшитяпман, эшитяпман,— дедим эшикни оча туриб.

Тўртта ишчи ўз асбоб-ускуналарини ажратиб олишарди.

— Манави банани ҳам ковлаб ташлаш керак,— деди менга ишчилардан бири.— Бўлмаса юқ машинаси қайрилолмайди.

— Илож қанча, ковлаш керак бўлса, ковлайверасизда,— дедим мен.

Ишчилар банани ковлаб, ён-веридаги бататларни ҳам илдиз-пилдизи билан суфуриб, ерни текислай бошладилар. Энди бу ер, плантацияга қарашли бўлиб қолди. Орадан бир соатча вақт ўтгандан кейин йўл тайёр бўлди. Ишчилар ҳам асблоларини йиғишириб, кетишди. Мен шу куни харидорларимиз қайтиб келар, деган умидда кўпроқ печенъе пиширдим. Ишчилар ишдан чиқишига ярим соат қолганда, яъни соат тўрт яримларда чой қайнатиб қўйдим. Кўп ўтмай бекорга шунчалик уринган эканман деб ачиндим. Чунки ишдан қайтаётган ишчилар олдинги кунлардагидек тўда-тўда бўлиб дўконимиз олдиндан ўтиб кета бошлашию Пиядасанинг дўконига ҳам киришмади. «Уларга ҳеч нарса дейишмаганга ўхшайди»,— дедим ўзимча, отам йўқлигига хафа бўлиб. У банаңта кетгай эди.

— Сома, менга қара,— дедим уйига кириб,— яна ҳеч ким дўконимизга кирмади.

— Биламан, ойнадан кўриб турибман.

— Пиядасанинг дўконига ҳам киришмаяпти. Ме-

нимча, уларга ҳеч нима дейишмаганга ўхшашади,— дедим айвонга бора туриб.

Пештахтага суюниб олиб, бир оз бўлса-да ташвишларни миямдан қувмоқчи бўлдим. Шунда нега ишчилар аввалгидек дўконимидан юз ўгиришяпти, деган фикр хаёлимдан ўтди. Машинанинг қаттиқ овози хаёлимни бўлиб юборди, катта бир юк машинаси уйимиз олдида бурилди-да, янги йўлдан плаитация томон ғизиллаб кетди. Машина фараларининг ўткир нури кўзимга шайтоннинг кўзицек туюлди. Назаримда у ҳозир уйимизу дўконимиизни яничиб кетадигандек бўлди. Ташки ҳовлига чиқдим. Қарасам, юк машинаси аста уйимиз олдигача келди-да, атрофга лой сачратиб, плаитация томон кетди. Қош қорайди: Уйга кириб, лампани ёқдим.

Отам ҳам воқеадан воқиф бўлгач, ҳайратда қолди. Ахир эрталаб бошлиқ, ишчилар билан гаплашаман деб ваъда берганди-ку!

— Бошим қотиб қолди. Балапитийэ Айянинг олдига бориб кел-чи, балки у бирор нарса билар,— деди отам менга.

Балапитийэ Айя ҳам тайинли гап айтмади:

— Ишчиларни тўплаб, нима ҳақдадир гаплашишди, нималигини аниқ билолмадим. Эртага билиб келаман.

— Бугун Пиядасанинг дўконига ҳам ҳеч ким кирмади. Ишчилар билан-ку албатта гаплашишган. Нима дейишганини билмадим.— Мен елкамни қисдим, бирор нарса билолмай, изимга қайтдим.

Эртасига эрталаб ҳам дўконимизга ҳеч зоғ доримади. Ишчилар бу ерда дўкон йўқдек унга қарашмадиам, чақ-чақлашиб, ёнидан ўтиб кетишиди. Кун ёйилар-ёйилмас юк машинасининг гулдураган овози эшитилди. Шофер устустига сигнал бериб, машинасини бурди-да, ўтиб кетди. Наздимда мен турган ер титраб кетгандек бўлди.

Кечқурун ҳам дўконимиз бўш бўлди. Балапитийэ Айя зора бирор яхши гап топиб келса деб қутавериб кўзларим тўрт бўлди. Лекин бу сафар ҳам тасалли берадиган гап олиб келмади.

— Ҳеч нарсага ақлим етмай қолди,— деб гап бошлади у.— Кеча бошлиқ сизга берган ваъдасига биноан, ишчиларга, хоҳлаган дўконларингиздан мол олаверинглар деганмиш. Нега сизларининг дўконларингизга кирмаяпганларининг сабабини бир-иккита ишчидан сўрадим.

— Нима дейишди?— дедим сабрим чидамай.

— Тайнинли гап айтнишмади. Баъзилари оғзи ботирлик қилиб: «Бугун бу дўкондан мол ол дейишса, эртасига бошқасидан мол ол дейишади. Жонга тегиб кетди бу машмашалар. Энди таъбимизга ёқсан дўконга бораверамиз» дейди.

— Менимча, бу гапни Найнов Отар айтган!

— Худдн ўша айтди. Отанг олдинги ойда насияга кўп мол берганими?

— Ҳа, насияга анчагина мол берганди.

— Унақа бўлса гап тамом,— деди бош чайқаб Балапитийэ Айя.— Энди сизнинг дўконингизга қарзини тўлагани ҳеч ким келмайди.

Бундай қараганда, унинг гапида жон борга ўхшарди. Буни отамга айтган эдим, у бўшашиб скамейкага чўкди, шу қўйи анчагача чурқ этмади. Гап бошлиған эди, гапидан ҳайрон қолдим. Унинг гапидан афсус-надомат чекяп-ганлиги сезилиб туарди:

— Дўконимиз синди, пулимиз соврилди, еримииздан ажралдик. Хуллас, бахт биздан юз ўгирди.

Шу пайт, худди атайлаб қилгандек, юк машинасининг овози жимликни бузди. Машина уйимиз олдидан ўтиб, кўприк томон елиб кетди. Буни қўриб ғазабим қайнади. Қани энди ихтиёр ўзимда бўлганда, шу юк машинасию, қўлимга тушган ҳамма нарсани пачақлаб ташлардим.

— Бундан ҳам баттари бўлмаса керак. Савдони ҳам қотирдик,— деди отам жойидан туаркан. У уйга кириб, ўрнига чўзилди. Гунапала чўмилиб келди. Худди ҳеч нарса бўлмагандек, лампага яқинроқ ўтирида, газёта ўқий бошлиди. Энди шу ўтиришда у кечки овқатгача қимир этмайди. Мен ҳам уйга кирдим-да, жойимга чўзилдим. Худди кун бўйи тош ташиган одамдек, аъзойи баданим зирқиради.

Сома ошхонадан чиқди-да, келиб мен ётган йиғма каравот четига ўтириди.

— Хафа бўлма, укажон! Плантацияга ёлланиб, бир кунимизни кўрамиз,— деди у ёстиққа ёйилиб ётган сочларимни силаб.— Тура қол, қайноққина чой дамладим.

Юрагим ўйнаб кетди. Соманинг юзини аста силадим, у энгашиб юзини юзимга босди. Бир неча дақиқа бурун бўғзимга тиқилиб, юрагимни эзаётган ғам-андуҳ йўқолгандек бўлди. «Севги шундай нарсаки, у бор жойда ҳар қандай кўнгилсизлик унутилади»,— деб ўйлардим мен

қимирлашга ботинолмай. Лиммо-лим тўлган баҳт косасини чайқатиб юборгим келмасди.

Харидор йўқ. Онда-сонда ўткинчи йўловчилар дўконимизга кириб ўтишарди. Уни ёпса ҳам бўладиган дараҷага келиб қолди. Ой охирида сарҳисоб қилган эдик, даромадимиз аввалги ойларга қараганда беш баравар камайиб кетганлиги маълум бўлди. Бунақада дўконни ёпишдан бошқа чорамиз қолмайди. Мэлэгода Пиядасанинг ишлари гуриллаб кетди. Одамлар уни ҳурматлаб «хўжайнинг» дейдиган бўлишди. Пиядасанинг савдодаги муваффақияти, бизнинг мағлубиятимиз ва мардумнинг ҳар хил гап-сўзлари мени адойи тамом қилди. Бу кўргиликларнинг сабабчиси Пиядасадан ўч олмоқчи бўлдим. Балапитийэ Айя, Гинтотадан домла айтиб келиб, Пиядасанинг дўконини иссиқ-совуқ қилдир деди. Отам бу гапни эшитиб тувақиб кетди:

— Нима бало, эсингни едингми? Унинг етти пуштини азобда ўтказмоқчимисан?

— У бошимизга не кунларни солди, эл-юрт орасида шарманда бўлдик.

— Бўлмаган гапларни қўй, Вильсон. Тақдирда боридан қочиб қутулиб бўлмайди. Пешанадагини кўрамиз. Бу гапларни қўйиб, яхиси ишимизнинг юришиб кетишини ўйлашимиз керак.

— Энди ишимиз юришиб бўпти,— дедим энсам қотиб.— Аввалинг Пиядасанинг дўкони ишлаб тураркан, бизга кун йўқ.

Тўсатдан зардам қайнаб:

— Ишимизга ғов бўляпган Пиядасанинг ёстуғини қуритиш керак,— деб юбордим.

— Аҳмоқ бўлма, Вильсон. Мен нонни ҳозиргига қарада, икки марта ортиқ сотсак ишимиз юришиб кетармикин деган фикрдаман. Шундай қилсак, дўконнинг кераги бўлмайди.

— Бу айтишга осон,— дедим киноя билан.

— Ҳовлиқмай, гапни охиригача эшиш,— деди отам.— Кеча Нагодага бориб, талай гап топиб келдим. Кўп дўконлар биздан нон олишмоқчи. Лекин энг муҳими шуки, Этумала ёнидаги Хиккадуве новвойхонаси яқинда ёпилармиш. Бу нима деган гаплигини биласанми?

— Кимдан эшиздинг?— дедим қизиқсиниб. Ўйлаб қарасам, отамнинг гапида жон борга ўхшарди.

— Нагодадаги бир дўкондор айтди. Ў новвойхона бошлиғи атроф дўконлардан қарзини йигадётганини аниқ билармиш. Шундан унинг новвойхонаси ёнишини аниқлиги сезилиб турибди. Бу омадимизнинг келганини эмасми? Эртага Этумалага бориб, бор ганин билан кемамиз,— деди отам бир оз жонланиб.

Харидорлар биздан безилди, агар аҳвол шунақа давом этаверса, дўконимизнинг ёнишини аниқ деб эртаю кеч куйиб-пишдим. Пиядасани эса кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ эди. Отам билан орамизда бўлиб ўтган гандан кейин кўнглим бир оз ёришгандек бўтди. Дилемда, энди ишларимиз юришиб кетади деган умид пайдо бўлди. Агар кўпроқ нон сотсак, пул йиғиб, яна дўкон очамиз. «Албатта отам билан Этумалага бораман»,— деган фикрга келдим, уйда ўтира олмаслигимга ақдим етиб. Жинадаса деган узоқ қарнидошкундан Этумалада дўкон очганди. Унинг дўкони новвойхонадан ярим миль каридағи кемалар тўхтайдиган жойда эди. Шунинг учун ҳам Жинадасаникига бормоқчи бўлдик.

Эртасига эрталаб, соат еттидаги автобуседа йўлга тушдик.

— Келиб яхши қилибсизлар!— дея қувониб бизни кутиб олди Жинадаса дўкони остонасайди.— Эртага ё инданга ўзим сизларникига бормоқчи бўлиб турувдим.

— Ишларимиз чатоқ,— дедим мен.

— Эшидим ҳамма гапни. Шунинг учун ҳам яхши хабар олиб бориб сизларни хурсанд қилмоқчи эдим.

— Ўзимиз кела қолдик. Қани, айт-чи, қандай хушхабар бор?— деди кулиб отам.

Жинадаса дўконига бир болани кўйди-да, ўзи бизни уйига олиб борди. Олдимишга гуруч қўйди. Овқатланиб бўлгач, отам ўз ишидан гап очди.

— Менга қара, Этумаладаги дўконнинг ёпилаётгани аниқми?

— Ҳа, аниқ. Ана шу хабарни сизларга айтай девдим. Ҳозир нон сотишнинг айни қулай пайти. Ахир Талгасвалигача битта ҳам новвойхона йўқ-да!

— Унда, бу ердаги дўконлар ўша новвойхонадан нон олариди?

— Ҳа! Новвойхонанинг бекилиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Бир томондан бекилгани ҳам яхши бўлади. Ўзиям бир кунда уч мартадан нон тарқатарди-да.

Бардида дигарини қамтилиб қолниглир. Акс ҳолда ғуллашып шайхонхи очиб қолади.

— Биз берданинг анигини билгни келдик-да,— деди он. — Зад Ҳақида да бу оғри көнгүчча исчта дўкон очиб.

— Сенда ўйра қед. Шамилларидаги бир, Тумулледа-ти яхши. Амасака Үзбеклардаги уч... Менимча, дўконларни сенни хама очиб қочар.

— Анигни ўйконастар оидан иш олса, ошиғимиз олчи очиб да. Ҳараха екинди қозини керак.

— Анигни. Ҳақида ҳаракат қилиб қолсанг, марра суннат, дүккада, очиқидаги ошини оидириб қолаверасан. Ниче унда Пиядаса зақғдан фойдаланиб, новвойхона очади.— тези Ҳинадаса.

Унга сенг иккадаги автобусда хурсанд бўлиб қайтдик. Куюн кетсан шу дўкони. Энди кўнглаб иш сотиб, аҳволидан ишлабтадимиз деб ўйладик. Отам ўйлдаёқ бундан очиб ишча қилишимиз кераклигини ўйлаб келди.

— Энди Пиядаса йўлимизга тўғаноқ бўлолмайди,— деди отим керилди.— кейинги ҳафтадан бошлаб шу дўконларга ях тарқата бошлаймиз. Аммо сенга қийин бўладид-да. Балъсон. Ҳечқиси йўқ, битта-яримтага ёрдам бер деб дигемис қиласмиш.

— Ўйда ун тамом бўлди, олишга пул йўқ, бу ёғини биласизми, ота.

— Ҳа, тўғри... унда қарзларни ундириш керак.

— Қарзларни куйиб кетди, деявер. Аммо иккى қоп ун бир неча товасиз ишимиз битмайди.

Пул масаласи оғир бўлиб қолди. Бизга керакли пулни кашшисда фақат Дэниэ Махатадан топиш мумкин эга. Узанг Пиядаса дўкон очган вақтдаги қилғилигини ўйлаб салага боргимиз келмасди. Бирдан хаёлимга ушбу тақро халиб қолди:

— Ота, плантация бошлиғидан сотган еримизнинг тулини сўрасак бўлмасмикин? Балки у қуруқ қўймас, ўлганда юз рупия берар.

— Бу нарса эсила йўқ деяпсанми? Эсимда бор. Бирор ўнада пул хусусида гап бўлмаганди-да.

— Ехим қинти, еримизни унга текинга берганмидик? Сўрасак, ўз дақимишини сўраймиз.

— Тўрику-и, бироқ одамнинг юзи чидамайди-да. Бинада еримизни шундай берган бўлсағу энди пул бер деб тураск, қанлай бўйиркин.

— Кўриб турибсан-ку, ҳозир бизга пул сувдан ҳам зарур. Ўз ҳақимнэни сўрасак айб бўладими? Агар вақтида отимизни қамчиласак, хўп-хўп, бўлмаса, сариқ чақа ҳам ундиrolмаймиз.

Охири отам кўнди, у эртасига эрталаб плантация бошлиғининг олдига борди. Бошлиқ юз рупия бермоқчи бўлибди. Уша куниёқ отам икковимиз Галледаги нотариусда битим туздик. Ҳамма сарф-харажатни бошлиқ тўлади ва шу ернинг ўзида у отамга юз рупия берди. Биз уни ва това олдик-да, уйга қайтдик.

Велосипед олгунимча, Сиядорис Аййанинг велосипедини миниб турадиган бўлдим.

Мен Этумалага борадиган йўлдаги дўконларга ион тарқата бошладим. Сиядорис Аййанинг куёви эса Унанивтия йўлидаги эски мижозларимизга ион олиб боришга кўмаклашмоқчи бўлди. Этумалага боргунча ўн иккита дўкон бор эди. Шу сабабдан, бу дўконларга саксон бухангага яқин ион олиб бориш керак эди. Уйдан соат етидаги автобус ўтмасдан чиқиб, чошгоҳгача Этумалага зўрбазўр етиб борарадим. Дэниэ Махатанинг хўроzi қичқириши (у одатда уч-тўртларда қичқириарди) билан ўрнимдан турадим. Сома ҳам мен билан баравар туриб, чой дамларди. Чой ичиб бўлиб менга қарашарди. Отам соат бешларда туради. Шу икки соат ичиди Сома иккимиз ёлғиз қолардик. Бу икки соат биз учун энг ажойиб дақинка эди?! Шу қисқа онда, назаримда Сома менга хотинимдек туюларди. Сомага нисбатан мендаги эҳтиросли, чанқоқ ҳиссиётлар ўрнини анчадан бери осоиишта ва рисоладаги туйғулар эгаллаган эди. Сома эса ҳали-ҳали мени қаттиқ севарди. Назаримда гоҳо ақлдан озар дараражада эҳтиросга бериларади. Бир куни эрталаб печнинг қизишини кутиб ўтирадим. Уй ва хурмо дарахтлари печнинг алангасидан бамисоли яллиғланарди. Шу пайт Сома ўйдан чиқиб, скамейкага келиб ўтирди. Лекин бирдан ўрнидан туриб, қаршимга келиб тик қотди. Мен уни оғушимга тортдим. У бўлса титраб-қақшаб мени ўпа бошлади.

Мен чўчиб, уни ўзимдан нари итардим-да, ўрнимдан туриб кетдим. Печка ичиди эса шайтон қиёфасига кирган аланга менга қараб иржаярди. Орқамни ўгириб олсамда, аммо у даҳшатли иржайиш мени тарк этмасди. Печкадаги тўнкаларни тортиб олиб, итқитиб юборишимга оз қолди.

Энди Этумала йўлидаги барча дўйконлар биздаи нон оладиган бўлди. Ишимиз юришиб кетганидан курсанд бўлиб, нариги соҳилдаги яна саккиз-ўн дўйконни ҳам нон билан таъминлайдиган бўлдик. У ёқقا ўн цент тўлаб, паромда ўтиларди. Бахтимизга бу ерда биттаям нонвойхона йўқ эди. Нон савдосидан келётган даромадимиз дўйкондан тушадиган даромаддан кам эмасди. Шу туфайли яқинда бошимизга тушган кўргуликлар аста-секки эсимиздан чиқа бошлади.

— Нафси ламрини олганда, дўкон очишдан кўра, нон сотиш тинч бўларкан,— деди бир куни отам.— У пайтда ҳар бир қарздорнинг ортидан югуриб юрадик. Бунинг устига қарзини берадими, йўқми, деб юрагимиз пўкилларди. Ҳозир эса нонингни тарқат-да, оёғингни узатиб тинчгина ётавер.

Оёқ-қўлимни узатиб ўтириш менга камдан-кам насиб этарди. Ўзим нон пишириб, уни ўзим дўйконларга тарқатардим. Шунга қарамай унинг гапига қўшилдим.

Велосипедим бузилиб қолгани сабабли Сиядорис Айянинг велосипедини миняпганлигимни юқорида айтган эдим. Ишимиз бир оз юришгандан кейин янги велосипед олиш имконияти туғилди. Уйга соат учдан олдин қайтолмасдим. Ҳар куни уйга келсан овқат тайёр бўларди. Сома овқатга қўшиб ейишга пиёз тўғраб қўяр ёки кўнгил очадиган бирон нарса топиб қўярди. Тушки овқатни еб, намозшомгача ухлардим-да, ўрнимдан туриб ўтин ёриб, хамир қорардим. Соат ўн бирларда, ҳамма ётганда қўлим ишдан бўшарди. Баъзан шунаقا пайтда олдимга Сома келарди.

Бир куни ишдан энди қутулган эдим, Сома олдимга келди-да, деди:

— Менга қара, укажон, кел, давлатдан ижарага ер олайлик-да, уй қуриб, ўша ерда яшайлик.

— Нима, бу ер сенга ёқмаяптими?

— Гунапала Талгасваладан иш топибди. Шу ойда кўчиб кетмоқчи. Мен бир ўзим бу ерда қолишни истамайман.

Дўйонимиз ёпилганидан кейин, Гунапаланинг иш қидириб қолганидан хабарим бор эди-ю, аммо бошқа ёқقا кўчиб кетади, деб ўйламагандим.

— Хўп, Гунапала кетди дейлик. Биз ҳам ер олиб, уй қурдик. Унда бу ерда ким қолади?

— Ким қоларди? Отам-да!
— Унда бу уйдангина эмас, умуман бу қишлоқдан
күчib кетишимизга түғри келади.

Сома индамади.

— Нега Гунапала бу ерда тургиси келмаяпти?— де-
дим орадаги жимликни бузиб.

— Нега энди Гунапалага эрга тегдим,— деди бирдан
Сома, менинг саволимга жавоб бермай.— Гуноҳга бот-
дим! Эй худо, нақадар гуноҳкорман!

Унинг юз-кўзларидан ижтиороб чекаётгани кўриниб ту-
тарди.

— Аммо ўз ихтиёrim билан гуноҳга ботганим йўқ, ҳа,
сабаби...—

Гали оғзида қолиб, уйга кириб кетди.

Мен аллавақтгача ухломай, у ёнбошимдан бу ёнбо-
шимга ағдарилиб ётдим. Хурмо барглари орасидан баҳ-
мал осмонта ял-ял ёнаётган юлдузларга тикиларканим:
«Бошқа узоқ мамлакатларда ҳам балки инсонлар яшар.
Уларнинг ҳам ўзига яраша ғам-ташвиши бордир. Улар
ҳам бундан осонликча қутула олишимаса керак» деган
фигир хаёлнимдан ўтди.

Опамининг кетиб қолганига бир йил бўлди. Шу вақт-
гача бизга биттаям хат ёзмади. Унинг Дэниэ Махата-
нинг қариндошининида туришни билганиниздан ундан
хавотир олмасдик. Уз ғам-ташвишимиз билан бўлиб,
опам эсимиздан чиқиб кетди. Эми ишиларимиз юришиб
кетди, леб турганимизда бирдан опам дақида хунук газ
эшишиб қолдим.

Нариги қирғоқдаги чекка бир дўкондорни яхши би-
лардик. Унинг дўкони пародан бир милча народа эди.
Унинг кўшини қишлоқлик бир қизга уйланганидан ҳам
хабаримиз бор эди. Бир кунн унга ион олиб борган эдим,
мени кўрдио:

— Сени кутавериб, кўзларим тешйилди, Вильсон. Бир
сир бор. Кеча Жинадасадан Вильсон менга учрашсин деб
айтиб юборувдим,— деди.

— Қанақа сир экан?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Чой ич, кейин ташқарига чиқиб, бафуржа гапла-
шамиз.

— Қани, юр бўлмаса,— деди у чойни ичиб бўлишим
билан, шошганимдан чойнинг мазасини ҳам сезмадим.
Қирғоқдаги хурмо ёнига бордик.

— Бир гап эшишиб, ҳайрон қолдим. Уни ҳали ҳеч ким-

га айтмадим. Вильсон, опанг Ратнапурда оқсочлик қиласыди?

— Ҳа.

— Ҳафа бўлма, Вильсон, бунақа иш ҳар кимнинг ҳам бошига тушнishi мумкин,—дека гапида давом этди у. Менинг томофимга бир нима тиқилиб, юрагим ўйнаб кетди.— Опанг Ратнапурда анчадан бери турармиди?

— Саккиз-тўққиз ойча бўлди.

— Бир куни ратнапурлик бир танишимни кўриб қолган эдим, бу гапни ўша айтди. Шу танишим бефарзанд бўлгани учун опангнинг боласини боқиб олипти. Опанг Ратнапурга келганида қорнида икки ойлик ҳомиласи бор экан. У оқсочлик қилаётган уй эгалари буни сезиб қолиб, ҳайдаб юборишилти. Бир амаллаб тирикчилик қилиб юриб ой-куни яқинлашгандা, касалхонага ётибди. Кўзи ёригач, ўша танишим болани касалхонадан олиб чиқиб кетибди.

Бошим айланиб, кўзим тиниб кетди. Хурмо дараҳтига суюндиму, зўр-базўр сўрадим:

— Ҳозир опам қаерда, нима қиляпти?

— Тирикчилик ғамида юрипти. Қоломбо қанақа шаҳарлигини сен унчалик билмайсан! Ҳар қандай қилиб бўлса-да, опангни уйга олиб кетинглар. Сизлар билан аразлашиб, уйдан кетиб қолганмиди?

— Ҳа.

— Үндай бўлса, бир йўлини топиб, уни тезроқ уйга олиб кетинглар. Қерак бўлиб қолар деб адресини ёзиб олгандим.

Дўкондор уйга кириб, камзулининг чўнтағидан ён дафтарчасини олиб чиқди, унинг орасида бир варақ қоғоз бор эди. Ӯшани менга берди. Қоғозга опамнинг адреси ёзилган эди.

A. Сондерс хонимга (Ж. Лилаватига) Нугэгода.

Кэсбэва Пара, 48

— Опангга осон тутманглар. Ҳаётда шунақаси ҳам бўлади. Имкони борича уни тезроқ қишлоққа олиб кетиш керак. Бу гапни иккимиздан бўлак ҳеч ким, ҳатто хотиним ҳам билмайди,— деди-да, елкамга қоқиб қўйди.— Агар иложини топсанг шу бугун, бўлмаса эртага опангга хат юбор.

Мен велосипед миниб кетдим. Бир оз юриб тўхтадимда, ўйга толдим. Энди нима қилиш керак. Қаерга борай?

Бу гапни отамга айтганим! Отам биджинҳад оғамига ўхшаб кўринса-да, аслида меҳрибон ва оққүнгил эди. Кенинга вақтларда озмунча кўргулуклар бошига тушдими? Азоб-уқубатларга дучор бўлаверганиндан унинг қанли чўчиб, қариб қолди. Савдомиәнинг йўлга тушганидан орқамизга эндигина шамол теккан эди. Шундай пайтда бу гапни отам эшитса, у қандай аҳволга тушаркин. Йўқ! Ҳозирча айтмаганим маъқул. Аммо нима қиласай? Ким билан маслаҳатлашай? Худо кўрсатмасин, буни қишлоқдагилар билиб қолишса-я?! Унда узоқроқ жойга кўчиб кетишни тўғри келади. Ниҳоят Талгасвалага, Гунапаланинг олдига бориб, унга маслаҳат солмоқчи бўлдим. Этумала билан Талгасваланинг ораси саккиз милдан ортиқ эмасди.

Гунапаладан тайинли гап чиқмади.

— Тўғри, хат ёзиш керак,— деди холос.
— Хат ёзиш қочмайди. Аммо у уйга қайтишга кўнармикин. Шу масала бошимни қотиряпти.

— Аввал хат ёз, жавоби келгач, олдимга кел.

Шунга келишиб хайрлашдик. Йўлда опамни ўйладим. Дўкондор нега унинг аҳволи қанақалигини гапирмади. Бу гаплардан опамнинг аҳволи ёмонлигини билдим. Бойлар эшигига юрган оқсочларнинг кўрган кунлари қурсин! Бунга Дэниэ Махата айбдор. Орамизга совуқчилик тушганлигини у сезган. Меникида яшай қол, деъ опамни йўлдан оздирган, сўнг номусига теккан. Бунга чидаб бўладими? У оқсоқ қизини ҳам шунаقا қилган эди. Унга нисбатан қаҳр-ғазабим ортиб, бўғзимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Бу иблислиги етмагандек, Пиядасага пул бериб, унинг дўкон очишига ёрдамлашди-я.

Уйга алламаҳалда қайтдим. Дарёга бориб чўмилиб келишга ҳам эриниб, ўринга чўзилдим. Аммо уйқу қаёқда дейсиз? Туни билан опам хаёлимдан кетмай, ажриққа ағанаб чиқдим. Ётган еримдан Дэниэ Махата уйининг бурчаги билан унга чиқиладиган зина кўринниб турарди. Шу пайт, худди дардимга дард қўшгандек, зинада қаришаҳватпарамст кўриниб қолди. У сорисининг этагини кўтариб, аста ҳовлига туша бошлади. Чаккаларим лўқиллаб, титраб кетдим. Бирдан кеча ўтин ёрган болта эсимга тушди. Қаддимни ростлаб, атрофга ўғринча қарадим, оёқларимни йифма каравотдан пастга туширдим.

«Ё олло! Ақлдан озяпманми?» дея бақириб юборишинга оз қолди. Мажолдан кетиб, ўрнимга ётдим. «Нима

қилиш керак?»— деб ўз-ўзимга яна савол бердим.— Энди қайси юз билан кўчага чиқамиз! Отам эшитиб қолса нима бўлади?»

Кун бўйи ҳаво ёришмади. Осмонни қоп-қора булат қоплаб, ёмғир ёғай-ёғай дерди.

— Укажон, нега безовтасан?— ёнгинамдан Соманинг овози эшитилди.— Қарашларинг ҳам бошқача. Бирор нима бўлдими?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, жуда чарчадим.

— Бўлмаган гап. Чарчамаган кунинг борми, ҳар доим чарчайсан. Бугун уйга қовоқ-тумшуфинг тушиб кириб келдинг.

— Талғасвалага борувдим, тинка-мадорим қуриди.

— Гунапалани кўрдингми?

— Кўрдим.

Сома титраб кетгандек бўлди.

— У сенга маънилироқ бирон нима дедими?— сўради Сома бир оз жимликдан сўнг.

— Йўқ, шунчаки у ёқ-бу ёқдан гаплашдик.

— Мени яна алдаяпсан,— деб ўзиникини маъқуллади Сома, ўришининг бир чеккасига ўтириб. У бир оз индамай турди-да, сўнг:

— Уйга кир, ука!— деди.

— Шу ерда ўтиргим келяпти. Қоронғилик тушди, яхшиси сен бориб чироқни ёқ.

— Шошмай тур. Мен Гунапала билан нима ҳақда гаплашганларингни билмоқчиман.

— Айтдим-ку, сенга, шунчаки гаплар, деб,— баландроқ келдим ҳадеб ижкилайверганидан жаҳлим чиқиб.

— Ёлғон гапираётганингни сезиб турибман,— деди Сома, овози титраб.— Одамлар нима деса деяверсин, фат сенга ишонаман, деб сўз бер.

Сўнгги вақтларда эл орасида миш-миш гаплар тарқалиб қолган эди. У арзимаган нарсага йиғлайдиган бўлиб қолди. Унинг йиғлаганини кўрсам, юрак-бағрим эзилиб кетади. Бутун фикри зикрим опамда бўлгани учун, бугунги йиғиси менга ёқмади.

Опам кўз олдидан нари кетмай, тун бўйи мижжа қосқмадим. У жуда қийналётган бўлса керак. Бундан чиқди, қилмишидан уялиб, бизга хат ёзмас экан-да! Унга қандай ёрдам берсак бўларкин? Қишлоққа қайтиб келса, қаерда туради? Майли, нима бўлгандаям қишлоққа қай-

тиб кел, деб хат ёзиш керак. Аввал келсин, қаерда туриши бир гап бўлар.

Эрталаб Нагодага келиб, бир дўкондордан қоғоз-қалам олдим-да, хат ёздим. Хатимда бўлиб ўтган сирсиноатни кимдан эшиганинги айтиб, қишлоққа қайтиб кел, дедим.

Хатни почтага ташлаб, ўйлаб қолдим. Шу ишим яхши бўлдими? Агар опам қайтиб келса, албатта биз билан яшайди. Унда Сома билан иккимизнинг аҳволимиз нима кечади. Шуларни ўйларканман, шошиб хат ёзганлигимга ачиндим. Бошда Сома билан маслаҳатлашиш керак эди. Унинг юрагидагини билмоқчи бўлиб, ўша куни кечқурун опам қайтиб келмоқчи бўлиб хат ёзинти, дедим.

— Ҳали шунаقا де...—деди Сома лоқайдлик билан.— Қачон келармиш?

— Вақтини айтмабди. Қишлоққа қайтиб бормоқчиман, депти холос.

— Сен нима деб жавоб қилдинг?

— Ҳозирча ҳеч нарса деганим йўқ. Нима дейишга ҳайронман. Унга қишлоққа қайтиб кел деб хат ёзайми, ёки индамай қўя қолайми?

— Биз нима қиласиз унда? Агар опанг қайтиб келса, аҳволимиз нима кечади?

— Опам шу ерда яшайверади. Мен эса ижарага ер олиб, кўчиб кетаман.

Сома жим. Мен унинг қўлларини олиб, юзимга босдим.

— Менсиз-а?— деди Сома йигламоқдан бери бўлиб.— Демак яна бир ўзим азобда қолар эканман-да.

Унинг овозидан қаттиқ қайғуряпганлигини сезиб, ўзимни тутиб тура олмадим:

— Худо хайрингни бергур, ўзингни бос. Ҳазиллашдим. Опам келмайди. Мабодо келган чогда ҳам, иккимиз ажралмаймиз.

— Ўтакамни ёриб юбординг-ку.— Сома енгил тип олди, эркалаб юзимни силади.— Вильсон, яхшиси узоқ ерларга кетиб, биронта плантацияга ёлланайлик. Кўрасан, бинойинде кун кўриб кетамиз...

Мен индамадим. Сома энгашди-да, куйиб-пишиб ёлвора бошлади:

— Қетайлик. Шу ойнинг ўзидаёқ, истаган томонингга!

— Иложим йўқ, Сома, бу ердан кетолмайман.

«Опамга шошиб хат ёздим. Тақдирда боридан қочиб

қутулиб бўладими?— деб ўйладим.— Опам ҳеч ким билан маслаҳатлашмай иш тутди. Айб ўзида».

Бир ҳафтадан кейин жавоб келди. Очигини айтганда, бунақа жавобни кутмагандим. Хат кичкина, лекин аччиқ тил билан ёзилган эди. Опам гапимга кўнманти. «У ерни елкамнинг чуқури кўрсинг. Умрбод шу ерда қолсам, қоламанки, қишлоққа қайтиб бормайман. Одамлар гап-сўз қилишяпти, дебсан. Хотиринг жам бўлсин, улар мендан эмас, отамдан кулишяпти. Ҳалигача ўша уйда турганлигингта ачинаман. Уйдан отамнинг жатига кетиб қолганлигимни-ку яхши биласан. Агар вақти келиб ўша томонга йўлим тушиб қолса, бир кириб ўтаман. Менинг ташвишими қилмай, ўзингни ўйла. Аҳволим чакки эмас». Хатни ўқиб анча ҳовурдан тушдим. Ҳаммадан ҳам унинг отам ҳақидаги гаплари мени ҳайратга солди. Зўр ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ одамни шунақа деса-я? Тўғри, отамнинг айтишича, онам уни феъли ёмон одам деркан. Отам йўқчилликнинг аламини онамдан олиб унга рўшнолик бермаган. Эманиснинг гапига қараганда, отам зўр-базўр оила тебратган экан. Онам ўлиб кетди. Отам учта етим билан қолди. Шунда озмунча азоб чекдими! У ҳаммамизни бағрига босиб пешанамизни силади, оғзидагини бизга тутди. Юқорида айтганимдек, мен энг кенжা фарзанд эдим. Отам мени ўзи юваб-тарар, ўзи овқатланти-рар, ухлагунимча олдимдан жилмасди. Қечалари хархаша қилганларимда юз-кўзимни силаб, овутганлари ҳалиҳали эсимда. Ўз падарини шунақа деган опамда имон қолдими. Эртасига хатни акамга кўрсатгани Талгасвалига бордим. У олдимизга ҳафтада бир марта, яъни шанба куни кечқурун келиб, ётарди. Эртасига дарёга бориб, чўмиларди-да, шу куни кечқурун кетарди.

— Ўндан бўлса, Сома шу ерда тураверсин,— деди акам хатни ўқиб.— Агар синглим келадиган бўлса, Сомани олиб кетмоқчи эдим. Аммо, сен унга яна битта хат ёзиб юбор, хўпми.

— Хўп бўлади,— дедим Соманинг олдимда қолишидан севиниб.

— Хўш, қишлоқ комитетига сайлов масаласи нима бўляпти?— деди акам бир оз жимликтан кейин.

— Зимдан тайёргарлик кетяпти. Миш-мишларга қараганда, бу сафар Пиядаса ўз номзодини қўймоқчи эмиш. Агар шу гап рост бўлса, отам Дэварагэдара Хиччи Махата номзодини қўймоқчи бўляпти.

— Отам нима қилади бу ишга аралашиб? Агар Пиядасанинг сайловда ўтишига кўзи етса, овора бўлиб нима қилади? Яхшиси лаш-лушни пулланглар-да, Накия Дәния ёнидан жой қилиб, дўкон очиш пайига тушинглар.

— Ким билади, шунаقا қилсак яхшироқ бўлармикин. Отам бунга кўнмаса керак.

Опамга хат ёзгим йўқ эди. Аммо акамнинг гапини с尔да қолдирмай, унга яна битта хат ёздим. Жавоби келмади. Шу кунларда ҳаммазнинг диққат-эътибори сайловда эди. Пиядаса ўз номзодини қўярмиш деган гап тўғрига ўхшаб қолди. Буни бизга Сиядорис Айя айтди. Убу гапни бригадирдан эшишибди. Айянинг гапига қараганда, Пиядаса ўз номзодини Эманис ҳамда яна битта-иккита ҳамқишлоқларининг маслаҳати билан қўйган эмиш.

— Пиядасанинг ишлари юришиб кетувдики, атрофидаги хира пашшадек ўралашиб қолиши! — деди Сиядорис Айя. Биз кираверишдаги уйда гаплашиб ўтирадик. Кечкириб, чироқ ёқилиши билан уй эшигини очиб қўярдик. Аммо ҳозир сайлов ҳақида гап кетаётгани учун эшикни ёпиб қўйдим.

— Пиядасанинг ўз номзодини қўйганлигининг бошқа томони ҳам бор,— деди отам Сиядориснинг гапидан кейин.— У япа бизнинг жиғимизга тегяпти.

— Пиядаса нон тарқатишимиз юришиб кетганлигидан куйиб кетяпти,— дедим мен отамнинг гапини қувватлаб.

— Тўғри, Сиядорис Айя,— деди отам.— Менга қара, бу ердаги гапни оғзингдан гуллаб юрма тағин. Мабодо Пиядаса сайловда ўтиб қолса, печимиз турган ерни йўлга қўшиб юбориш пайнга тушиб қолади. Тушундингми? Шунинг учун ҳар қандай қилиб бўлса-да, ўз одамимизнинг номзодини қўрсатишимиз керак.

— Подадан олдин чанг чиқаришнинг нима кераги бор? Балки бу шунчаки қуруқ гапдир,— деб бизга тасалли берди Сиядорис Айя.— Ҳайронман, Пиядаса нега сизга тескари бўлиб қолди-а?

— Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси тўғри бўлиб кетади,— дея кулимсиради отам.— Аввал бошданоқ у бизнинг пайимизни қирқмоқчи эди. Лекин уддасидан чиқолмади. Бундан кейин ҳам қўлидан бир пуллик иш келмайди. Бу унинг энг сўнгги жон талвасаси.

Орадан бир неча кун ўтгач, Пиядасанинг навбатдаги сайловларда ўз номзодини қўймоқчи эканлиги аниқ маълум бўлди. Фақат бизгина эмас, ҳатто бошқалар ҳам бу-

—нинг Пиядасага шима учун керак бўйниб қолганлигини биларди. Эндиғина гуллаб келаётган савдомизни пасайтирмаслик учун бир амаллаб ёнимизни оладиган одам топиб, Пиядасага қарши қўйишимиш керак. Буни фақат Дэварагэдара Хиччи Махата уддасидан чиқа олиши мумкин. Агар у розилик берса Пиядаса албатта сайловдан ўтмай қолади. Энг муҳими уни кўндиришда. Чунки у ўтган сайловларда қишлоқ советига ўз номзодини қўйдирмаган эди. Бу сафар розилик берар леган умиддамиш. Нега деганда, ибодатхонада буддага ишуфар қўйиш маросимида Пиядаса билан Хиччи Махата орасида гап қочиб қолган эди.

Пиядаса устидан ғалаба қозониш қийин. Чунки ундан мол ҳарид қиласидиган ишчиларниг кўпчилиги Пиядасага овоз беради. Булар Қанаттэгодэ ва Бовитиямуллэда истиқомат қилишарди. Бизнинг номзодимизнинг бу томонларда овоз олиши амри маҳол. Аммо плантациянинг кўпчилик ишчилари ҳамда бошқа қишлоқ аҳлига Пиядасанинг сўнгги пайтдаги хулқ-автори ёқмай қолганди. Бизнинг айниқса Бадухен ҳамда Пахала Пэттэ даҳасидаги одамлардан умиддимиш катта эди.

— Ҳар қанақа қилиб бўлса-да, Хиччи Махатани кўндириш керак, йўқса, ҳаммамизнинг аҳволимизга маймунлар йиглайди,— деб ўз гапини маъқулларди отам маслаҳатлашгани келган Локу Махата ва Вилимуллэ Хамуга.

— Бу тўғри гап,— отамнинг гапига қўшилди Индигахалий-алдэ Локу.— Шу сабабдан ҳам олдингга келдикда! Ахир шу пайтгача комитетга ғаламис, маккор одамларни эмас, балки ҳурматга лойиқ одамлар сайланарди. Энди комитетга разил Пиядаса сайланниб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Ҳар ҳолда, Хиччи Махата ўз номзодини қўйишга кўнар, деб ўйлайман.

— Мабодо Хиччи кўнмаса, унда Пиядаса комитетга сайланди деяверинглар,— деди отам маъюс тортиб.

— Подадан олдин чанг чиқарма. Хиччи Махата кўнмаса, бошқа одам топилиб қолар. Фақат Бовитиймуллэ ҳамда қанаттэгодаликлар Пиядасага овоз беришади,— деди Вилимуллэ Хаму.— Менимча, агар Хиччи Махата розилик берса, уни албатта сайлашади.

— Мабодо рози бўлмаса, ундан бошқа ҳеч ким, ҳатто биз томондагилардан ҳам етарли овоз ололмайди,— дедим мен.

— Нега энди?— эътиroz билдириди Локу Махата.—

Мен кечаки Гинигодэ ҳамда Паллэхэримуллэдагилар билан гаплашдим. Уларнинг кўпчилиги Пиядасага қарши. Агар Пиядаса' комитетга сайланса, ундан яхшилик чиқмайди дейишияпти.

— Отам эшикнинг тамбасини сола туриб, Сомага:

— Сома, қизим, сен ёнимизда бўлсанг, ҳеч нимадан қўрқмаймиз. Тўғрими? Биз ҳозиргина гаплашган шундай ҳурматли одамлар қарши тургандан кейин, унинг сайловда ўтиб кетиши осон бўлмаса керак,— деди.

— Ҳа, агарда шундай ҳурматли зотлар оёғини тираб тургандап кейин, унинг ҳамма мижозлари овоз бермайди,— дедим мен.

— Пиядасанинг шунчалик виждонсизлик қилганлигини кўрганлар ундан юз ўгирса керак,— деди отам.

Ҳақиқатда шундай эди. Қишлоғимизнинг казо-казолари унга қарши чиқаётганлиги айниқса бизни қувонтиради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз томондагиларнинг деярли ҳаммаси қишлоқнинг қуий томонида истиқомат қиласади.

Уларни ҳурматлаб «махата» ёки «аппухлар» деб аташарди. Баъзиларнинг ўз ери бўлиб, бошқалари Пимбурагала плантациясида ишларди. Кўп ўтмай улар Хиччи Махата тарафдори бўлиб қолишиди. Очигини айтганда, Хиччи Махатани кўндириш осон бўлмади. У анчагача иккиланиб юрди. Ниҳоят бир куни кечқурун бизникида масала ҳал бўлди. Соат тўққиз яримларда бизникига Локу Махата, Батадувэ Кадэ Аппухама, Вилумуллэ Хаму Махата ҳамда Пансала Ваттэ Аппухамилар йиғилишиди. Улар отамнинг фикрини қувватлаб, Хиччи Махатани аранг кўндиришиди.

— Аммо сайловга сарф қилиш учун менда бир пақир ҳам пул йўқ!— деди Хиччи Махата.

— Э, пулни ўйлама. Бу ёғини бизга қўйиб беравер. Ҳар биримиз эллик рупиядан берамиз. Шунда уч юз рупия йиғилади. Бу етиб-ортади. Пулни нималарга сарф қилиш кераклигини сен чамалаб кўр, хўпми,— деди Индигахалийадэ отамга.

— Майли, аммо уни ўзинг йиғиб берасан,— деди отам.

— Ким Хиччи Махатани ёқлайди? Балки бўни сен қиласан?— деди отамга Локу Махата.

— Менимча, шундай бўлгани дуруст,— Локунинг таклифини маъқуллади Вилимуллэ Хаму.

— Ҳали буни кўп маслаҳатлашамиз, энди тарқалайлик,— деди Локу Махата ўрнидан тураркан.

— Сен Вильсоц, отангга гапирадиган гапини яхшилаб ёзиб бер, хўпми.

Эртасига Сома икковимиз хатни ёздик. «Қишлоқ комитетининг ижозати билан қишлоғимизнинг гуллаб-яшнаши ва аҳолининг роҳат-фароғатда яшashi учун хизмат қиласидиган номзодлар рўйхатига И. В. Сахабанду Махатани ҳам киритиб қўйишингиzin илтимос қиласман». Мен отам қийналмай ўқисин деб буни аниқ ва катта-катта қилиб ёздим. Сайлор номзодлар кўрсатилиб бўлингандан икки ҳафта кейин ўтказиладиган бўлди. Бу орада анча иш қилиб қўйдик. Уйимиз Хиччи Махатанинг идораси бўлиб қолди. Кўп ишлар менинг аиммамга тушди. Шу сабабли нонни фақат Этумаладаги дўконларга тарқатдим. Бошқа дўкондорларга эса нонни сайловдан кейин олиб келаман дедим. Галледаги босмаҳонага кўп қатнадим. У ерда биз буюрган варақа ва плакатлар босилаётгани эди. Ташвиқот ишларини Махатанинг ўзи, отам ва Вилимуллэ Хамулар олиб борди.

Ҳамма сайлов ҳақида бош қотира бошлади. Хона-донларда алламаҳалгача чироқ ўчмас, одамлар тўдатўда бўлиб, бўлажак сайловлар ва унинг натижалари ҳақида суҳбатлашардилар. Сайловларга бир ҳафта қолганда, Мэлэгода Пиядасага овоз беринглар, деган варақа чиқди. Варақа шеърий йўлда ёзилган бўлиб, унда Пиядасани кўкларга кўтариб мақталганди.

Остига: М. Х. Авнерис, Ж. П. Дени ва Ж.П. Сомадаса деб имзо чекилганди. Кейинги икки исм менга маълум эди-ю аммо М. Х. Авнерисни эшитмагандим. Отамнинг гапига қараганда, бу плантация бригадирипинг исми экан. Уша куни кечқурун биз ҳам Хиччи Махатани мақтаб варақа ёздик. Варақа текстини Каннагара Махата ёзиб берди. Эрталаб уни босмаҳонага олиб бордим, кечқурун ҳали бўёқ иси кетмаган бир неча варакани олиб келдим. Мен, Сиядорис Айя ҳамда Робаттэ Мама учовимиз бу варақаларни Бовитийямуллэ, Каннаттэгодэ ва Пахала Пэттэ қишлоқларининг деворларига ёпиштиридик.

Сайлорлар яқинлашгани сари қишлоқлар жонланиб кетди. Ҳамма ерда фақат сайловлар ҳақида гаплашибарди. Қишлоқларининг ташқи қиёфаси ҳам ўзгарди:

ҳамма ёқа варақалар ёпиштирилиб, байроқлар илиб қўйилди. Пиядаса дўкони олдига катта фил сурати солинган расм осиб қўйди. Биа ҳам уйимиз олдига соябон расми солинган катта сурат қоқдик. Дарёнинг нариги қирғоғидаги бригадир эса фил расми тасвирланган байроқ осиб қўйди. Қишлоқ аҳлининг деярли ҳаммаси велосипедларини байроқчалар билан безади. Бу байроқчаларнинг баъзиларида фил расми, баъзиларида эса соябон расми солинган эди. Сиядорис Айя ҳам велосипедини байроқчалар билан безатиб, қишлоқда айланиб юрди. Отам ҳам қишлоқма-қишлоқ юриб, Хиччи Махата номзодини ташвиқот қилар, кечқурунлари бир-иккита одам билан келиб, алламаҳалгача сайлов ҳақида гаплашишарди. Менинг оёғимда оёқ қолмади. Бир Хиччи Махатани, бир Индигахамийадэ Локу Махатани излаб қолардим. Бунинг устига варақалар ёпиштириш ҳам менинг зиммамда эди.

Бошда Хиччи Махата сайловда албатта ютиб чиқади деб ўйлагандик. Лекин сайлов яқинлашган сари Хиччига овоз берадиганларнинг кўпчилиги иккиланиб қолди. Бу яхшилик аломати эмасди, албатта. Сайловларга уч кун қолганда тарафдорларимизнинг қўйнига қўл солиб беҳудага ташвишланмаяпган эканмиз дедик. Уша куни отам тунги соат ўн бирларда Локу Махата билан бирга келди.

— Ҳе, ўша «махата» билан «аппухамит» ларнинг барини жин урсин,— деди куйиб-пушкиб Локу Махата, креслога ўзини ташлаб.— Менинча, плантациядаги миш-мишларнинг тагида гап борга ўхшайди.

— Нима гап, Локу Махата? Бир гап бўлдими?
— деди отам.

— Бугун Катабодудува ҳамда Паллахэримуллага борувдим. Даңиэлнинг иккала ўғлини кўриб қолдим. «Юринглар, охириги марта одамлар билан гаплашиб олайлик» дедим. Улар бизнинг ёнимизни олиб, озмунча меҳнат қилишдими! Энди эса тўсатдан: «Йўқ, Локу Махата, аслида сиз томондамиз-а, бироқ ўзимизча бир нима қилолмаймиз», дейишса бўладими. Олдин нима гаплигига тушунолмадим. Кейин менга Таттса Аппухамининг хотини айтиб берди. Унинг гапига қараганда, бугун плантация бригадири одамларни тўплаб, кимда-ким Пиядасага овоз бермаса, ишдан ҳайдалади. Плантацияда ишламайдиганлар ҳам тегишли жазо олади, депти. Шу

сабабдан одамлар бармоқларини тишлаб қолганиниш.

— Кўрамиз,— деди отам ўзини оғирликка солиб.

— Бироқ Пахала Пэттэ аҳолисининг ярми биз кўрсатган номзодга овоз бермаса, унда чатоқ бўлади. Бу бригадир сира тинчимади-тинчимади-да, ҳамма қилглиқни шу бошлайди.

— Энди биз тарафдаги ишчилар ҳам Пиядасага овоз бернишади,— деди Локу Махата.— Йишиларгини эмас, кўпчилик уларнинг ёнини олади. Унда Пахала Пэттэдаги тарафдорларимиздан айрилдик, деявер.

Бу гапларни чурқ этмай эшитдим. Локу Махата яна бир оз ўтириб, бир пиёла қаҳва ичди-да, кетмоқчи бўлди. Назаримда, шўрлик Махата анча қариб, қадди букилиб қолганга ўхшарди. Отам ҳам жуда хафа эди. Мен чироқнинг пилигини туширдим-да, креслога ўзимни ташладим.

— Бу ёғи неча пулдан тушди! Бригадир қурғур нималарни ўйлаб топади-я! Унинг гапига кириб еримизини плантацияга берсак ҳам қутулмадик-а,— дедим мен тоқатим тоқ бўлиб.

— На чора?— деди отам.— Тақдирин азад экан. Бир вақтлар Пимбурагала плантациясининг ярмини ҳам бобомиздан бир акрига уч шиллингдан берниб, сотиб олган экан.

— Қани, неча киши бизнинг номзодимизга овоз бераркин,— дедим мен.— Бовитийямуллэда бир юз олтмишта сайловчи бор. Хўш, шулардан йигирма бештаси Хиччи Махата учун овоз берсии дейлик. Қанаттэголэдаги икки юз қирқ сайловчидан етмиш бештаси бизга овоз беради. Пахала Пэттеда уч юзта сайловчи... Қанийди шуларнинг ҳаммаси бизга овоз берса. Унда...

Эртасига агар кимда-ким Пиядасага овоз бермаса, ишдан ҳайдалади, деган гап тарқалди. Хиччи Махата тарафдорлари хафа, Пиядаса тарафдорлари эса хурсанд эди. Бир темирчи, у Пиядасанинг энг содиқ тарафдори эди, бир нечта ҳамтовоқлари билан алмисоқдан қолган машинасида у ёқдан бу ёққа танда қўйиб, ашула айтгани айтган эди. Бизнинг уйимиз олдидан ўтаётгандага уларнинг қўшиқлари янада авжига чиқарди.

Сайловлар эрлар мактабида ўтиши керак эди. Сайлов арафасида икки гуруҳ одам — бири Махата, иккичиси Пиядаса тарафдорлари чироқ ёқиб қўйиб, аллама-

ҳалгача мактаб дарвозаси олдини безатиши. Икки тарафга иккита сайлов қутиси қўйилди. Иш орасида ҳали у томон, ҳали бу томон сайловда биз ютамиз деб баҳслашарди. «Ким ютади? Фил ютади! Ким қирол? Фил қирол! Фил енгади! Ҳей-ҳей! Соябоннинг синдириб ташлаймиз, ҳей-ҳей!» «Филни қувамиз, ҳей-ҳей! Сизларни пачақлаб ташлаймиз, ҳей-ҳей! Филни шарманда қиласмиз, ҳей-ҳей! Соябон енгиб чиқади!»— дея қичқирадик уларга, гарчи енгишга унчалик умидимиз бўлмаса-да. Атрофимиизда одам кўп. Булар орасида баъзи кайфи тарақлари номзодларининг исмини атамай, астар-аврасигача ағлариб сўкарди. Мен эса жанжал чиқиб кетмасайди деб жонимни ҳовучлаб турдим. Ҳайтовур ишлар тинчгина тугади.

Соат ўн бирларда ишларни тамомладик. Мен уйга келдим.

— Хўш, ишлар тугадими?— деди Сома уйга киришини билан.

— Ҳа, тугатдик,— дедим юз-қўлларимни сочиқ билан арта туриб. Уйга кела ётиб анҳорда ювингандим.

Отам дўконда хафа бўлиб, ер чизиб ўтиради.

— Энди фойдаси йўқ,— деди отам сўнник овозда.— Кеча кечқурун Ҳиччи Махатага кимлар овоз бераркин деб Пахала Пэттега бордим. Агар у йигирма бешта овоз өлса ҳам катта гап. Узун қулоқ гапларга қарагандა, плантация ишчиларини сайловга автобусда олиб келишармиш. Бу ишга аралашишнинг кераги йўқ, деб Гунапала тўғри айтган экан.

Мен отамга тасалли бердим:

— Ота, эртагача сабр килайлик. Инсоннинг юрагидагини билиб бўлмайди? Кимнинг кимга овоз беришини олдиндан айтиш қийин. Ҳамма ишчилар Пиядасага овоз беради, деб ҳам айтиб бўлмайди.

Эртасига ҳавога булат чиқиб, ёмғир томчилай бошлиди. Азондан одамлар тўда-тўда бўлиб сайлов ўтадиган ерга кела бошлади. Бизнинг сайлов қутимиз олдида отам, Сиядорис Айя ва мен турдик. Отам сайловчиларни мулизамат билан кутиб олар, Айя икковимиз уларга чой тутардик. Фил расми солингган байроқлар билан безатилган учта автобус сайлов участкаси билан плантация орасида қатнаб турарди.

— Ана, кўряпсанми,— деди отам, автобусга ишора қилиб.— Сайловчиларни плантацияда автобусга ўтқа-

зинб, яна жойларига обориб қўйиншяпти. Буни кеча кеч-
қурун бошлиқ буюрипти.

— Бизнинг автомобилларимиз кўринмаяпти-ку,— де-
дим мен.

— Галледан етиб келиш осонми? Айтгандек, автомо-
билларга ўзим нақд пул тўлаганиман. Ўртада тўплаган
пул етмади.

Соат еттида байроқлар билан безатилган учта авто-
бусимиз келди. Шоферларга наридан-бери чой ичир-
дик-да, улар Марувэ, Нагода Айя ҳамда Кандэ Сири-
сена отам ҳамда Хиччи Махатанинг йўл-йўриқларини
олиб, сайловчиларни олиб келгани жўнашди.

Соат саккизларга бориб сайлов участкаси арининг
инига ўхшаб ғувиллаб қолди. Дам ўтмай машиналарда,
велосипедда сайловчилар келиб туришди. Кетма-кет
ищчиларга тўла автобуслар келиб: «Ким енгади? Фил
енгади! Ким ғолиб чиқади? Фил ғолиб чиқади!» деб
тўғри Пиядасанинг қутиси томонга кета бошлашди.
Сайлов участкаси ёнидан ўтиб кетаётгапларнинг баъзи-
ларини отам билан Локу Махата тўхтатиб бизга овоз
беришларини илтинос қиласидилар. Тўсатдан икки қара-
ма-қарши томон сан-манга бориб қолган вақтлар ҳам
бўлди.

Чошгоҳга бориб ғовур-ғувир бир оз босилди. Пияда-
санинг плантация ищчилари ҳисобига кўп овоз олганли-
ги ҳаммага маълум эди. Отам жуда хафа. Соат бирда
ҳамма сайловчилар ўтиб бўлди, шунда мен бир чеккага
бориб дам олмоқчи бўлдим. Сўнгги кунлардаги бесаран-
жомлик, югур-югур мени жуда ҳолдан тойдириб қўйган-
ди. Мен қуёш нурида чўмиляпган айвонга тўпланиб
турган одамларга — чошгоҳда ҳаво очилиб кетди — бў-
шашиб қараб турдим. Уларнинг гап-сўзлари худди де-
ворнинг нарёғидан эшитилаётгандек бўларди. Энди
менга ҳеч нарсанинг қизиги қолмади. ҳеч нарсани ўйла-
мас, ҳеч нарсага ачинмас, қайғурмасдим.

— Ҳа, энди Пиядасанинг олдига тушолмаймиз,— де-
ди отам хаёлимни бўлиб.— Бундан кейин қишлоқда биз-
га кун йўқ.

Соат учларга бориб баъзи кечиккан сайловчилар ке-
ла бошлади. Пиядасанинг тарафдорлари хафа бўлиб
турганлигимизни кўриб, жўрттага баланд овозда ашула
айтиб, ўз ғалабаларини элбурутдан мақташди. Новча
Отар бўлса айвонимиз олдида серрайиб туриб:

— Печкангизни бузиб, йўлга жой бўшатиб бергин-
гиз келмайдио, сизларга ким овоз берарди,— дерди.

Ўзимни эшишмаганликка солиб ўтиравердим. Мабо-
до чурқ этиб оғиз очсан, жанжал бошланиб кетиши
мумкин эди. Бир соатлардан кейин отам мен билан На-
года Айяга сайлов натижасини кутманглар деб уйга
кетди. Соат тўрт яримда овоз бериш тугади. Мен уйга
кетмай, сайлов натижасини кутмоқчи бўлдим. Ғала-го-
вур роса авжига чиқди. Одамлар бир-биридан ўтаман
деб ҳар тарафдан: «Ким голиб чиқди! Фил ғолиб чиқ-
ди!» деб ҳайқиришарди. Ҳатто энг камгап одамлар ҳам
кеқирдагини йиртгудек бўлиб бақираради. Бирдан ҳам-
маёқ жимиб қолди. Ҳозир натижасини эълон қилишади.
Овозларни мактабда ҳисобга олишмоқда. Оғзи қулоғи-
да Пиядаса остонона кўриниши билан оломон уни таб-
риклиди. Велосипед қўнғироқлари ва автомобил сигнал-
лари овози ҳамма ёқни тутиб кетди. Бир амаллаб оло-
мон орасидан ўтдиму, велосипедимга миниб, уйга жў-
надим.

Уйимизнинг кўчага қараган эшик ва деразалари та-
қатақ берк. Велосипедимни ташқи ҳовлида қолдириб,
уйга ўтдим. Истиқболимга югуриб Сома чиқди:

— Хўш, укажон, нима гап?

— Пиядаса енгди,— дедим каравотга ўтириб.

— Вильсон келдими?— деди отам нариги уйдан.

— Ҳа, келди,— деди Сома.— Пиядаса енгибди.

Ҳеч кимнинг галиргиси келмас, ҳамманинг кўнгли
вайрон эди.

Хонага мозористон сукунати чўқди. Мен йиғма кара-
вотга чўэзилиб, кўзларимни юмдим. Кўз ўнгимдан бу-
гунги бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар бир-бир ўта бошла-
ди. Бир оздан кейин кўпrik томондан одамларнинг
қий-чув овози эшишилди. Улар Пиядасани табриклиши-
моқда эди. Булар орасидан велосипед ҳамда автомобил-
ларнинг шовқин-сурони қулоқни қоматга келтира бош-
лади. Пиядаса ўз тарафдорлари билан уйига кетяпган
эди. Улар уйимиз олдига келганда жўрттага: «Ким
голиб чиқди? Ғил! Ким енгилди? Соябон!»— деб бақи-
риб-чақиришар, ҳатто улардан бири эшикни мушти би-
лан уриб:

— Ҳой, аплаҳлар, қаердасизлар! Бир ойдан кейин
сенлардан ном-нишон қолмайди!— дея қичқирди.

Бу Найнов Отарнинг овозига ўхшарди. Бир муддат

ўтгач, одамлар уйимиздан узоқлашди, тўс-тўполон ҳам аста-секин тинди. Куну тун тиним билмай, чарчаган лигимдан тезда ухлаб қолдим.

Ўйғонсам қош қорайиб, чироқлар ёқилган экан. Кўзимни очишни билан Сома эркалаб соchlаримни силади-да, чой олиб келди.

— Кўпам хафа бўлаверма, укажон,— леди у аста.— Агар имкони топилса, бу ердан кетамиз. Иккаlamиз бирга бўлсак, ҳеч зоелик тортмаймиз.

Соманинг самимий сўзлари, меҳр билан боқишилари кўнглимни анча кўтарди. Мен унинг юзини сийпаб, ўрнимдан турдим-да, қўшни хонадаги отамнинг олдига чиқдим. Отам ҳалиям ўша-ўша, хафа бўлиб ўтиради. Стулни суриб, унинг ёнига ўтиредим. Биз анчагача чурқ ётмадик. Алоҳа отам бошини кўтариб:

— Буни тақдир дейдилар. Пешанада боридан қочиб кутулиб бўлмайди. Бизни деб Хиччи Махата ҳам азият ҳекди.

Қишлоқ комитетининг катта йўл тушиши ҳақидаги қарори бундан иккى йил муқаддам чиққан эди. Буни бизга уч ойдан кейин ёзма равишда маълум қилишганди. Хатда, ҳовлимиzinинг бир қисми йўлга тушажаги өа еримиз учун ҳақ тўланиши айтилганди. Худди ўша кайтда биз дўкон очиш тарафдудида печь қуряпган эдик. Отам печимиз ҳам ҳисобга кириб қолсин деб ишни роса жадаллаштириди. Еримизнинг шу қисмида бир нечта ҳурмо бор эди. Отам қишлоғимизда сайланган комитет ғъзоси ҳамда раиснинг розилиги билан бу ишни бир орқага суришга муваффақ бўлди. У ишларимиз юришиб кетганлигини кўриб, ер сотиб оламиз-да, яна печь қурамиз деб ўйлаб юрганди. Бахтга қарши орзусига етолмади. Арзигулик пул тўпламасимиздан дўконни ёпишимизга тўғри келди. Энди бутун умидимиз дўконларга юн тарқатиш бўлиб қолди. Агар савдомиз шу йўсинда кетаверса, тахминан бир йилда ер сотиб олсанк бўларди. Бинобарин, комитетга ўз одамимиз сайланса, йўл қуриш ишларини яна бир йил кейинга сурдирсанк бўларди. Бироқ комитетга Пиядаса ўтиб қолди. Ана энди у янги раис билан тил биринтириб, йўл қуриш ишларини жадаллаштириб юборади. Бу ҳам етмагандек, гарчи биз печни комитет огоҳлантиримасдан олдин қурган бўлсак-

да, Пиядаса жон-жаҳди билан ҳақ бердиригаслика уринди. Шу боисдан биз ўлар-тириларимизга қирамай, ҳатто ёнимиздан сарф қилиб бўлса-да, Хиччи Махата номзодини кўрсатган эдик.

Наздимда кўчага чиқишим билан одамлар чекка-чеккадан бармоқларини бигиз қилиб мени кўрсатиб, кула-ётгандек бўлаверди. Уч кунгача кўчага чиқмай, кара-вистда кулала бўлиб ётдим. Отам сайловининг эргасига маслаҳатлашганц қишлоқ советининг собиқ раиси Ди-санаяко Ҳаму Махатанинг олдига кетди. Униш гапига қараганда, йўл қурилиши ишларини энди пайсалга со-лишини асло иложи йўқ эмиш. Биз бузиладиган печимизга ҳақ олишимиз ҳамда тўхтаб қоладиган нон савдомиз учун бадал тўлаттиришимиз мумкин экан. Нари борса бизга тўрт юз рупий беришлари мумкин эмиш. Бу пулга яна нон савдосини бошлаб юбориш мумкин. Аммо эндиликда Пиядаса бунга халақит беради. У печимизни қарор чиққандан кейин қурғанлигимизни яхши билади. Шу сабабдан Дисанаяке Махата отамга каччэрия¹га учраш леб маслаҳат берди.

Сайловлардан бир ҳафта кейин, қишлоқ комитети раислигига аввалги раис ўринбосари Қўппитиягода Поди Ралаҳами сайланди. Бу одам Пиядасанинг тарафдори эди. Пиядаса комитетнинг биринчи йиғилишидаёқ Рукмалгодадан Паҳала ибодатхонасиғача бўлган ерда йўл ишларини тезда бошлашни таклиф этди. Гап орасида бизнинг қишлоқлик собиқ раисни йўл ишларини орқага сурғанлигини қоралаб гапирди. Пиядасанинг талабини инобатга олиб комитет йўл қуриш ишларини кейинги ҳафтада бошлашига қарор қилди.

Аттанг деб қолмаслик учун тезроқ ҳаракат қилиб қолишимиз керак эди. Отам билан Галлега, Дисанаяке Махатанинг ўғли Генри Махатанинг олдига бордик. У каччэрияда котиб бўлиб ишларди. У бизга бир қоғоз кўрсатди. Қоғозда, биздан ўтган ер учун эллик рупий тўланиши кераклиги ёзилгап эди. Генрининг айтишича, бошда бузилажак печимиз учун ҳам ҳақ тўламоқчи бўлишиптию, кейин айниб, фақат ер учун ҳақ тўлайдиган бўлишипти. Буни сезиб турсак-да, зора печимиз учун ҳам ҳақ тўлашса деган умидда эдик. Шунча қилган меҳнатимизнинг зое кетганига чидаб бўладими?

¹ Каччэрия — маҳаллий маъмурӣ ташкилот органи.

Эллик рупий! Бу пул билан бирон жойда ион савдо-сини йўлга қўйиб юбориб бўлмайди.

— Плантацияга ёлланишга тўғри келади, бошқа чора йўқ. Аввалгидек оддий ишчи бўлиб ёлланиш одамга алам қиласкан,— деди отам автобусда уйга келаётганимизда.— Булар пешанамизда бор экан, Вильсон!— дея давом этди отам панг овозда.— Пешанада боридан қочиб қутулиб бўлмайди. Дўконни ёпишга мажбур бўлдик. Нон савдомиз барбод бўлди. Узун қулоқ гапларга қараганда, Пиядаса бизни хонавайрон қилмоқчи эмиш.

— Уларнинг гапи тўғри,— дедим мен.— Бизни яна уч-тўрт ой қўйиб беришганда яхши бўларди-я. Энди қишлоқдан бош олиб чиқиб кетишдан бошқа чора қолмади. Дўкондор бўла туриб, эндиликда плантацияга оддий ишчи бўлиб ёлланишдан ҳам оғир хўрлик борми дунёда!

— Ҳа, Вильсон, ишимиз чатоқ, жуда чатоқ. Ҳемири ҳам пул қолмади. Сўнгги пулни бекорга сайловчиларга сарф қилдик.

Генри Махата отамга, каччэриянинг бош амалдорига учраш деб маслаҳат берди. Бунинг учун унинг оғзини мойлашга эллик рупий керак, деди. Бунча пул бизнинг ҳозирги шароитимизда катта маблағ эди. Шу пул билан унинг оғзига урсак, омадимиз юришиб кетади деб умид қиласдик. Мен Этумалага бориб, дўкондорларда қолган-қутган қарзларни ийғиб келдим. Етмаганига отам енг бўлиб, эллик рупий қилдик.

Эртасига Галлега кета туриб Уралага — Генри Махатанинг олдига тушдик. У отамдан пулни олди-да, амалдор олдига бизни бошлади. Улар инглиз тилида гаплашишиди. Сўз орасида «Рукмалгод», «Дандувана» дейишларидан бизнинг иш ҳақида гаплашишяпти деб ўйладим.

— Муддатни қанчага чўзиш керак?— деди амалдор отамга.

— Қанча кўп бўлса, шунча яхши,— деди отам.

— Бизга қишлоқ комитетидан қофоз келган, унчалик кўлга чўзолмайман. Яқин орада йўл қуриш ишларини бошлаб юборишадиган, биз уларга пул ўтказишимиз керак.

— Майли, унда беш ойга суриб бер,— дедим мен.

— Бу мумкин эмас. Ҳозирча икки ярим ойга чўзиб беришим мумкин. У ёғини яна кўрармиз.

— Икки ярим ой бўлса ҳам майли,— деди отам.

— Энди бемалол уйингга кетавер, ваъдам қатъий,— деди амалдор, гапни калта қил дегандек.

— Нега унга пулни бермадинг?— деди отам Генри Махатага, кўчага чиққанимиизда.

— Нималар деяпсан, бу ерда унга пул бериб бўладими!— деди Генри ҳайрат билан.— Бугун кечқурун клубда қўлига аста қистираман. Сен энди хотиржам бўл. Пиядасангга тайнла, ҳадсеб йўл-йўл деб оғзини кўпиртиравермасин. Қачон иш бошлашмоқчи?

— Индинга, душанбада.

— Шу буғуноқ иш бошламанглар, деб телеграмма юборамиз.

Ўйга қанот пайдо қилгандек учиб келдик.

— Эллик рупий бериб, мақсаддага етдик. Пиядаса бўлса, комитеттага сайдандим, деб босар-тусарини билмай юрибди,— дедим мен керилиб.

— Шуни айт-а!— деди отам.— Ишимиз шунчалик осонлик билан битади, деб ҳеч ўйламагандим. Энди Пиядаса аламидан ёрилиб ўлади.

— Ота, мабодо амалдор ваъдасининг устидан чиқса, уни яна бир хурсанд қилиш керак.

Ўйга яқинлашганимиизда Сома олдимизга чиқди. Бизни кута-кута унинг кўзлари тўрт бўлибди. Отам буни сезиб, шоша-пиша:

— Ишлар жойида, қизим. Сен биз билан бирга бўлсанг, худо хоҳласа, камлик кўрмаймиз.

— Худога шукур-э,— деди Сома енгил тин олиб, биз билан айвонга чиқаркан.— Куни билан ўзимни қўярга жой тополмадим. Бунииг устига; Найнов Отар кўприкда турволиб: «Ота-бала нажот истаб бирон ёққа кетишганга ўхшайди. Овора бўлишмасин, фойдаси йўқ», деб вайсади.

— Ҳид билишипти-да занғарлар,— дедим мен.

— Ҳид-ку билишмагандир-а, бироқ уйда йўқлигинизни сезиб, шундай деб ўйлашган-да!— деди отам эътироz билдириб.

— Майли, бир-иккى кундан кейин Найновнинг дами ичига тушиб кетади. Ўзиям Пиядасанинг ногорасига роса ўйнаб қолди-да!

— Ҳечқиси йўқ, йўл ишлари тўхтатилиши билан ҳали бармоғини тишлаб қолади. Пиядаса эса бунга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатади.

Уйимиз атрофида дайдиб юрган гадо қиёфасидаги шарпа ҳам кўздан йўқолди. Отам билан Соманинг кайфи чоғ эди. Мен эса хурсанд ҳам, хафа ҳам эмасдим, илло, ниҳоятда чарчагандим. Бир неча кундан бери бошимдан кечаётган кўргиликлар мени эзиб ташлаганди ва у борлиқни кўз илғамас парда билан тўсиб қўйганди. Бошим ёстиққа тегар-тегмас қоронғилик қатърига кириб кетгандек сездим ўзимни. Шу пайт аллақаёқдан заржал булут пайдо бўлиб, мен томон кела бошлади. Кўрқиб яширинмоқчи бўлдим, булут мени тобора оғушинга торта бошлади. Инграб юбордим, бундан чўчиб уйғониб кетдим — тепамда чироқнинг шуъласини тўсиб Сома туарди.

— Боя ҳам кирувдим, мана, тағин келдим. Киришим билан кўзингни очдинг-а.

Сома лампани пуфлаб ўчирди-да, каравот тагига қўйди. Узи эса ёнимга ўтирди. Янги ой чиқишига ҳали бир неча кун бор эди, шу сабабдан атрофни зулмат қоплади. Назаримда кўп ухламаган бўлсам керак, уйғониб, автобус овозини эшитдим. Демак соат ўн бир ярим бўлибди-да.

— Эрталаб Гунапала келувди. Мени олиб кетмоқчи,— деди Сома.

— Нега тўсатдан миясига шу фикр келиб қопти?

— Ижарага уй олипти. Борсанг, кунимиз яхши ўтади, деяпти.

— Сен нима дединг?

— Бу ердан кетмайман, бегона жойда қийналаман, дедим.

— Гунапала-чи?

— Гунапала ким бўпти! Бормайман, вассалом, дедим. У тутақиб кетди. Отанг билан гаплашаман, деб дўй урди.

Сома кўкрагимга бошини қўйди, мен унинг соchlарини силадим.

— Кетайлик бу ердан, укажон! — ялиниб-ёлворди Сома.— Дунёнинг нариги бурчагига бўлса ҳам майли. Фақат бу ердан кетсак, бас!

— Гапингни қара-ю! Уйимиз билан новвойхонани кимга ташлаб кетамиз!

— Отам-чи! Шу ерда қолиб ҳаммасига қарайди.

— Нима деяпсан?! Отамни ёлғиз ташлаб кетиб бўладими?— дедим мен ўрнимдан туарканман.

Сома- сапчиб ўрнидан турди. Қоронғи бўлгани учун унинг юзини кўрмасдим, аммо қаттиқ жаҳли чиққанини сездим.

— Оҳ, отам... Вой, отам... Мунча отангга жонинг ачимаса.— Унинг овози бўғилиб, энтикиб нафас оларди.— Отангнинг қанақалигини билмайсан!..— деб бақирди-да, йиғлаб уйдан чиқиб кетди.

«Отам ҳақида бир нима демоқчи бўлдими?— дедим ўзимча.— Бир нарсадан жаҳли чиққанга ўхшайди!»

Эртасига Сома жуда хафа кўринди. Ў қўрқа-писа мен томонга қараб қўярди. Кечаги ишига пушаймон еб, уяляпти шекилли, деб ўйладим.

Узун пичоқ билан бананнинг қуриган шохларини кесиб, ерга ёзилган қанорга ташлай бошладим. Сома олдимга келиб:

— Нима қиляпсан, ука?— деди.

— Банан бутаяпман. Буни аччадан бери қиласман деб юрадиму аммо қўлим тегмасди.

— Кечаги ишга мендан хафадирсан?— Сома менга яқин келди.

— Буни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

— Қўриб турибман, хафасану аммо менга билдири-маяпсан. Хафа бўлсанг, бурнингни тишла. Аммо билиб қўй, мен сенга ёмонликни асло раво кўрмайман. Фикри хаёлим фақат сенда.

— Менга ҳеч бало урмайди. Ундан кўра, қара, ҳов бирор келяпти,— деб Сомани чалғитдим, биз томон келаётган Сиядорас Аййани кўриб.

— Ишлар жойидами дейман, эрталабдан дарахт бутаб қопсизлар,— деди Айя илжайиб.

— Ҳа, бу шохларни биздан осонликча тортиб олишомаса керак,— дедим мен ҳам кулиб.

— Хайрият-эй, куни кеча ҳамманинг оғзидан йўл масаласи тушмаганди. Гапларига қараганда, индинга йўл режасини тузишармиш.

— Қўявер, индин бўлсин, кўрамиз, ҳаммалари мумтишлаб қолишади.

— Қанчага рухсат олдинглар?

— Уч ойга.

— Жуда соз бўпти-да! Пиядаса: «Индиндан йўл қуриш ишлари бошлаб юборилади» деб жар соляпти-ку.

Пиядаса бу хабарни эшишибоқ қишлоқ комитети

раисини ёнига олиб, Галлега жўнапти. Отам Пиядасанинг бу ишига кулиб:

— Қаерга борса, бораверсин, барибир аҳмоқ бўлиб қолаверади. Бизга ваъда берган амалдор албатта ваъдасининг устидан чиқади,— деди дам солаётган қорига ўхшаб. Унинг андек бўлса-да чўчиётгани сезилиб турарди. Мен ҳам юрагим пўкиллаб Пиядасанинг қайтишини сабрсизлик билан кутдим. Кечга бориб қишлоқда йўл қурилиши бошланармиш, пайсалга солишга рухсат йўқ эмиш, деган мишишлар тарқалди.

— Пиядаса мақсадига етганга ўхшайди,— дедим отамга, иккимиз уйда чироқнинг пилигини паст тушириб ўтирганимизда.

— Бу ҳали маълум эмас. Агар одамларнинг гапи рост бўлса...— деди-да отам, жимиб қолди.

Икки кун аввал отам билан амалдорнинг олдидан қувониб қайтган эдик. Эндиликда уй ҳам, теварак-атроф ҳам кўзимизга хунук кўринди. Худди уйимизда оғир касал жон таслим қилаётгандек, чекка-чеккада шумшайиб ўтирадик.

Тунни безовта ўтказдим. Тушимда дарё тошиб, ҳовлимиизни сув босиб кетганмиш. Сув уйимизни ҳам босаётган эмиш. Қўрқиб, қоча бошлабман. Қанча ҳаракат қилсан-да, зил-замбил оёқларимни ердан узолмасмишман. Бақириб юбордим, шунда ўз овозимдан чўчиб уйгониб кетдим. Тепамда отам турарди.

— Сенга нима бўлди, Вильсон? Овозингни эшишиб, уйғониб кетдим.

— Ёмон туш кўрдим,— дедим мен, титраб-қақшаб.

— Жуда қўрқиб кетибсан-да. Қора терга ботиб кетибсан-ку?— деди отам ерга тушиб кетган кўрпамни тузатиб.— Ҳо қўрқ, ҳо қўрқма, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди,— деб хўрсинди бир оз жимликдан сўнг.— Калима келтириб, ухла.

Отам ердаги жинчироқни олиб, чиқиб кетди.

Эрталаб Пиядаса ўз мақсадига эришганлиги маълум бўлди. Ишчилар келиб, йўлнинг режасини тузишди. Орадан бирор соат ўтгач, қозиқ қоқиши. Сома иккимиз уйдан чиқмадик. Ер ўлчовчига баъзи нарсаларни отам айтиб турди. Ишчилар қозиқларни қоқиб бўлгач, асбобларини йиғиншириб кетиши. Улар билан олдинма-кестин отам ҳам чиқиб кетди, шу кетганча соат учдан ўтганда келди. Қорним тўқ, деб овқат емади. Кечга томони

тўсатдан Галлега отланиб қолди. Уидан Малидувага ўтармиш. У ерларда ҳеч қанақа иши йўқлигини билганинг сабабли, бевақт юборгим келмади. Юраги қисилганидан уйда ўтиргиси келмасди. Уни зўр-базўр эртасига боришга кўндиридим.

Эртасига йўл қуриш ишлари бошланиб кетди. Отам азонда Малидувага кетди. Сома ташқари ҳовлига чиқиладиган эшик остонасига ўтириб, алланима тикарди. Мен йиғма каравотда чўзилиб, ишчиларнинг келишини кутиб ётдим. Бир оздан кейин уйимиз олдига юк машинаси келиб тўхтади. Фовур-фувур овозлар эшитилди. Сома югуриб чиқиб, қайтиб келди-да, ишчилар келганинги айтди.

— Бор, уйга кириб, эшикни ичидан беркитиб ол,— дедим Сомага.

Орадан бир муддат ўтмай, ташқаридан тасир-тусир онозлар кела бошлади. Лўм билан печни бузишаётган эди. Юрагим ўйнаб, томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Назаримда ақлдан озаётганга ўхшардим. Ҳар сафар темир-терсакнинг овози, ғиштнинг тапиллаб ерга тушиши қулоғимга кирганда, бирор бошимга таёқ билан тушираётгандек бўларди.

Печни зўр-базўр соат учларда бузиб бўлишди. Фовур-фувур тингач, ўрнимдан турдим. Ўзимни худди узоқ ётган касалдек сезардим. Бошим айлаиарди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ. Анча нарида, йўл ўртасида битта-яримта одамнинг қораси кўринарди. Печимиз ўрнида гишт ўюлиб ётар, банан шоҳлари ер билан битта бўлиб, фақат хурмоларгина нозик қадларини кўкка чўзиб туради. Бирор кўриб қолмасин-да, деган андишада ён-атроғимга аланглаб, дарёга тушдим-да, юз-қўлимни ювдим. Уйга қайтиб кирсан, эгнида янги сори, соchlарини силлиқ қилиб тараб, соч мой сурган, Сома стол олдида ўтиради.

— Ўтир ука, манавини е,— деди у менга.— Гуруч аллақачон пишган эди, сенинг туришингни кутиб ўтиргандим.

— Ўзинг еявер, негадир иштаҳам йўқ.

— Бўлмаган гапни қўй, Вильсон! Овқат ейиш керак, бўлмаса силланг қуриб қолади. Унда мен ҳам емайман,— деди Сома ва қўлимдан тортиб, столга бошлади.

Оғзимга соглан луқмам томоғимдан нари ўтмади. Йўлига чўқилаган бўлиб, тарелкани нари суриб қўйдим.

Сома бошқа мени қистамади, ўрнидан туриб, ошхонадан аччиққина чой олиб кирди. Овқатга ўзиям қўлини урмади, рўпарамга ўтирида, жилмайиб чой ичишимга қараб турди.

— Ҳаддан ташқари куйиб-пишавериш яхшимас. Очдан ўлмаймиз. Гуруч билан нонга бир амаллаб пул топармиз. Энг муҳими саломатлик бўлса бас, ҳамма нарса топилиб кетади,— деди Сома мени юпатмоқчи бўлиб.

Унинг майнин, ёқимли овози ва хатти-ҳаракатида шунчалар меҳр-муҳаббат, вафодорлик аломати борзидики, буни таърифлашга тил ожиз.

— Жаҳлинг чиқмасину, жоним, кел, яхиси бу ердан кетайлик,— деб гапида давом этди Сома.— Янги жойда дард-ташвиш ҳам тезроқ унутилади. Менга сендаң бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса керак эмас. Буни ўзинг ҳам яхши билласан.

Мен қўлларимни Соманинг қўлига қўйдим. Шу алфозда чурқ этмай, анчагача ўтиридик. Қалбимни босиб ётган ғам юки бир оз енгиллашгандек бўлди. Ҳаётда бундан ҳам муҳим нарса: Соманинг меҳрибонлиги, лабларининг шивири, танга ҳузур бағишловчи қилиқлари борлигини туйдим шу топда. «Ана шулар учун яшаш керак, бошқасини қўявер» деди ғойибдан бир нидо.

Китобни олиб, варақлай бошладим. Ҳаёлимдан сўнгги кунларда рўй берган воқеалар силсиласи ипга чизилган муниçoқдек бирма-бир ўта бошлади. Бу кўргилик нимадан бошланди? Менимча, автобус тўхташ жойини ўзгартирганларидан. Шундан сўнг дўконимизга ишчилар келмай қўйди. Еримизнинг бир бўллагини плантация бошлиғига сотишга мажбур бўлдик. Буларнинг барни Пиядасанинг иши! Нима сабабдан у бизга тиши қайрайди? Ахир биз ҳеч кимга ёмонлик қилмагандик-ку! Дўконимизнинг ёпилиши етмагандек, новвойхонамизнинг бузилишини айтмайсизми?! Бу ўлганинг устига чиқиб, тепгандек бўлди.

Қош қорая бошлади. Ҳозир плантациядан ишчилар қайта бошлайди. Китобни қўйиб, айвоннинг эшигини беркитдим.

— Ука, будда олдидағи чироқни ёқиб қўй,— деди ошхонадан қайтиб кирган Сома.

«Ёқ!— деда такрорладим ичимда.— Ҳар доим уни ёқиб қўярдик, будда ҳам биздан юз ўгирганга ўхшай-

ди?» Қандайдир ички бир овоз: «Эс-хүшнити жойига
киф! Қуфрға кетмал!» дерди.

— Ма, гугуртни ол. Кеча чироққа бір солиб құйған-
дим.— Сома останадан-гугуртни уаатди менга.

Курсичага чиқиб, гугурт чиздім. Шунда қоронриликті
сан-сариқ аланга тири тилиб кетді. Ҳаяжонланиб
хонада у ёқдан бу ёққа юарқанмаи, будда суратига
бенхтиёр күзим тушарди. Чироқнинг шуъласи ҳар то-
монга әғилиб ёнганидан, назаримда будда жилмаяётган-
га үшшарди.

«Куляпсанми? Нега ёрдам бермадинг?»— деб жаҳл
билан гугурт қутисини отган әдім, чироққа тегди, у ер-
га түшиб, синди.

— Нима синди, ука?— деб әшикдан бошини суқлая
Сома.— Вой, ўлмасам, чироқ-ку! Бу яхшилик аломаты
ымас!— деб қичқириб юборди у, ердаги шиша синиқла-
ри билан мойни күриб.

— Энди бошқасини сотиб олгунимизча нима ёқа-
миз,— дедім кулиб. Назаримда ҳамма билан ора очыл
қилаётгандек бўлдим.

Печимиз бузилиб, еримизнинг бир бўлаги йўлга туш-
ганидан қаттиқ хафа бўлдик. Тирнкчилик ғамида бирор
ниш топишга ҳам қўлимиз бормади. Ўйда озроқ гуруч,
врзимаган пул қолганди. Ҳаш-паш дегунча отам бунки
ҳам сарфлаб бўлди. Мен кун бўйи ҳовлида санғиб юр-
дим. Ҳовли катта бўлсаям гўргайди! Йўл қуриш жадал
давом этгани сабабли, тез орада битди. Авваллари ши-
молроқдаги Баддегама ёки Хиккадувага Вандурамба
йўли орқали бориларди. Энди энг қулай йўлдан — биз-
нинг қишлоқ, ёки Унанвития орқали ўтиб кетиладиган
бўлди. Йўлимиз серқатнов бўлганлиги учун Пиядаса-
нинг савдо-сотиқ ишлари янада ривож топди. Одамлар
уни қўшимча ер сотиб олиб, новвойхона қуриш ҳарака-
тида юрипти, дейнишади. Ҳозир дўконини таниб бўлмай-
ди. Айвонига чиройли пиллапоядан чиқилади. Пештах-
таларида моллар тиқилиб ётипти. Унинг дўкони Галле-
даги дўконлардан асло қолишмайди.

Бекорчилик жонимга тегиб, бамбуқдан сават тўқий
бошлидим. Ҳафтада бир марта ўрмоинга бориб, новда
кесиб келардим-да, сават тўқирдим. Зўр берганимдан
тез орада ҳамма ёқни сават босиб кетди. Яхшиямки

Сиядорис Айя эллинкласини олиб кетди, бўлмаса қўйгани жой тополмай қолардим.

Отам уйда камдан-кам бўларди. У эрталаб наридан-бери чой ичарди-да, кетарди, шу кетганча чошгоҳда келарди. Қелиши билан ётарди. Ўрнидан тургач, яна чиқиб кетиб, ярим кечагача аллақаёткларда юрарди. Уйда қолса, доимо қовоғидан қор ёғар, ҳеч кимга гапирмасди. Отам бу юришини ҳали-бери ташлайдиганга ўхшамасди. Бир куни кечқурун отам уйда ётганида бир нарса олмоқчи бўлиб олдига кирган эдим, гуп этиб ичкилик ҳиди димофимга урилди. Бундан ҳайрон бўлдим. Ташқаридан олиб кирган жинчироқнинг хира нурида отамнинг бўздек оппоқ юзини кўрдим. Афти терлаган, сочи пешансига ёпишиб қолипти. Пастки лаби осилиб, ёстиғинга сўлаги оқиб ётарди. Нафас олишлари ҳам оғир, хонани бадбўй ҳид тутиб кетганди. Дилемда уйғонган қизғанч ва ачиниш ҳиссини афсус-надомат эгаллади. Шу ёшгача биринчи марта отам учун уялиб қолдим. Ша кеча туни билан отамнинг бадмаси бўз олдимдан сира нари кетмади. Назаримда ўзимни алдангандек сездим. Сомага бу ҳақда чурқ этмадим. Аммо эртасига унинг ўзи воқеани тушуниб қолди. Шу куни ярим кечагача отамдан дарак бўлмади. Сома хавотирлана бошлиди. Мен ҳам отамнинг кечикаётгандиги сабабини билсан-да, игнада ўтиргандек безовта эдим. Охири сабрим тугаб, уни изламоқчи бўлдим. Сома ҳам буни сешиб:— Фонарни олвол,— деди.— Ташқари қоп-қоронғи.

Мен уйдан чиқиб, қишлоғимизнинг қуий томонига юрдим, фонарь тутиб йўл четларини қарадим. Ҳеч зор йўқ. Юра-юра қишлоғимизнинг ёмғир суви ҳалқоб бўлиб қоладиган жойига келиб қолипман. Бу ерга сув чиқиб кетадиган қувур ўрнатилганди. Фонарни тутиб қарасам, не кўз билан кўрайки, отам кўкраги билан қувурга йиқилиб, уни қучоқлаб мудраяпти. Фонарнинг нури юзига тушди, кўзларини ишқалаб сал қаддини кўтарди-да, ғўлдираб: «Нима... нима... ҳа... ҳа. Ким... бу?» деди-да, яна йиқилди. У қаттиқ мастилигидан чуқур ёқалаб юролмай, ағанаб тушган. Бир муддат индамай турдим-да, сўнг: «Менман ота!»— деб қичқириб, . пастликка туша бошладим. Отам овозимни эшишиб, сапчиб тушди. Қувурни ушлаб, қаддини ростлади.

— Нима дейсан, Вильсон...— деди у чайналиб.— Яхши... Мен бўлса... манави ерда... қоронғиликда, қаёққа

боринимни билолмаяпман...— У бирдан сергакланди, қувурдан қўлини олиб, ўриидан турди-да, мен томон кела бошлади. Қирсиллаб шоҳ синди. Мен югуриб бориб, уни суждим-да, юқорига чиқишга ёрдамлашдим.

— Йўқ!— деб бақирди у. Сўнг қўлини тортиб олди-да, шоҳга осилиб қаддини ростлади. Юролмади, яна ўтириб қолди. Мен уни суяб, йўлга олиб чинқдим. Отам икки қўли билан бўйнимдан маҳкам қучоқлаб:

— Мен ичганман... аммо сен хафа бўлмаслигинг керак...— мастларга ўхшаб қўшиб қўйди:— Яххиси менинур... лекин хафа бўлма...

Уйга алламаҳалда етиб келдик. Отам йўл-йўлакай тўхтаб, бир нималар демоқчи бўлар, судраб бўлса-да, уни юришга мажбур қилдим. Бир амаллаб уйга етиб келдик, ўрнига ётқизишим билан у ухлаб қолди.

Эрталаб отам ҳам, мен ҳам бўлиб ўтган воқеа ҳақида оғиз очмадик, бир-биrimизга қарамасликка ҳаракат қилдик.

Отам олдимизда ноқулай аҳволга тушиб қолганди. Чошгоҳгача уйда ўтиrsa ҳам, биздан ўзини олиб қочарди. Иккимиз ёлғиз қолганда, Сома:

— Отамга бир гапириб боқ, ичишга ўрганиб қолгандан кейин, қайтариш қийин бўлади,— деди.

— Бунинг фойдаси тегармикин?

— Сеи хоҳламасанг, ўзим гаплашаман.

— Майли, бироқ фойдаси йўқ,— дедим отамни тергашдек ноқулай аҳволдан қутулганимга шукур қилиб.

Отамнинг ичиш сабабини билганим учун, уни бу йўлдан насиҳат билан қайтариш қийин эди. Лекин ўша кунги воқеадан кейин отамнинг йўқ бўлиб кетишлари анча камайди. Орадан бир-икки кун кейин уйдан жилмай қўйди. Бундан хурсанд бўлган Сома бир куни менга:

— Кўрдингми, отам менинг гапимга кирди. Сен ишонмагандинг!

Унинг гапига эътиroz билдирамадим. Отамнинг уйда ўтириб қолишига Соманинг гап-сўзлари эмас, балки ундан ҳам муҳимроқ бошқа нарса — пулимизнинг туганлиги сабаб бўлган эди.

— Менга қара, Вильсон, бекорчилик жонингга теккандир-а, бўлди энди. Иш қидириш керак,— деди отам бир куни кечки овқатдан кейин харсанг тошда ўтирганимизда.

— Бу аллақаңон жонимга теккан,— дедим мен.

— Бу ўтиришда Вандурамбадаги ишдан қуруқ қолганимиздек, тағин ҳеч қаердан иш тополмай қолмайлик.

Бир неча кун аввал Вандурамбадаги бир дүкөндор ўзига ёрдамчи қидираётганини эши туувдик. Ўй ўйлаб бўлгунимча, бу ишга бошқа бир одам эга чиқиби.

— Эй, бу иш эмас,— отам башарасини бужмайтириди.— Накидэниядаги плаитацияга бориш керак. У ерга ишчилар керак эмиш.

— Ўзимизнинг плаитацияга боргандан кўра, у ердуруст. Очдан ўлсам ҳам, ўз плаитациямизга бормайман.

— Бўлмаган гапни қўй,— эътиroz билдириди отам.— Мабодо Накиданияда иш тополмасак, қаерга бўлса ҳам борамиз-да! Яшаш керак-ку, ахир. Маданаяка Махата бизга ёрдам берар, дейман.

— Бўлмаса, эртага унинг олдига борайлик.

Эртасига отам Накидания плаитациясининг бригадирларидан Маданаяка билан учрашган экан, у отам иккимизни келгуси душанбадан ишга тушаверинглар дебди. Одамлар олдида яна плаитацияга ёлланиш ала-ми мени қаттиқ қийнай бошлади. Кўча-кўйда кўрганлар албатта биздан кулади. Шулар эсимга тушса, асло уйдан чиққим келмайди. Яхшиямки, Накидания плаитацияси анча нарида. Ишга барвақт бориш учун соат бешларда жўнаш керак эди. Ишдан анча кеч қайтганимиз сабабли одамлар назаридан нарироқ бўламиз.

Душанба куни аzonда отам одат бўйича сутга қайнатилган бўр сиқим гуручни (Сома пишириб берди) будданинг сурати олдига қўйди. Сўнг нонушта қилдик. Бошимга рўмол боғлаб, кўчага чиққанимда энди кун чиқа бошлаган, қуёшнинг илк нурлари том устида ўйнар, ҳали ўт-ўланларга тушмаганди. Субҳидам сукунатини хурмо баргларини шилдиратаётган енгил шабада бузяпган эди. Қалбимни эзаётган ғам-алам ўрнини ҳаяжон эгаллади. Янги ҳаётга қадам қўярканман, ёшларга хос гайрат ва кўтаринки руҳ-ла эзгуликни умид қила бошладим. Ахир, ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ-ку!

Бироқ кўчага чиқишим билан ўзимни ноқулай сеза бошладим. Назаримда одамлар уйнинг деразасидан мўралаб биздан кулишаётганга, бармоқларини бигиз қилиб, бизни кўрсатаётганга ўхшарди. Узоқдан биронта

одамнинг қораси кўриниб қөлса, дарров ерга қараб олардим.

Фақат йўлда учраган одам билан сўрашганимиздагина ердан кўзимни олардим. Менга шуудай туюлди шекилли, учраган ҳеч бир кимса бундай қабиҳликка бормади, ичидা ўйласа-да, сиртига чиқармади. Фақат назоратчининг укаси. Бовитиймуллэда бизга рўбарў келганда гап оҳангини ўзгартирган бўлиб, ачингандек:

— Ий-э... плантацияда ишлашга азм қилганингга анча бўлдими?— деди.

— Бу ишии энди қилаётганим йўқ, ўрганиб кетганман,— деди отам босиқлик билан йўлида давом этиб.

— Орадан анча вақт ўтди, қўлларинг ишга унча қовушмас,— деди. «дўстимиз» ва орқасига ўгирилди, шунда худди мени энди кўргандек:

— Ҳа, Вильсон ҳам шу ерда-ку! Буни қаранглар-а...— деб қўйди.

Шу вақт шартта орқамга ўгирилиб, уйга қайтиб кетмоқчи бўлдим, бироқ ўзимни босиб, плантацияга кетдим.

— Ҳа, мунча ўшшайиб қолдинг, Вильсон!— деди отам афт-ангоримга қараб.— Битта аҳмоқ валдираса валдирати-да. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?! Бир ҳафта гапирав, ўн кун гапирав. Ундан кейин чарчаб, гапирмай ҳам қўяди... Фақат иш жойимизни бир оз олисроқ демаса, бунақанги гап-сўзлар бир пул,— деди отам хўрсиниб.

Ҳақиқатан орадан бир оз ўтгач, одамларнинг биз билан ишлари бўлмай қолди. Мен янги шароит, янги ишга бериллиб кетиб, ҳар хил гап-сўзларни эламай қўйдим. Ишимиз осон эмасди. Устига устак иш соати ҳам узоқ. Маданаяка Махата отам иккимизга кундаков қилдирди. Ҳосил бермайдиган қари каучукни ковлаб ташлаб, ўрнига чой экишмоқчи экан. Эрта аzonдан соат кеч бешгача жазирала сўхтамиз чиқиб илдиз ковладик. Ишдан сўнг плантация ёнидаги анҳорда чўмилардик-да, бир оз нафасимизни ростлаб, уйга кетардик. Йўлда Ураладаги чойхонада бир пиёла чой ичиб, дам олардик. Орадан бирор ой ўтар-ўтмас, отам чарчаб қолди. Шу боисдан яқинроқ плантациядан енгилроқ иш топмоқчи бўлди.

Бор буди-шуднимиздан ажralиб, плантацияда ишласак ҳам кўнглим хижил эмасди. Шу кунгача биз мудом

таҳлика остида яшадик. Чунки, бошда дўконни қўлдан бермаслик учун жонимизни жабборга бердик. Кейин новвойхона машмашаси бошланиб, у бизни адойи тамом қилди. Не ҳасратларда етишган даромад манбаларимиздан бирин-кетин жудо бўлдик. Менга алам қилгани шу бўлдики, тиришиб-тирмашиб қаддимизни росттайлик дедигу одамлар пайимизни қирқишид! Айниқса Пиядаса ҳаммадан ошиб тушдй. Энди тинчлик, ҳеч кимнинг биз билан иши йўқ, бизнинг ҳам ҳеч ким билан ишимиз йўқ. Борига қаноат қилиб, тинчгина яшарканмиз, аввалги таҳлика ва бесаранжом кунларимиз барҳам топиб, осойишта ҳаёт кечира бошладик.

Сома иккимизнинг муносабатимида.. ҳам ўзгача тус олди. Чунончи, эндиги муносабатимизда софлик, табийлик ҳамда оддийлик устун бўлиб қолди. Авваллари қайноқ севгимиз ғам-ғусса ва пушаймон билан ҳамсоя эди. Шахсан мен ўзимни гуноҳкор деб ҳисоблардим. Аммо вақтнинг ўзи машҳур табиб деганларидек, севгимиз кунлар ўтган сайин баҳт ва қувонч рамзига айланана борди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак-да. Биз энди сира тортиимай-нетмай бир-биримизнинг кўзимизга тик қарайдиган бўлдик. Бу қарашимизда на шубҳа, на гуноҳкорлик ва на ҳадиксирашдан ном-нишон ҳам қолмади. Бу боқишлиримиз билан энди бизнинг севгимизга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўғаноқ бўлолмайди, демоқчи бўлардик.

Орадан икки ой ўтди. Бир куни кечқурун, энди ётаман деб турган эдим, отам кириб, олдимга ўтириди. У жиддий бир масала хусусида гаплашмоқчи бўлганга ўхшарди.

— Менга қара, Вильсон! — деб гап бошлади у.— Сен билан бир нарсани гаплашиб олмоқчиман. Давид Гал-Ойдан ўзига иш топганмиш. Ўша ёққа кўчиб кетмоқчи. Ўй-жой бўш қоларкан. Шу сабабдан иккимиздан биримизни уйимизга кўчиб ўтинглар деяпти. Борган еридан қайтиб келгиси йўқ, жойи ёмон эмас. Ярим акр келиб қолади. Мен ўйлаб-ўйлаб сени ўша ерга кўчишингни лозим топдим. Аста-секин ҳовли-жойни тартибга келтирасан. Сўнг ўз номингга хатлаб олишга ҳаракат қиламиз.

— Ахир у жой ўрмоннинг энг овлоқ ери-ку! — дедим капалагим учиб.— Фақат Давидгина ўша ерда туролади.

— Гапинг-ку, тўғри-я! Аммо, менимча уйланадиган вақтинг бўлди, болам. Назаримда Сиядорис Айя, синглисини сенга беришга рози. Бу менга ҳам маъқул тушибди. Аканг билан ҳам гаплашдим. У рози.

Бир оз сукут сақлаб, сўнг дедим:

— Уйланишни хаёлнимга ҳам келтирганим йўқ. Ахир бунинг ўзи бўлмайди, пул керак.

— Пул тўплагунингча қарид кетасан, яхшилаб таннинг ўйлаб кўр. Кеча мен Сиядорис Айяга фолбишига бориб, икковингни юлдузингни кўрсатиб келишини тайинладим. У фол очтириб кўрсин-чи, қани, синглиси билан юлдузингиз тўғри келармикин?

Отамнинг кўнглига ўла индамай қўя қолдим. Аммо қалбимда довул кўтарилди, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Ахир Сома иккимизни — бир-бирига вафодор эр-хотинни ҳеч қандай куч акрата олмайди деб ҳисоблардим ва Сомадан бўлак ҳеч қандай аёл билан яшай олмаслигимга амин эдим. Шу боисдан ҳам отамнинг мени уйлантироқчи эканлиги ҳақидаги гапини эшишиб, ҳузур-ҳаловатимдан ажралдим.

Бир неча кунгача қопқонга илинган жонивордек бетоқат бўлиб, отамни бу йўлдан айнитиш йўлларини қидирдим.

Сома кетайлик, деганида кўнмаганим учун ўзимни сира-сира кечира олмасдим. Ишда ҳам, уйда ҳам бу фикр сира миямдан чиқмади. Бир ҳафтагача отам бу ҳақда гап очмади, назаримда у мени уйлантиришдан айнаганга ўхшагандек туюлди.

Бир куни энди ишдан келиб, чойга ўтирувдик, Сома отамга бир конверт узатиб:

— Буни Сиядорис Айя бериб кетди,— деди жаҳз билан менга қарагиси ҳам келмай.

— Қани, кўрайлик-чи,— деди отам, конвертдан бир варақ қофоз чиқариб.— Мана, икковингизнинг юлдузингиз мос тушипти. Бунаقا мос келишлини заргарга буюортириб ясатиб ҳам бўлмайди. Узинг ҳам кўр-чи!

Мен қофозни отамдан олдим, уни дераза рафига қўйиб, қўлимдаги ичид тугатмаган чойим билан ташқарига чиқиб кетдим. Ишнинг шунчаликка борицинга ўзим айборман. Вақтида отамга, уйланмайман, демадим. Сома нима деб ўйлайди энди? Балки буларни мендан кўргётгандир?

Кечки овқатни егим келмади. Ўринмдан турдим да,

ҳовлига чиқиб, йиғма қаравотга чўзилдим, уйқум келмади. Сўнгги автобус ҳам ўтиб кетди, отам ҳам ётди. Атроф жимжит.

Ярим кечада олдимга Сома келди. Гапирмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эдим, у қўли билан оғзимни беркитиб, шивирлади: «Жим, ука. Фақат бу ерда ёмас»,— деди.

Иккимиз ҳовлининг нариги чеккасига бориб, кўча деворига чиқиб ўтирдик. Ҳар замонда булут остидан чиқиб, хирагина нур тарататётган ой нуриши айтмаса, ҳамма ёқ қоп-қоронфи.

Бир неча муддат индамай ўтирдик. Бирдан Сома қўллари билан юзини беркитиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Йиғлаб туриб тиззамга юзини қўйди. Мен унинг сочларини, титраб турган елкаларини силаб, юпатишга уриндидм.

Охири у йигидан тўхтади-да, ёшдан ҳўл бўлиб кетган юзини менга яқинлаштириб:

— Мана энди, мени ташлаб кетяпсан. Ўзим ҳам шунга лойиқман. Эй худойим...— деди.

Яна қўzlаридан дув ёш тўкилди.

— Йиғлама, ўзинг биласан-ку, мен бу ишни асло қилмайман.

— Толе юлдузи пима бўлади?

— Бу ҳаммаси отамнинг иши. Мен унақа нарсаларга ишонмайман.

Бир оз индамай ўтирди-да, яна йиғлаб юборди:

— Эй худойим. Қанчалар гуноҳкорман-а! Ёлғиз ўзим азоб чекканим етмаганидек, бошқаларнинг ҳам қийналишига сабабчи бўлдим.

Сома қўлларимни тиззасига қўйиб, бармоқ учлари билан алланималарни чиза бошлади. Ҳар замонда булут остида жамолини қўрсатаётган ой шу пайт улкан хурмо билан бананинг шапалоқ баргларини ёритди. Назаримда Сома бир нима демоқчига ўхшарди.

— Биласанми.— деб гап бошлади-ю, яна жимиб қолди.

— Бир пима демоқчимидинг?— деб шивирладим.

У қўлларини бўйнимига чирмади, мен эса савол бериб, уни безовта қилгим келмади...

Эндиликда сўнгги қунлардаги ғам-андуҳ, ташвишу таҳлика ортла қолиб, тинч ва осоишига ҳаёт кечира бошладик. Меҳнатимиз оғир бўлса ҳам, қора қозон қай-

наб турди. Қизиқ, дилим равшан тортиб, ғам-ташвишидан нишон ҳам қолмади. Ҳафсаласизликни йигиштириб, гайрат билан ишладим. Давиднинг ҳовлисини тозалаб, текисладим. Батат экдим, журма ўтқаздим. Орадан бир ойлар ўтгач, кўчиб бордим. Ўзимга қолса-ку сира кўчгим йўқ эди, бироқ отамнинг раъйига қарашга мажбур бўлдим. Отам, юз амри ширини деганиларидек, кўчиб кетишими юзимга айтмаса ҳам, бир неча марта бунга шама қилди.

— Аканг тез-тез келадиган бўлиб қолди, шу боисдан бу ерда ўралашиб юришнинг яхши эмас,— деди бир печа марта.

Бир қуни Сиядорис Айя — албатта отамнинг гапи билан бўлиши керак,— ўша жойга кўчиб ўта қолмайсанми деб қолди. Мен ҳам ҳар хил шубҳаларнинг олдини олиб, тихирлик қилмай қўя қолдим. Отам қувониб, янги ҳовлидаги уйнинг томини ўзи бош бўлиб тузатди, уйни сувади.

— Тихирлик қилма,— деди Сома ҳам,— йўқса отамнинг кўнглига ҳар нарса келиши мумкин. Вақтнинг ўзи машҳур табиб, дейдилар. Нарироқ бориб жўрамиз. У ерга фақат тунагани борасан-да!

Худди шундай бўлди. Янги ҳовлига фақат тунагани борар, қолган вақтим эса отамникида ўтарди. Бир печа кун отам, Сиядорис Айя ва Сома янги жойни тартибга солишга ёрдамлашишди. Ўша кунлар ҳам бир давр экан. Қош қорайгунча ишлардик-да, сўнг уйга овқатлангани борардик. Кечки овқатдан сўнг отам қўшиниларникига чиқиб кетар, шунда Сома иккимиз қолардик. Сўнгги кунларда Сома аввалгига қараганда мулоим, менга анча меҳрибон бўлиб қолганди. Энди у бўлар бўлмасга жизиллайвермасди. Унинг сал тегар-тегмасидан телбаларча менга ёпишадиган одати ҳам йўқолиб, назокатли, иболи бўлиб қолди. Унинг дарди фикри фарзанд кўриш эди.

— Тўнгичимизни севиб-эркалаш менга насиб этармикин,— дерди нуқул гап орасида.

Баъзан ёлғиз ўзим қолган вақтларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар кўз олдимга келарди. Ҳаётимда рўй берган ногаҳоний ҳодисаларга ҳайрон қолардим.

Орадан икки ой ўтди. Мен плантацияянинг Удаламаттага туташган қисмида ишлардим. Соат тўрт яримда ишдан чиқардим-да, йўл-йўлакай Сиядорис Айянинига

кириб, бетель шимиб, у ёқ-бу ёқдан валақлашиб ўти-
рардим.

— Плантациядан энди келяпсанми? — деб сўради Сиядорис Айя бир куни олдига кирганимда. Унинг ажабланганини ҳам, мендан гина қилаётганини ҳам билолмадим.

— Ҳа, бир оз ушланиб қолдим,— дедим.

— Мен уйингга бориб келяпсанми, деб ўйлабман. Аканг келганди.

— Акам бир неча ойдан бери қорасини кўрсатмас-
ди-ку! Анча туармишми?

— Қаёқда дейсан! Келдию кетди. Мен уни айрилиш-
да, машинада кўрдим. Яқинда Ратнапурга кўчармиш.
Қовоқ-тумшуғи тушиб кетган. Бир нарсадан қаттиқ тек-
канми дейман, лоақал бир-икки кун турмаптиям.

— Нимадан тегиши мумкин?

— Ҳайронман, балки менга шундай туюлган-
дир.

Уйга шошдим. Акам бундан уч ой олдин келганида
ҳам яқинда Ратнапурга кўчмоқчиман, деганди. Акам би-
лан Коломбода танишиб қолган бир савдогар, Ратна-
пурда бир иш бошлаганиман, сен ҳам бу ерга ўтиб мен
билин ҳамкорлик қил, деганиш. Акамнинг айтишича,
бу анчагина сердаромад иш эмиш. Бу сафар у биз би-
лан хайрлашгани келипти шекилли. Нега шунча узоқ
дараги бўлмай кетган экан-а?

Сома ҳам, отам ҳам акамнинг келиб-кетганлиги ҳа-
қида индашмади. Ўзим отамга:

— Нега Гунапала дарров кетиб қолди? Буни Сиядо-
рис Айядан эшитдим,— дедим.

— Ҳа, эрталаб келдию, ўтирмай, кетиб қолди. Рат-
напурга кетаётган эмиш,— деди отам.

— Сиядорис Айянинг айтишича, акам хафароқ кў-
ринармиш.

— Сомани олиб кетмоқчиди. Мен йўл қўймадим.
Янги жойда ҳозирдан нима бор унга? Аввал ўзи жой-
лашиб олсин, кейин бир гап бўлар. Шунга хафа бўлган-
дир-да!

Сир бой бермасам ҳам, отамнинг бу ишидан ниҳоят-
да қувондим. Нима бало, акам тўсатдан Сомани Рат-
напурга олиб кетмоқчи бўлипти? Ўзи икки-уч ойда уйга
бир марта келарди. Сома икковининг муросаси тўғри
келмай қолганлигини ўзи ҳам билади шекилли, бунга

унчалик хафа эмасдек кўринарди-ку. Буни Сомадан сўровдим, у:

— Мен не билай?— деди.— Мен билап кетишини шарт, тамом, деди аканг икки оёғини бир этикка тиқиб. Мен эса ўзим билмаган янги жойга тўсатдан бора олмайман, дедим.

— Жаҳли чиқдими?

— Нега жаҳли чиқади? Ростини айтдим-да! Ё кетаверсан бўлармили?

У савол бергандай, қошини чимпиди.

Биз ёлғиз эдик. Шу сабабли саволига жавобан уни қучиб, бағримга босдим.

Орадан бир ҳафта ўтгач, акамдан хат олдим. Мазмани жуда қизиқ эди. Хатида, эрта-индин Ратнапурга кўчмоқчи эканлигини айтибди. Мени бошқа жойда яшаётганингма ниҳоятда хурсанд эмиш.

«Мен аллақачонлар отамга, сенга бошқа жой олиб берниш кераклигини айтгандим,— деб ёзарди у.— Агар Ратнапурда ишларим юришиб кетса, сен ҳам олдимга келишинг мумкин».

Хатнинг мазмунидан акамнинг отамдан хафа бўлганлиги сезилиб туарди. Мен унга, Сомани юбормай отам тўғри иш қилган деб ёзиб, отамдан хафа бўлмаслигини илтимос қилдим. Хатимга жавоб келмади.

Янги ҳовлига кўчиб ўтганимдан сўнг чакалакзорни йўқотиб, ўрнига батат билан хурмо экдик. Уйни ҳам беплаб тузатиб олдим. Ҳамма ёқнинг топ-тоза ва саранжом-саришталигини кўриб, кўз қувонारди. Кечалари қишлоққа кам борардим. Сома иккимиз қоронғида бир-сиirimizning пинжимизга кириб, узоқ сайр қилардик. Шу кунларда гапимиз ҳам, эс-хушимиз ҳам Соманинг кўкрак остида яшаётган митти инсонда эди.

Батат-пишди. Уни териш керак. Якшанба куни отамикига саватга бордим. Йўл-йўлакай қўшнимиз Жиналасани батат теришга ҳашарга айтиб келдим. Сома орқамдан:

— Мен ҳам батат тергани бораман. Ахир менинг ҳам меҳнатим синган-ку,— деб қолди.

— Жиналаса билан бирга бора қол,— деб розилик билдиридим.— Лекин бир оз кейинроқ боринглар. Мен олдинроқ бориб, у-бу нарсани тайёрлай.

Уйга келиб, чой қўйдим. Ташқарига чиққан эдим, узоқдан Соманинг қизил юбкаси билан кофтасига кў-

зим тушди. (Яқиндан бери у сори киймаяпган эди.) Мен сават билан кетмончани олиб, чорбоғнинг нариғи томонига бордим-да, батат экилган қаторни ковлай бошладим. Тупроқ орасидан йирик-йирик оқиши бататлар кўринди. Олдимга Сома келиб, уни териб, саватга сола бошладим. Айниқса йирик бататлар учраб қолса, у жилмайиб менга кўрсатиб қўярди. Қўйқисдан кўзим Соманинг оёқларига тушиб қолди. Тўғифи шишганга ўхшарди. Кейинги кунларда унинг оёқларида шунақа шиш пайдо бўларди-ю, иккчи-уч кунда қайтиб кетарди. Лекин бу сафаргиси аввалгиларидан бошқачароқ сезилди менга ва беихтиёр:

— Оёғингга нима қилди? — деб чинқириб юбордим.

— Кечаке кечқурундан бери шунақа, — деди Сома оёғидаги тупроқни қоқиб.

— Яна батат тераман, дейсан-а! Оёғинг баттар шишиб кетади-ку бунақада.

— Ҳечқиси йўқ. Эрталаб батат қайнатиб, сувини исам, ўтиб кетади, — деди Сома жилмайиб.

Мен эгилиб, маҳбубамнинг оёқларини силадим. Биз томонга келаётган Жинадасани кўриб, қаддимни ростладим.

— Чой тайёр бўлди, — деди Жинадаса. — Қораси кўринди, отанг ҳам келяпти.

— Намунича эрта келяпти бугун? — деди Сома норо-вироқ бўлиб. Шуни дедиую, юра бошлади. • Йўл-йўла-кай:

— Чой дамлай, — деди. Назаримда Сома бир нарсадан чўчиётганга ўхшарди.

Жинадаса иккимиз батат ковляяпган эдик. Бирдан отам ҳовлига қуондай отилиб кирди. У ниҳоятда дарғазаб, қовоғи солиқ, лаблари титрарди. Олдимга келди-да, қаҳр билан:

— Сома шу ердами? — деди.

— Ҳа, шу ерда. Чой дамлайпти.

— Усиз ҳатто бататни ҳам тेरолмайсанми? — деб жаҳл билан хонага кириб кетди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас хонадан:

— Нега келдинг? Яна қорангни бу ерда кўрсам, иккингният хафа қиласман! — деган дағдағаси эшистилди. Отамнинг товушидан ҳатто хона деворлари титраб кетгандек бўлди.

Отамниң камдан-кам бунақа жаҳли чиқаралы. Шунда деч кимни танимае, оғзидан бөди кирис, шоан чиқарди. Нимага бүнчалик жаҳли чиқдийкин-ағ Тұғри, Сома ёлгиз үзі кетмасын керак әді Ахмо шунға ҳам ота гүри қозихонами? Құни-құашылар нима зейні! Сома ииелай башлады. Олдиларата кирмекчи бұлған әлем, отам Сомани олдига есептіб чиққіп қолды, үни қишлоқда башлаб кетар экан, бақырғы:

— Агар чой ичкаларға келса, үзілары қамласпашыны!

Етган илоннинг бешинчи құзаттасынкү учун үниң көча қишлоққа бормадым. Печә кечки оғзатта батат қабынтиб ўтириб, нима бало, отам Сома иккиминшін орамидаги муносабатдан хабардерникан, деб қиберілгенни башладым.

Тунда эшик тақиляб қолды. Очсан, отам.

— Тезда Вәза Ралахамига бор, Соманиң ахволи чатоқ.

Отам билән бирға қишлоқ темен жадалладым.

— Шу маңалда Вәза Ралахами келармиди.

— Үнда, Вәзатта гйт, Соманиң оёқлари шишиб кетибди, ахволи оғир, дегин. Дори берсін.

Вәза Ралахаминиң кета туриб, Соманиң олдига кирдим.

— Ахволларынг қалай?— дедім мен Соманиң олдига бориб.

— Бир оз түзукман,— деди Сома жилмайышга ҳаратқат қилиб.— Куни билән тик оёқда юрганлигим учун шишиб кетди. Бемаңалда докторга борма. Эрталаб борарсан.

Соманиң гапыға кирмай, докторниң кетдім.

Вәза Ралахами келмади. Бемор түгрисінде айтгаптарымни тинглади-ла, қандайдыр суюқ дори билән малхам берди. Эртасига Соманиң авхоли аңа дуруст бўлди, оғининг шиши қайтди, оғрығи ҳам пасайди. Вәза Ралахами кечқурун, Уралага кета туриб йўл-йўлакай бизнисни кирди-да, яна қанақалир дори берди.

Иидинига Соманиң оғриқлари бутушилай қолди, бироқ оғи яна шишли. У аввалидек, уй ишлары билән куйманиб юраверди. Биз ҳам зора опли тузилиб кетен, делик. Шу ҳафта плаитаниядан соят училрини қайта башладым. Шунда кун ботгунча уйда бўлардим. Шона-пиша отамниң олдига кириб, чой ишардим ли, көтмөр чамни олиб, батат ковлагани кетардим. Ҳар сифир

таётганимда, дардан ранги синиққаи бўлса-да, янада чиройи очилиб кетган Сома йирик-йирик бататдан олиб келишимни илтимос қиласади.

Орадан икки ҳафта ўтгач, Сомани иккинчи марта қаттиқ оғриқ тутиб қолди. Ўша куни Пиядаса иккинчи боласини кўкракдан ажратганлиги муносабати билан зиёфат берётган эди. Унинг уйи ҳам, дўкони ҳам байроқлар билан безатилган, Галледан ижарага олган патефонни баланд қўйиб, катта тантанага тайёрланарди. Эрталабдан Пиядасаникига меҳмонлар тўлиб кетди, ҳаммалари қорин дардида, тумшайиб ўтиришарди. У куни Пиядаса келиб, зиёфатга Сома иккимизни ҳам айтиб кетганди. Биз борамиз, деб ваъда бергандик. Буни эшишиб, отамнинг жон-пони чиқиб кетди:

— Бу одам бошимизга озмунча шўриш солдими?! Меҳмондорчиликка таклиф қилишида ҳам бир гап бор. Одамларнинг гапига қараганда, дўконимизни ижарага олмоқчимиш. Шунча қилғилиқни қилиб қўйиб, энди хушомадига меҳмондорчиликка чақириягандир-да!

— Ҳечам хушомад қилмоқчимас у,— деди Сома отамга.— Шу баҳонада биз билан ярашмоқчи. Агар бормай, хафа қилсак, унинг қўлидан ҳар бало келади.

Соманинг гапида жон бор эди. Шу боисдан отам ўйланиб қолди. Охири маслаҳатлашиб, Пиядасаникига отам иккимиз борадиган бўлдик.

Бугун чоршанба бозор куни бўлганлиги учун плантация бошлиғидан рухсат сўраб, бозорга бормоқчи бўлдим. Иккита қопга батат солиб, Вандурамба бозорига олиб бордим. Бир танишимнинг гапига қараганда, ўтган чоршанбада бир фунт батат ўн центдан сотилган экан. Агар бу сафар ҳам шу баҳога сотсан, бемалол ўн икки-ўн уч рупий ишлаб олардим.

Вандурамбадан кечга яқин келдим. Пиядасаникидан ўйин-кулги, қўшиқ овозлари эшитилиб турарди. Анча наридан ўйимиздаги чироққа кўзим тушди. Яқинроқ келсам, ҳовлидан ғўнғир-ғўнғир товушлар эшитиляпти. Отам Пиядаса билан сан-манга бориб қолипти-да, деган хаёлда қадамимни тезлатдим.

— Ана, Вильсон ҳам келиб қолди,— деди Дэниэ Махата мен билан бирга хонага кира туриб. Унинг бир неча ойдан бўён бизникига эйди келиши эди.

Киришим билан Сомага кўзим тушди. У инграб, ка-

равотда ётарди. Тепасида анчагина одам, ораларида Мэлэгода Пиядаса ҳам бор эди.

— Вильсон,— деди отам.— Изингга қайтиб, Вандурамбадаги касалхонадан доктор олиб кел.

— Бўла қол! Соат еттидаги автобусга улгурасан ҳали,— деди Дэниэ Махата ҳам.— Пулинг борми?

— Бор,— дедиму чопганимча автобус бекати томон кетдим.

Мен билан изма-из Сиядорис Айя кела бошлади ва у бўлган воқеани менга сўзлаб берди.

Кечки пайт отам билан Сиядорис Айя икковлари айвонда гаплашиб ўтиришган экан. Бирдан Сома қичқириб юборипти. Бориб қарашса, у ташқарига чиқила-динган эшик остонасида ётганмиш. Бу сафар ҳам худди аввалгидек, нафаси қайтиб, бўғила бошлапти. Олдинги сафар Вэда Ралахами берган дори асқатганди.

Вандурамбадан келган доктор Сомани синчилаб кўрди-да, хавфли ери йўқ, деди. Дори ёзиб берди-да, сешанба куни касалхонага олиб боринглар деди. Мен биратўла дориҳонадан дори олиб келгани доктор билан бирга Вандурамбага жўнадим. Йўлда доктор касали оғир эмас, деб менга тасалли берди. Доктор билан хайрлаша туриб, конвертга солиб ўн рупий узатдим. Аслида беш рупий берсан ҳам бўларди-ю, аммо шояд Сома дарддан фориғ бўлиб кетса деган ниятда ўн рупий бердим.

Дорини олиб, уйга пиёда қайтдим. Қишлоқ жимжит, ҳамма уйқуда. Пиядасанинг меҳмонлари ҳам тарқалнишипти. Сома ухляяпти. Отам айвонда мени кутиб ўтирган экан.

— Менимча, доктор бизни тинччиш учун Соманинг дарди оғир эмас, деган бўлса-я,— деб отам қўлимдан дорини олиб, ерга қўйди.

— Қайдам. Балки, ҳақиқатан ҳам шундайдир. Сомани касалхонага оборинглар, деб бекорга айтмагандир. Тузалиб кетишига кўзи етгани учун шундай деган-да.

— Айтганинг келсин, Вильсон. Шўрлик жуда қийналди-да. Оғриқ тутганда ҳатто гапиролмай қолади-я.

Сешанбагача Сома анча бери қаради. Отам билан уни Вандурамбага олиб бордик. Доктор уни яна кўриб, бошқача дори ёзиб берди. Сома доридан икки шишачасини ичди, бироқ оёғи баттар шишиб, оғриқка кирди.

Нима қилишга бошимиз қотиб қолди. Чунки, шу пайтагача Соманинг дарди нималигини билмасдик.

Европалик докторнинг дорилари фойда бермагаچ, отам уни синегаллик докторга кўрсатмоқчи бўлди. Одамлар бу докторни Катудампада яшайди дейишди. Ҳатто касали ўтиб кетган беморларни ҳам у тузатаркан. Ҳарбат Аййадан автомобилини сўраб олиб, Сомани ўша докторга олиб бордик. Доктор Сомани бод касалига чалинган, деган хulosага келди. Унга ҳам ўн рупий бердик. Ҳарбат Аййага эса автомобиль ҳақига ўн беш руғий тўладик.

Катудампалик доктор гиёҳдан дори тайёрлаб, Соманинг оёғига суртишини буюрди. Бу гиёҳни тополмадик. Уни сотиб олгани Этумалага бордим.

Доктор айтганидек, бу дори Сомани тез тузатар змиш. Беш кундан кейин Сома ўрнидан туриб, у-бу ишларни қила бошлади. Бир неча кундан кейин оёғининг шиши бутунлай қайтди. Буни кўриб, отам иккимизпинг кўнглимиз анча тинчиди: Албатта, касалнинг ўзи бўлмайди. Бечора анча ўзини олдириб қўйди. Илло, кундан кунга дарди ариб, тузала бошлаганлиги учун руҳи анча тетик эди. Сома катудампалик докторининг дорисини ичиб бўлгач, отам бир хумча гуруч олиб докторга миннатдорчиллик билдириш ва бошқа маслаҳатлар сўраш мақсадида унинг олдига борди.

Ўша куни Сома қувватга кира бошлаганидан бери биринчи марта чўмилди. Эгнида янги кофта, оқ сори, соchlари елкаси билан битта. У кўзимга ҳар қачонгидан ҳам дилбарроқ кўриниб кетди. У каравотда ниманидир тикиб ўтиради.

— Буни қара, чиройли чиқяптими? — Сома рўмолга ўхшаш нарсани менга кўрсатди. Қарасам, чақалоқнинг орқаси очиқ кўйлакчаси экан.

— Нима қиласан буни?

— Бу нима деганинг? — деб ҳайрон бўлди Сома, кўйлакчани каравотга ёзиб, текисларкан.

— Элбурутдан кийим тикишнинг хосияти йўқ, дейишади-ку!

— Бўлмаган гап.

Мен каравотга, Соманинг ёнига ўтириб, уни бағримга босдим-да, юз-кўзларидан, қўлларидан ўпа бошладим. Қулоғимни қорнига қўйиб, иккимизни бир умрга боғлаган жажжи инсоннинг юрак уришнин тингладим.

Доктор Сомага бошқа, дори бермапти. Фақат яна бир ҳафта оёғига малҳам суртишни буюрипти. Малҳам тайёрлаш учун керакли гиёхларни Жинадаса териб келди. Мен бир неча кун уйда туриб, сўнг яна ишлаб кетдим. Кечқурун уйга келсам, Жинадаса керакли гиёхларни тайёрлаб қўйипти. Мен аввал гиёхларни эздим, сўнг бир оз сув қўшиб, қўйилгунча қайнатдим. Кечки овқатдан сўнг Соманинг оёғига суртиб, уқалай бошладим.

Кунларининг бирида Соманинг оёғини тиззамга қўйиб уқалаб ўтирган эдим, хонага отам кириб келди. Бу пайтда Сома жилмайиб, менга қараб ўтирган эди. Отамга қарадиму, унинг важоҳати бузуқлнгини кўриб, Соманинг оёқларни пастга туширдим. Отам индамади. Лекин бир оздан сўнг жаҳл билан:

— Вильсон, сен қўллингни у ёқдан-бу ёққа олиб боряпсан, бунинг унчалик фойдаси йўқ-да. Қани нари турчи!— деб, мени қаттиқ туртиб юборди.

Бу туртқидан йиқилиб тушмай деб, ўриндиқни ушлаб қолдим. Отам бўлса, менинг ўрнимга ўтириб, Соманинг сорисини баландроқ кўтарди-да, ҳафсала билан унинг оёқларини уқалай бошлади.

Отамнинг бу қилиғи мени ўйлантириб қўйди. У Сома иккимизнинг муносабатимизни пайқапти шекилли, деган ўйга бордиму, бироқ шу заҳоти бу фикримдан қайтдим. Ўйимга кетдим ва эртаси кечгача отамникига келмадим. Алламаҳалда уларникига кириб келдим. Мени кўриши билан Сома истиқболимга югурди:

— Намунча кеч қолмасанг?

— Нима қипти, ўзим.

— Хечам-да, кечаги воқеага хафа бўлгансан!

— Балки отам бирор нарса сезгандир?

— Қўйсанг-чи,— деди Сома бепарволик билан.— Ўзи сағал хафароқ эди.

Деворга суюниб, кечаги воқеани кўз олдимга келтирдим ва шубҳаланишга бирор сабаб тополмадим. Ҳақиқатан ҳам отам бошқа бирор нарсадан хафа бўлгандир, деган фикрга келдим.

Сома менга тикилиб турди-да, йиғлаб юборди:

— Бу кунимдан кўра ўлганим яхши...

Сомани бағримга олиб, юпата бошладим. Бироқ бу сағар Сома, назаримда, эркалашларимга эътибор бермади.

Кейинги икки-уч ҳафта ичидა ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса рўй бермади. Сома ҳасталик пайтида плантацияга ҳафтада тўрт-беш марта бориб турдим. Энди эса бир кунни ҳам кашда қилмай қатнаяпман. Авансга йигирма беш рупия олганлигим кор қилиб, қаттироқ ишлашгэ жазм қилдим. Яна менин энг оғир ишга — каучукнинг кундасини ковлашга қўйишди. Мен чарчаш нималигини билмай ишладим, чунки нормамни тезроқ бажариб, вақтироқ уйга кетсан, дердим. Хонадонимиздан ғамандуҳ юз ўғирганига ич-ичимдан қувонардим. Бироқ бу осойншта ҳаётимиз узоққа бормади. Сома яна оғриб қолди. Оёқлари шишиб. ҳарсиллай бошлади. Кўп ўтмай бутунлай ётиб қолди. Отам иккимиз таҳликага тушдик, даволашга пул йўқ эди.

Сома бетоб бўлиб ётиб қолганининг учинчи куни мен катудампалик докторникига бордим. Доктор гапларими эшитиб ўйланиб қолди. Ҳаммадан Соманинг чап сёғи шишганлиги уни ўйлантириб қўйди.

— Ҳм... бу яхшия мас,— деди у санскритча ёзилган аллақандай китобни варақлаб.

— Бу сафарги дарди оғирроқ ўтадими, дейман-а?

— Қим билади, дейсан? Аммо китобда ёзилишича, бу яхшилик аломати эмас. Қасаллик бошланганига қанча бўлди?

— Етти ойча.

— Хўш, бўлмаса бундай қиласан. Олдин ёзиб берган дорим бор-ку, ўшандан берасан. Яна, паваттанинг барги, меваси, новдаси ҳамда илдизини қайнатиб, шуни ичирасан.

Докторнинг олдидан тарвузим қўлтиғимдан тушиб қайтдим. Буни фақат отамгагина айтдим. Кечқурун докторнинг айтганларидек қилиб дори тайёрладик. Аввалги сафар Сома дорининг ярмини ичиб бўлар-бўлмас шишлари қайта бошлаган эди. Энди эса, дори тугаллаб қолса-да, оёқларининг шиши бояги-боягича эди.

Яна докторнинг олдига бориб, бошқа дори ёздириб келдим.

— Бемор шу доридан ҳам ичиб кўрсин, агар нафи тегмаса, яна ўйлаб кўрармиш,— деди у.

Докторнинг бу гапидан кейин Соманинг тузалишига кўзим етмай қолди. Отам ҳам хафа бўлди.

— Еримизнинг пулидан пича бор менда,— деди

отам.— Мабодо докторнинг дориси фойда бермаса, яна европалик докторларга кўрсатамиз.

— Сомани Куларатна Махатага кўрсата қолайлик,— дедим мен.

Катудампалик докторнинг кейинги дориси фойда бермади, унинг дарди зўрайиб, аҳволи оғирлашили — иштаҳаси бўғилиб, боши айланадиган бўлиб қолди. Шундан кейин биз касалии Куларатна Махатага кўрсатмоқчи бўлдик. Мен докторга беморнинг аҳволини батафсил гапириб бердим. Сўнг у стетоскопини олиб беморни синчилаб кўрди-да, деди:

— Хавфли ери йўқ. Мен ҳозир дори бераман, бемор шуни ичадию, сан кўр, ман кўр бўлиб кетади. Бироқ, у шундан кейин ҳам тузалмаса, унда бир ҳафтадан кейин ҳузуримга олиб келасизлар.

— Хўп бўлади!— деди отам.

Куларатна Махата анча кўнглимизни кўтарди. Унинг дори-дармонлари не-не беморларни тузатиб юборганилигини эшигандик Уйга қайтаётганимизда бир неча бор Соманинг кўнгли айнади. Балки автомобилда узоқ юргани учун шундай бўлгандир, деб ўйладим. Сирасини айтганда, бизнинг бу галги боришимизнинг ўзи бўлмади. Дори учун саккиз рупия, эллик цент, автомобиль учун қирқ рупия бердик. Ундан ташқари, Куларатна Махатанинг гапи билан Сомага апельсин харид қилдик.

Унинг куканак дорилари ҳам фойда бермади. Илло, бош айланиши бир оз босилди. Яна докторга оборадиган бўлдик. Отамда ҳаммаси бўлиб қирқ рупия пул қосилти. Мен отамга яна докторга обориш кераклигини айтганимда, отам сўнгги чақам қолгунча Сомани докторга боқизаверамиз, деди. Мен ҳайрон бўлдим. Чунки отам пулга маҳкам одам эди.

Доктор бу сафар ҳам худди аввалгидек, Сомани синчилаб кўрди-да, рентгенга тушириш керак, деди. Сўнг укол буюрди.

— Рентген учун ўн беш рупия тўлаш керак,— деди Куларатна Махата тортишиброқ.

Куларатна Махатанинг укол буюрганинга ўзимда йўқ севиндим, чунки яқинда Сиядорис Айшанинг хотини уколдан оёқقا туриб кетган эди. У ҳам оғриб қолиб, ҳадеганда тузалавермагач, мана шу докторга кўреатининганди. Ҳашандан бери уколга шифо манбай деб қарайдиган бўлиб қолгандим. Доктор Сомани оборишини

билан дарров укол қилди. Чоршанбада битта, пайшанбада яна битта укол қиладиган бўлди.

Уйга қайтиб келарканмиз, назаримда Сома анча дуруст бўлиб қолганга ўхшади. У кетаётганимизда чурқ этмаганди, қайтишда ундан-бундан гаплашиб келди.

— Укол оғритса керак, деб ўйлагандим, унчамас, чидаса бўларкан.

— Игнани тиқаётганда оғрийдию, кейин билинмайди,— деди отам.— Оғриғи қолмаса, нима қилиш керак-лигини доктор айтдими?

— Бир парча паҳмоқни иссиқ сувга ботириб, ўша жойга босиш керак экан.

— Уйда паҳмоқ борми?

— Ҳа, бор. Бошқа нарсага олиб қўювдим,— деди Сома менга маъноли қараб.

Отам билан Сома гаплашиб ўтиришганда, мен кенинги иккита уколга пулни қаердан олдик деб ўйладим. Ҳали дори билан автомобилга тўлашга ҳам пул йўқ. Ҳар бир уколга эса ўн рупиядан бериш керак. Бунча пулни топиш учун камида плантацияда яrim ой ишлashing керак. Ҳолбуки олган авансимни ҳали ишлаб узганим йўқ.

Назаримда отам ҳам ана шулар ҳақида бош қотира бошлади шекилли, уйга етгунча чурқ этмади.

Уйга кечқурун қайтдик. Ташқи ҳовлига ўтиб, осто-нага ўтирдим-да, шунча пулни энди қаердан топсак бўлади, деб ўйладим. Соманинг ҳам бунга ақли етиб турганидан, қимматбаҳо дори олманглар, деб илтижо қиласарди.

Яқиндагина ўзимизга тўқ эдик, деб эслай бошладим бенхтиёр. Дўконимиз бўлганда, пулнинг юзи га қараб ўтирмай, фарра-шарра сарфлаб юбораверардик-а. Эндиликда дўконимиз ҳам, тириклик йўлидаги уринишларимиз ҳам басталинка учраб, ер билан яксон бўлди. Сўнгги вақтларда тоғ чўққинидан пастга думалагандик, энди эса чоҳ ёқасига келиб қолдик. Бу аҳволда умид-сизланмай бўладими?! Ана шунаقا қайғули ўйлар гирдобида тўлғанарканман, Соманинг овози фикримни питратиб юборди. Сома деразаси дарёга қараган уйда туради. Қасал бўлиптики, шу уйдан чиқмасди.

— Эртага яна мени Галлега олиб борасизларми?

— Сени эртагаям, инднингаям у ерга олиб борамиз. Докторнинг гапини эшифтадингми?

— Пулимиз йўқ-ку. Яхшиси синегаллик доктордан дери ола қолайлик. У ёққа бориш учун озмунича нул керакми.

— Ҳозир пулнинг бетига қарайдиган вақт эмас! Энг муҳими, соғлиқни ўйлаш керак,— дедим Сомага таскин бериш ниятида.

Ботаётган қуёш нури тушиб турган каравот ҳам, ер ҳам уй билан қўшилиб юракни сиқадиган манзара кашф этганди.

— Эй худойим-ей, қанчалар бетоле эканманки, ҳаммани ташвишга солиб қўйдим-а. Бу кунимдан кўра ўтиб қўя қолсам, мингдан-минг рози эдим.

— Уялмайсанми шундай дегани?— дедим Соманинг соchlарини силаркайман.— Пул учун шунчалар хафа бўлиш яхшимас.

Уша куни кечқурун отам иккимиз, кимдан қарз кўтарсанк бўларкин, деб роса бош қотирдик.

— Шкаф билан печенье идишларини сотмасак бўлмайди,— дедим, отамга ётиғи билан.— Йўқса, Сомани эртага Галлега олиб боролмаймиз.

Унинг гап оҳангидан, ҳозир биз учун керак бўлмаган нарсаларни сотиш ҳам юрагига сиғмаётганини сездим.

— Кимга сотамиз?

— Пиядасага-да, кимга бўларди? У жон-жон деб олади.

Орага сукунат чўқди.

— Балки бошқа одамга шу нарсаларимизни сотиб ол десак қанақа бўларкин?— дедим мен.

— Кимга? Мен Сиядорис Айнадан, галкандалик дўкондордан сўраб кўр, нарсаларимизни олишармиккин, десам, улар керак эмас, дейишибди.

Отамнинг овози титраб кетди.

— Кимга сотишимизнииг нима фарқи бор?— деб бир оз бўлса-да отамга тасалли берган бўлдим.— Пиядаса олса, олаверади-да! Ортиқча даҳмазадаи қутуламиш.

Лекин қалбим бошқа нарса дерди. Гарчи ҳозир Пиядаса биз билан борди-келли қилингга уриниётгани бўлса-да, бизни шу аҳволга солиб, бор буди шудимишади жудо қилган одамга дўконимизда қолган қутган нарсаларни сотишни сира истамасдим. Бирор бошқа иложимиз йўқ, Сомани даволатинига нул керак.

— Сен Вильсон, кечқурун Сиядорис Айнаникига бор.

У Пиядасадан шу нарсаларни олармикин, билиб келсин,— деди отам узоқ жимликтан сўнг.

Пиядаса писқам учирмай, нарсаларимизни оладиган бўпти. Сома ором олаётганлиги сабабли, шов-шув кўтармай, шкафни ҳовлига олиб чиқдик. Сиядорис Айя қийналмасин деб, унинг токчалари билан эшигини ажратиб олдим.

Эллик рупнияга индамай оладиган шкаф ҳамда печене идишларига Пиядаса бор-йўғи ўттиз беш рупия берипти. Сиядорис Айяга пулни бера туриб:

— Кекса бошинг билан оғир шкафни кўтариб келибсан, бундан чиқди, ҳаммалари оғриб қолишибди-да,— деб узиб олибди.

Пулни олдик. Пул деб, хонавайрон қилган одамга бош уриб боришдан ҳам оғир кўргилик бўлмаса керак. Бошимизга тушган мусибатдан қутилиш учун ор-номус ҳамда ғуруримизни оёқ ости қилдик. Қелажакда яна қандай бало-қазолар бизга тиш қайраб турганикин? Назаримда, менга қараганда отам куйиб, адойи тамом бўлди.

Ҳеч кимнинг кўнглига чироқ ёқса, ёримасди. Мен чироқ пилигини паст туширдим-да — Сома касал бўлгандан бери чироқни ўчирмасдик — ерга жой солиб, ётдим. Бироқ анчагача ухломадим. Укол ҳам Сомага ёрдам бермади. Оёқларининг шиши қайтмади. Иштаҳаси йўқ, боши ҳамон айланарди. Унга қараб туриб, юрагим эзиларди. Кўзларидан нур кетди, ранги бир ҳолатда, куни билан чурқ этмай ётарди.

Докторларнинг дориси фойда бермагач, отам фол очириб кўрмоқчи бўлди.

— Дориларнинг ҳафи тегмагандан кейин фолбин ни ма қилиб берарди,— дедим эътироз билдириб.— Буддага чироқ ёқа-ёқа, ундан нима каромат кўрдик?

— Хўш, чироқ ёқсан билан тақдири азалдан қутулиб кетамиз, деб ўйловдингми? Албатта фол очириш керак. Ҳар ҳолда ёмон бўлмайди.

Эртасига эрталаб отам Хинатигаладаги фолбинга кетиб, кечқурун қайтиб келди. Овқатдан кейин эшигларини Сома иккимизга гапириб берди, у фолбиннинг сўзларига ишонибди чоғи:

— Гапни уйимизнинг қанақалигидан бошлиди. Олдимиздан ўтадиган дарёни ҳам топди. Автобуслар қатнайдиган йўлни ҳам, дўйонимиз бўлганини ҳам, ҳатто

новвойхонамизни ҳам аинқ-тиниқ айтса бўладими. Энни-тиб ҳайрон қолдим!

— Менинг касалим ҳақида нима деди?— луқма ташлadi Сома.

— Ҳаммасини топди. Дастраб анча тузалганингни ҳам айтди. Энди менинг айтганларимни қилса, худо хоҳласа, шифо топиб кетади, деди.

Отам Сома иккимизни берироқ келинглар, дели-ла, шивирлаб:

— Ҳаммага, ҳатто Сиядорис Лийага ҳам кўчириқ қиласмиш, деб айтамиш. Чамаси бир ярим йил бурун хона-донимизга алвастилар соя солган эмиш. Уйимиз рўпера-сига, чорраҳага бирор олми амал қилиб, билагузук кўмиб кетганмиш. Шундан кейин бошимизга мусибат туша бошлибди. Соманинг оғриб қолиши ҳам шундан экан. Буна ким қилиши мумкин-а? Яхшиям хунукроқ фалокат юз бермади! Бунинг олдини олиш керак, эртага нима бўлиши бизга қорони.

— Буни ким қилиши мумкин?— деди Сома.

— Шуни сўрай деб, энди оғиз жуфтлаган эдим. фолбиннинг жаҳли чиқиб кетди. Менинг ишим қаромат қилиш, ёмонликнинг олдини олиш, ким қилган, ғазон қилган, уни ўзинг топ, деди. Фолбин айтмага ёзсан ҳам, ким қилганлигини биламан.

— Буни Дэниэ Махатадан бошқа ҳеч ким қўлишибди,— деди Сома.

— Йўғ-э, Дэниэ Махата унақа одам эмас. Глантация назоратчиси билан Пиядасадан келади бунақа иш. Энди қўрқмасак ҳам бўлади. Амалинг қаерга кўмилганини билдик, бу ёғига ўйлаб иш қилишибди керак.

Мен отамнинг гаўларига уччалик ишонмадам. Сема билан унинг фолбинга ихлоси яшада оғриб кетди.

— Энди ким амалии олади? Буни ўзасданоларми?— сўради Сома.

— Мен, эски плантациядаги лўзи осада деган эмиш, бу гапим фолбинга ёқмади. У цоим ячно көрарханаш, бислок одамлар бунақа иниларни қилинмайди. Шундай сўнг дангалалик лўлиларни айтган эдим, ох фанни маъқул тушиди. Эртагиди у орга борни, ахъънларек яхши келиш керак. Орқаги суринминг хонигина ишҳа ўзига кимга билдиришганлир. Кўнгрик қўлинишни ўзга қўниш қиласмиш, хўймиш?

Эртасига отам Даңгалага кетди. Тўлни ой кечасига-ча бу кор-ҳолни ўтказмоқчи бўлдик.

Отам уларни жума кунига, яъни ўн бешинчи числога айтиб келипти. У ўша куни Удаламаттага, Сиядорис Айя олдига бориб, бизга қарашиб деб уни ҳам айтиб келди. У ердан анча кеч қайтди. Роза чарчабди. Менинг ёнимга ўтирди-да:

— Ўйлаб ўйимнинг тагига етолмаяпман. Кўчириққа пулни қаердан оламиз? — деди.

— Қанча керак?

— Лўлилар эллик рупия берасан, дейишяпти. Камига кўнишмади. Яна у-буға йигирма-йигирма беш рупия керак бўлади. Ҳаммаси бўлиб, саксон рупия кетар. Шунча пулни қаердан оламиз? Балки плантация бошлиғи қарз бериб туар? — деди отам бир оздан сўнг.

— У сафар зўрга берувди. Ҳали бу пулни ишлаб узганим йўқ-ку.

— Балки Сиядорис Айя бериб туар? Сўраб боқмадингми?

— Узи сариқ чақага зору! — деди отам. — Аммо пандуралик күёви бадавлат одам. Қуёвингдан юз рупия қарз олиб бер, десам нималар деди дегин-а? Қуёвим қарзга бир тийин ҳам бермайди. Бироқ уй-жойингни менинг номимга гаровга қўйсанг, ҳатто уч юз рупий ҳам бериши мумкин, дели. Бошимга тоғ ағдарилгандек бўлди. Кейин Айя сипоришга ўтиб, пул топишнинг осон йўли шу-да, деса бўладими.

— Унинг шундай деганига ҳеч ақлим бовар қилмайди. Ахир у доим оғиримизни енгил қилиб, кўмаклашиб юарди-ку!

— Эҳ, Вильсон, — деди хўрсиниб отам. — Ҳозир ҳамма ўзим бўлай дейди.

— Ҳа, бу галинг тўғри, — дедим мен ўйлаб туриб.

— Онангдан қолган нарсаларни гаровга қўямиз, — деди отам. — Бўлак иложимиз йўқ. Пул топсак, қайтариб олаверамиз.

Отам, мени кўнмади, деган хаёлга бормасин дедимда, шоша-пиша:

— Начора, бўлак иложимиз бўлмагандан кейин, шундай қилишга мажбурмиз, — дедим. — Қимга гаровга қўямиз?

— Дэниэ Махатадан бўлак кимга бўларди? Пул топсак, истаган вақтимизда қайтариб олаверамиз.

— Бизни шунчалар хўрлаган одамга яна бўйин эгамизми?

— Нима қиадик энди, Вильсон? Пешапанизга ёнигани шу экан.

Дэшиэ Махата онанинг икки юз руния туралиган зеб-зийнатларнига саксои руния берди. Отам уларни қадрлаб, тишининг ковагида сақлаб келарди. Умриди бир марта, онам қаттиқ бетоб бўлиб қолганини дорига пул тополмай, гаровга қўйганди-да, тезда қайтариш олганди.

Кўчириқ белгиланган муддатга ҳали бени кун бор эди. Биз ўзаро келишиб, Соманинг мазаси йўқ, шунга кўчириқ қилмоқчимиз, деб овоза қилдик. Тайёргарлик ишларини Сиядорис Аййа иккимиз олиб бордик. Икки кун ўрмонга қатнаб, бамбук поя ҳамда чирмовуқнинг илдизи билан повдасини олиб келдик. Дангаладаи беш киши келди. Уларга овқатни Сиядорис Аййанинг хотини қилладиган бўлди.

Кўчириқ кечки пайтдан то эртасига эрталабки ўнларгача давом этди. Кўчириқнинг энг зўр пайти эрта билан соат тўққизларда бўлди. Асосий вазифани бажарувчи лўли қўлида қовоқ дарё қирғоғига чиқди. Дарёга сакраб тушди, уч марта қичқирди-да, қовоқни иккига бўлиб, сувга ташлади, икки налла қовоқ сув юзига чиққунча ўзи шоша-пиша қирғоқча чиқиб олди.

Қовоқ паллалари қип-қизил эди, буни кўриб, ҳайратда қолдим, отам бу амалнинг кучи деди менга.

Кўчириқ қилганимизга орадан тўрт кун ўтгау бўлса-да, Соманинг аҳволи ҳамон ўша-ўша эди. Иштаҳаси йўқ, оёқлари гупчакдек шишиб кетган. Синегаллик доктор буорган доридан яна бера бошладик. Бу орада Дэйандара ибодатхонасида руҳоний ҳаким бор эмиши, деб эшишиб қолдик. Шу заҳоти бир бойлам бетель, хурмачада сут олиб ибодатхонага бордим. Кечқурун алла маҳалда автомобиль кира қилиб, руҳонийни олиб келдим.

Руҳоний Сомани синчиклаб кўрди-да, бу бодининг асорати, деди.

Сўнг аллақандай ичадиган дори берди ва оёқларига ҳўл латта босиш керак деди. Мен руҳоний билан бирга кетиб, ичадиган кулчача дори олиб келдим.

Сома оғриб қолганидан бери янги ҳовлимга бормай, шу ерда тунаб юрдим. Ҳеч қачон ҳозиргидек пулга муҳтож бўлмагандик. Сомани даволатиш учун пулни ё бирон нарса сотиб ёки гаровга қўйиб топардик. Кейинги вақтларда отам ишга бормади. Мен ҳар куни плантацияга қатнаб турдим. Шу сабаб бўлиб тирикчилигимиз амаллаб ўтиб турди. Сулининг уни аралаштирилган сут кукунининг ўзига анча-мунча пул кетарди. Бунинг устига эчки сутни ҳам олардик. Соманинг иштаҳаси йўқ эди. Эчки сутини Сиядорис Айя топиб келарди.

Энг ёмони, Сома сира бери қарай демасди. На европалик, на синегаллик докторлар унинг касалини аниқлашомлади. Агар дэйандаралик руҳонийнинг дориси ҳам ёрдам бермаса, унда нима қилдик? Биз фақат шу ҳақда бош қотирадик, холос.

Сома кундан-кунга сўлиб борарди. У куни билан чурқ этмай ётар, бирор нимани сўраб қолсак, ё «ҳа», ё «йўқ»дан нарига ўтмасди. Баъзан, иккимиз ёлгиз қолган кезларда, қўлидан ушлаб, сочини силасам, кўзларида ёш ўйнарди.

Бир ҳафтада Сома руҳоний берган дориларни ичиб бўлди, бироқ аҳволи ўзгармади. Буни руҳонийга айтган эдик, у яна суюқ дори билан кулчача дори берди. Уч кун шу доридан исчин, тўртинчи куни совуқ сувда чўмилтиринглар, деди. Руҳонийникидан қайтишим билан Сомага дориларни ичирдик. Эртасига Соманинг боши қаттиқ айлана бошлади, индинига янада зўрайди. Отам, чўмилганидан кейин, албатта тузалиб кетади, деб қаттиқ ишонарди.

Тўртинчи куни Сомани совуқ сувда чўмилтиридик. Тузалиш ўрнига, у эти увушиб, титрай бошлади. Учраган нарсани устига ташлаб, ўраб қўйдик. Манқални уйга олиб кирдим. Шундан кейин унинг аста-секин титрофи босилдию, қорнида қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Тунга бориб дарди янада зўрайди. Бечора ётган ерида инграб, тўлғанарди. Эсанкираб қолган отам мени доктор Вэда Ралаҳаминикига юборди.

Зинғиллаганимча докторникига бориб, овозим борича чақирган эдим, доктор уйидан ўқдек отилиб чиқди. Мен воқеани унга айтдим. Тезда бизникига шошилдик.

Кутилмаган бу оғриқ докторни ҳам ўйлатиб қўйди. Унинг фикрича, Соманинг туғишига ҳали анча бор

эмниш. Ҳар эҳтимолга қарши мени дояга юборди-да, ўзи беморнинг тепасида қолди.

Тунги соат тўртларда Сома бир оз кўзини очи. Вэда Ралаҳами эрталаб уни Галадаги касалхонани олиб боринглар, буинг имкони бўласа, Мудурамматин доктор чақиринглар, деди. Бунидан Соманинг аҳволи оғир эканлигини билдик. Биз уни Галадега олиб борни ни истамасдик. Вэда Раҳахами кетсан, отам иккими докторга тўланалиган цусин қаердан оламила, деб роса бош қотирдик. Отам, менга яна наангацсанда ҳарси сураб кўр, деди. Бирор нарса чиқинига ақим оғмаса да, кўндиш. Бошлиқ Вижесинҳа Махатаникига борар экан ман, мушкулимни ўзинг осон қал, деб худога истижко қилдим. Мен уига оиласиз бошнiga тушган баҳтешаник ҳамда Сома чекаётган азоб-уқубатларни йигитламоқдан бери бўлиб айтиб, ундан ёрдам берашини истиғомс қилидим ва ўла-ўлгунимча бу қилган ҳашилтигинги унугумайман деб ёлвордим. Бу гапларимга тош эриса эртирдики, аммо Махата юмшамади. У ўтган сафар сенга плантация кассасидан эмас. ўз ҳамёнимдан йигирма беш рупий бергандим, деб пичинг қилди. У кетаётган вақтимда қўлимга беш рупий қистирди-да, фалокатларинг ариб, ишларинг юришиб кетсан. Мен ҳам аҳволларингга ачиняпман, сенларга қийин бўлти, деди.

Отам қуруқ келганларимни кўриб, қаттиқ хафа бўлди.

— Энди нима қилдик? — деди у бошини чанглаб.— Лсақал сен Вэда Раҳахами вазъда қилган дориларни олиб кел. Мен яна бирор чора ўйлаб топгрман.

Капалагим учиб кетганидан, бир кечгию бир кундуздан бери юурсам ҳам, чарчаш эсимга келмасди. Вэда Раҳахаминикига кетдим. Қайтиб келсан, отам остоиада мени кўриб:

— Тезроқ докторни олиб кел. Дориларни қўи турҳозир,— деди. Дэваранинг велосипедини сўраб олдим.

— Яна аҳволи ёмонлашлими?

— Ҳа, жуда қийналяпти.

— Пул топилдими?

— Топдим. Дэниэ Махатадан икки юз рупий қара олдим.

Гарчи Соманинг аҳволи ёмонлашайтган бўлса да, нул топилганига хурсанд бўлдим. Бонимизга шундай

огир мусибат тушганда, бизга ёрдам берган Дэниэ Махатани ўла-ўлгунимча унутмайман, дедим.

Удугамалик доктор соат ўн бирларда келди. У Соманинг олдида ўтирган одамларни ташқарига чиқариб юборди. Касални синчилаб кўргач, шприцларни қайнатгани сув сўради. Уколдан сўнг Сома ухлаб қолди. Шунда доктор мен билан отамга аста:

— Бемор уйғониши билан дарҳол Галледаги касалхонага олиб боринглар, шофер машинани астароқ ҳайдасин,— деди.

— Аҳволи ёмонми, жаноб? — деди отам.

— Қасали анча жиддий, уйда даволаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам касалхонага олиб боринглар деяпмада. Уйғонгач, манави кукун дорини берарсиз.

Мен иккита ўнталикни қоғозга ўраб, докторга бердим. Доктор кетиши билан Удаламаттага, Харбат Айяндан машина сўрагани кетдим. Бахтимизга машина бўш экан. Йўл-йўлакай Сиядорис Айянанинга кириб, Сомани касалхонага бирга олиб борайлик деб, қайнанасидан илтимос қилдим. Дэниэ Махатанинг хотини касалхонага олиб кетиладиган у-буни тайёрлади. Сўнг уйидан янги ёстиқ билан тоза сочиқ олиб келди. Мен бундан миннатдор бўлиб: «Бу яхшиликни ўла-ўлгунимча унутмайман», — деб қўйдим.

Сома уйқудан анча дуруст турди. Уни орқа ўриндиқ-қа ўтқаздик. Бир ёғига Айянанинг қайнанаси, бошқа ёғига эса отам ўтиреди. Мен шоферининг ёнидан жой олдим.

Кундуз соат бирларда йўлга тушдик. Машина жойидан қўзғалиши билан отам: «Эй худо, бандангга ўзинг раҳм қил» деб қўйди. Менинг бўлса ичимга чироқ ёқса ёrimас, «Галледа нималар кутяптикин бизни? Уйга бекаму кўст қайтармикинмиз?» деган ўй миямда чарх уради.

Сомани биз Галледаги марказий касалхонага олиб келдик. Бу ерда ишлайдиган бир ҳамшира отамнинг таниши экан. Отам керакли хат-ҳужжатларни тўғрилагани ичкарига кириб кетди, биз машинада қолдик. Бир оздан кейин отам ўша таниши билан чиқди. У бизга Сомани бош врачга кўрсатиб, қофоз ёздириб олинглар, деди. Шундай қилинса, докторлар bemorga алоҳида

эътибор билан қарашармиш. Бунинг учун бош врачга йигирма беш рупий бериш керак экан. Бош врач, палаталарни айланиб юрган экан. Соат иккиларга бориб, Соманинг икки қўлтиғидан олиб, хонасиға олиб кирдиқ. У беморни кўриб, қоғоз ёзиб берди. Сўнг қабулхонага ўтдик. Бу ерда Сомани ғилдиракли креслога ўтқазиб, бошқа врачга олиб кетиши, у қоғозни кўриб:

— Нима қылди бу кишига? — деди стетоскопини қўлига олиб.

Биз унга ҳамма гапни айтиб бердик. Врач гапимизни эшитгиси келмасди. Қўққисдан:

— Хотинингми? — деди отамни бармоғи билан нуқиб.

Отам довдираб қолди, мен тезда «йўқ», деб жавоб бердим. Сўнг врач яна бир нечта савол бериб, қоғозга алланималарни ёзди-да, ёнида турган ҳамширага: «Ўн учинчи палатага», деди. Ҳамшира креслони итариб кетди, биз ҳам унинг ортидан юрдик.

Сомани ётқизган палатада яна ўн киши бор экач. Унинг олдида фақат Аййанинг қайнанасини қолдиришди. Отам иккимиз шу палатанинг деразаси қараган ўтлоққа бориб ўтирдик. Бу ерга касалхонанинг кирлари ёйилар экан. Бунда бир нечта дараҳтлар ҳам бор эди. Биз бир дараҳт тагига ўтирдик. Касалхонага келганимда бир оз кўнглим жойига тушган эди. Палаталар билан беморларни кўриб, кўнглим яна хижил бўлди. Орадан бирор соат ўтгаҳ, врач келиб, Сомани кўрди. Буни биз деразадан кузатиб турдик. Врач палатадан чиқиб кетгач, отам ўрнидан турди-да:

— Юр, Вильсон, энди хотиржам бўлдим. Сомага бу ерда яхши қарашади, — деди.

— Ҳа, нима бўлғандаям, уйдан кўра бу ер тузук, — дедим мен.

— Мен шу ерда тунаб қоламан, Вильсон. Сен уйга бор. Соат етти яримдаги автобусга улгурасан. Қишлоқда бизни кутавериб Сиядорис Аййанинг кўзи тешилгандир.

Ўйга соат ўн бир яримда кириб келдим. Дарҳақиқат Сиядорис Айя айвонда бизни кутиб ўтирган экан.

— Хўш, ишлар қалай? — деди у мени кўриши билан.

— Сомани касалхонага ётқиздик. Ҳозирча аҳволи дуруст.

— Йўлда қийналмадими?

— Йўқ, йўлда яхши кетди. Ҳатто бир оз кўзи илинди. Врачлар жуда яхши қабул қилишди.

— Хайрият, худо хоҳласа, кўрмагандек бўлиб кетади. Врачлар нима дейишди?

— Ҳеч қайсисини кўролмадик. У ерда тартиб-қонда бошқача экан. Ҳадеб гапиравергани одам чўчирикан.

Сиядорис Айя уйидан овқат олиб келган экан, овқатландик. Сўнг ётмоқчи бўлдик. Назаримда уй одамни ютиб юборадиганга ўхшарди. Шундай бўлса-да, кўнглим анча енгил тортди. Ўриндә анча вақтгача гаплашиб ётдик.

— Гунапалага тёлеграмма юбордингларми? — сўради Сиядорис Айя.

— Галлега кетаётганимда, Кидиканддан телеграмма жўнатдим. Балки ҳозир у Галлега келгандир.

— Нима деб телеграмма бердинглар?

— Сома қаттиқ касал. Уни Галледаги касалхонаага ётқиздик, дедим.

— Ҳа, телеграмма юборганинг яхши бўпти.

Бир оз сукутдан сўнг Айя:

— Отанг пулни қаердан топибди? — деди.

— Менимча, Дэниэ Махатадан икки юз рупий қарз олганга ўхшайди.

— Бугун Эманис олдимга келиб, отанг ерини гаровга қўйганини айтди.

— Йўғ-э, ундан бўлса, буни отам менга айтарди-ку. Бундан чиқди... —

— Ҳа-я, менга ҳам айтарди. Бундан чиқди, Эманиснинг гапи ёлғон экан-да.

— Ерингиз яхши жойдада ўзиям. Агар отанг ерини гаровга қўядиган бўлса, мен жон-жон деб олардим. Буни бирда унга айтувдим. Агар куёвим эшитиб қолса, шу заҳоти тўрт юз рупий санаб беради. Лекин, отанг мендан bemаслаҳат бу ишни қилмаса керак. Ҳеч нарсадан ҳеч парса йўқ, Дэниэ Махатадек одам шунча пулни берганига ҳайрон қоляпман. У бирор нарсанинг илинжида бўлмасин тағин?

Мен Сиядорис Айянинг гапларини эшитиб, ҳайратда қолдим. Наҳотки отам еримизни гаровга қўйган бўлса? Агар қўймаган бўлса, нега. Дэниэ Махата шунча пулни бердикин? Ҳаммадан ҳам Сиядорис Айяга ҳайрон қолдим. Ўзини бизга яқин тутган одам бошимизга мусибат тушганда қайси юзи билан шу гапларни айтяп-

тикин-а? Балки у ҳам еримиз илинижиде пайт пойлаб юрган бўлса-чи?

Бошим айланиб, фикрим чувалашшиб кетди. Эртага Галлега борганимда албатта буни отамдан сўраб биламан, деб кўзимни юмдим.

Эрталаб уйғонсам, кун чиқипти. Нарин-вери юшиниб, соат олтидаги автобусга чиқдим. Соат тўққизларда Галлега етиб бордим. Отам саросимага тушиб касалхона дарвозаси олдида турган экан. Юрагимни ҳовучлаб, унинг олдига бордим.

— Ха, Соманинг аҳволи ёмонми?

— Ёмон. Эрта билан янада аҳволи ёмонлашди. Уколдан кейин ухлаб қолди.

— Олдида доктор борми?

— Доктор йўқ эди. Ҳамшира унга бир неча маротаба телефон қилганидан кейин, у келди. Ҳойнаҳой, Гунашала телеграммани кеча олгандир. Үнда нега шу вақтгача дараги йўқ-а?

Отам турган ерида қолди. Мен ичкарига кириб кетдим. Сома ухлаб ётган экан. Ҳамшира «Беморни уйғотманг» деди. Бирпас турдим-да, сўйиг кечада отам билан ўтирган ўтлоққа чиқдим.

Сояда анчагина одам ўтиради. Менинг ёнимга бир аёл билан иккита эркак келиб ўтиреди. Уларининг кўзлари ёш, бир-бирлари билан шивирлашиб гаплашишарди. Гапларидан яқин одамлари ўсал бўлиб қолганлигини билдим.

Сома соат иккилардан кейин уйғонди. Унга апельсин шарбати буюришган экан, топиб келдим. Кечга бориб у анча енгил тортди, икки стакан шарбат ичиб, мен билан бир оз гаплашди.

Гунашала бугун ҳам келмади. Отам иккимиз шу ерда тунайдиган бўлдик. Тинчлик бўлса, эрталаб уйга кетмоқчи бўлдик.

Қасалхона қошида ироқдан келганлар тунайдиган алоҳида хона бор экан.

Ўша хонада кечадан бери мени қийнаётган масала ҳақида гап очдим.

— Ота, Эманис Сиядорис Айнага, Вильсонлар ерини гаровга қўйишганмиш, депти. Шу гап ростми?

— Бўлмаган гап,— деди отам ажабланиб.— Одамлар оғаига келган насрани вайсайверар экан-да? Тўғри,

қарзга икки юз рупий олдим. Энди қачон келасан?— деб сўради у бир оз жимликтан кейин.

— Инднинг,— дедим мен.

— Тоза соримни олиб кел... Эй, худойим, ишқилиб, Сомага ўзинг шифо бер!

Тун тинч ўтди. Шу сабабли эрталаб қишлоққа жўнашим. «Нега Гунашала келмадийкин,— деб хавотирлаша бошладим.— Ё бирор нимадан шубҳаландимикан? Балки келишга эринигандир?»

Соманинг касалхонага кирганига тўрт кун бўлди. Ҳар куни олдига қатнадим. Отам индамаса, жон деб ўша ерда тунаб қолардиму, бироқ у ютаман, деб ҳувиллаб колган ҳовлига кет, деб мени мажбур қиласарди.

Сома анча тузалиб қолди. Бешинчи қуни доктор бизга, қўрқманглар, энди тузалиб кетади, деди. Бироқ бир ҳафта ўтгач, яна қаттиқ оғриқ тутиб қолди. Мен касалхонага соат тўртларда келдим. Палатага кирмасимдан бирорининг қаттиқ инграётганлиги қулоғимга чалинди. Юрагим орзиқиб кетди. «Сома бўлса-я»— деб палатага отилиб кирган эдим, Сома ётган каравотининг олди тўсиб қўйилипти. Отам кўринмади. Сомага қараб турадиган ҳамширанинг айтишича, оғриқ эрталаб бошланған ҳан, ҳалиям босилмапти.

— Докторнинг тахминича, муддатидан илгари тўлғоги тутаётган эмиш. У келиб иккى марта кўриб кетди-ю, аниқ бирор нарса демади. Бош врач олдига бориб, илтимос қилинг, келиб кўрсин. Отангиз кетган эди, неғадир шу пайтгача дараклари йўқ.

Ўзимни маҳкам тутиб, тўсиқ орқасига қарадим. Сома ўрнида тўлғанар, кўзлари бежо эди. Мени танимади. Касалхонадан чиقا бош врачникига чопдим. Қулоғимга ҳеч нарса ҳирмай, кўзларим тиниб, зинфииллаб борарканман, дарвоза олдида турган отами кўриб, бир оз ўзимга келдим.

— Мунча ҳовлиқмасанг?— деди отам тундлик билан.— Врач уйида йўқ. Нима қилдик энди, Вильсон. Шўрлик эрталабдан бери қийналяпти, одам танимайди. Ҳалиям ўзига келмалтими?

— Ҳа, аҳволи оғир. Мени бу ерга ҳамшира юборди.

Биз бош врачнинг уйи олдидаги манғо дарахти остида кўзимиз тўрт бўлиб, уни кутдик. Ўтиб кетяпган ҳар бир автомобильга умид билан қарадик. Бир вақт битта автомобиль биз томонга бурилиб, дарвозадан ичкарига

кириб кетди. Мен машина кетидан ҳовлига кирдим-да, зора докторнинг кўзи менга тушса, деган ниятда бир чеккага бориб турдим. Доктор ҳатто менга эътибор ҳам бермай, уйнга кириб кетди.

— Қиринглар бу ёқса. Жаноб ҳозир чиқадилар,— деб хизматкор айвондан туриб бизга жой кўрсатди.

Ярим соатдан ортиқ бетоқат бўлиб кутдик. «Зорилаб келганимизни сезгандириу сал-пал шошса-чи. Қорпи тўқнинг қорни оч билан нима иши бор, деб шуни айтарканлар-да! Ҳа, тўнғиз-а!» Оғзимга келган сўзни қайтармай роса сўқдим. Доктор оstonада қўриниши билан отам унга йигирма беш рупий солинган конвертни узатиб, келишимиз сабабини айтди.

— Яхши, яхши,— деди ижирганиб бош врач, отам сўзини тугатиши билан.— Қечқурун бориб кўраман. Тўғри меникига олнб келавермабсизлар-да! Қечгача кўзи ёримаса, унда операция қилиншга тўғри келади.

— Операция дейсизми?!— деди отам қўрқа-ниса.

— Аввал бориб кўрай-чи, сўнг маълум бўлади,— деб у уйнга кириб кетди.

Биз касалхонага қаловланиб етиб келдик. Йўл бўйи отам:

— Худованди карим, бандангга раҳминг келсин...— деб келди.

Менинг эса чурқ этишга мажолим келмасди. Операция хавфи менин адойи тамом қилди. Қасалхонага қелганимизда, отам:

— Почтага югуриб бориб, акангга яна телеграмма бер,— деди.

Почтага бориб, бир жанобдан таомилга мувофиқ инглизча телеграмма ёзиб беришни илтимос қилдим. Телеграммани жўнатиб, изимга қайтдим. Келсан, отам Сома ётган палата олдида турарди.

— Бош врач келиб кўрди. Агар соат ўнларгача бери қарамаса, операция қилишармиш.

Сомани кўрмоқчи бўлган эдим, ҳамшира қўймади. Ҳовлига чиқсам, отам аллаким билан гаплашиб турган экан. Ҳаёл қурсин, Сиядорис Аййани танимапман-а.

— Ия, Сиядорис Айя келипти-да!— дедим улар олдига бориб.

— Ҳа, келиб нохуш хабар эшилдим. Қачон операция қилишармиш?

— Соат ўндан кейин.

- Худо шифосини берсин. Мени бу ерга Дэнэ Махата юборди. Ўйингизнинг калитини сўраяпти.
- Уйниизда нима иши бор экан? — дедим мен.
- Баъзи нарсаларини қўярмиш.
- Қўяверсин,— деди отам.— Қарздор бўлганингдан кейин, ҳамма нарсага қўнаркансан киши.

Отам Айянни бир четга олиб, алланималарни шивирлашиб гаплашишди.

— Ҳўп, мен энди борай,— деди Сиядорис Айя, менга бир нечта апельсин бериб «Сомага олиб келувдим» деди-да, кетди.

Сиядорис Айяннинг қораси ўчар-ўчмас, ҳамшира қўлида қофоз, югуриб чиқди.

— Мана рецепт. Тезда дорихонадан мана шу дорини олиб келиш керак. Ҳозироқ.

— Қанча тураркан? — деди отам.

— Үн етти руппийю эллик цент. Кечиктириманглар.

— Бор, Вильсон, тезроқ бор. Аптекани сен биласан.

Отам менга рецепт билан йигирма руппий берди. Ҳамширанинг айтишича, шу дорини исча, ҳомиласи тушмасмиш.

Бу дорининг ҳам нафи тегмади. Соат тунги ўн иккита Сомани операция хонасига олишди.

Сомани носилкада олиб кириб кетганларини ҳам қўркув, ҳам умидворлик билан кузатиб турдик. Орқама-брқа операция хонасига бордик. Хона эшигини бекитганларнда қай ахволга тушганимни тавсифлашга тил ожиз. Сомани қайта қўрмасам-а, деган хунук хаёлга бордиму, бошим гир айланиб кетди. Бир неча муддатдан кейин ўзимга келдим.

Қизил лампочка ёнаётган операция хонасида қабр тинчлиги ҳукм сурарди. Эшик яқинига бориб, тирқишидан мўраловдим:

— Нега бу ерда ўралашяпсан,— деди менга ҳамшира.— Операция ҳали-вери тугамайди. Операциядан сўнг беморни палатага ётқизадилар, шунда кўраверасан.

Ташқарига чиқдик. Отам шу яқин орадаги скамейкага чўкиб, бошини ҳам қилди. Мен эса бир дараҳтнинг юзага чиқиб қолган илдизига ўтириб, танасига суюнди. Бирор нарса ҳақида ўйлаш юрагимга сифмас, қоронгиликка тикилиб ўтиравердим. Касалхона денизига яқин бўлганлиги сабабли чўккан сукунатни қирғоқقا урила-

ётган тўлқинларнинг шовқини бузарди холос. Бир вақт қоронгилик қаъридан бир шарпа «лип» этиб чиқди-да, мен томон кела бошлади. У эгнида сори, елкасига сочиқ ташлаб олган ўрта ёшлардаги эркак экан.

— Гугуртинг борми?

Чўнтағимдан гугурт олиб, унга узатдим. У папиросини ёндириб, ёнимга ўтиради. Папиросини бир-икки марта босиб тортди-да, менга деди:

— Яқинларингдан бирортаси оғир бетобми?

— Ҳа. Ҳозир операция хонасига олиб кириб кетишиди.

— Қанақа операция?

— Боласи ичиди нобуд бўлганга ўхшайли.

— Бу ерда бир ўзингмисан?

— Йўқ, отам ҳам бор.

Операцияга розилик беришдан олдин, Ковилагод-элла ибодатхонасига бориб садақа бериб келиш керак. Менинг хотиним ҳам туғиши вақтида ниҳоятда қийналди. Ҳамма уни операция қиласаса бўлмайди, деяпгандек бўларди. Шунда мен ўша ибодатхонага бордим-да, бир руپий садақа бериб, хотинимнинг мушкулини осон қил деб азиз-авлиёларга сифиндим. Қасалхонага келсан, хотинимнинг кўзи ёрибди. Сен ҳам бор, ҳали вақт эрта. Ибодатхона доим очиқ. Шу кўчадан тўғри борсанг, то-ласан.

У биз томон келаётган аллакимни кўриб қолди, гугуртимни бериб, ўрнидан турди:— Мен борай энди. Қишлоқдан битта бемор олиб келгандик. Ҳалиги айтганиларимни қил, ёдингдан чиқмасин!

У кетди. Сукунат қўйнида ўтирарканман, бирдан «Операция хонасида нима бўляпган экан?» деб ўйладим. Ниҳоятда чарчаб, асабларим қақшаганидан ўй суришга ҳам мадорим келмади. «Ҳақиқатан ибодатхонага бориб, сифиниб келиш керак»,— дедим.

Отам мен кетганимда қандай ўтирган бўлса, шу кўйи қимир этмай, скамейкада ўтирарди. Қасалхонадан чиқиб, дарёга бориб чўмилдим. Сўнг ибодатхонага йўл олдим. Унинг дарвозаси очибу ичкари хонаси бўрк экан. Ҳовлида ёниб турган лампани олиб, ибодатхона эшиги тагига қўйдим-да, чўк тушиб, Сомага соғлиқ ва умр тиладим. Сўнгги дуони ўқиб бўлишим билан назаримда шу яқиндаги бананинг барглари қўмирлаб кетгандек, худолар оҳу ноламни эшлитиб, ўзаро шивирлашишпган-

дек бўлди. Кўнглим анча тинчиди, умид билан касалхонага келдим.

Сомани палатага соат тунги учларда олиб ўтишиди.

— Йўқ, йўқ. Беморнинг олдига кириш ҳозир мумкин эмас,— деб отам иккимизниң олдимизни тўсди ҳамшира, Соманинг каравоти олдини тўсиқ билан бекитаркан.— Қачон мумкин бўлса, ўзим айтаман.

— Омон қолармикан, умид қилсак бўладими?— деди отам титроқ овозда.

— Шуинг учун ҳам операция қилдик-да,— деди ҳамшира.— Аммо жуда кўп қон кетди. Докторнинг айтишича, энди хавф-хатар ўтган эмиш. Худога шукур қилинглар.

«Хавф-хатар ўтди». Бу сўзлар қулоғим остида гўё ёқимли куйдай жараинглади. Бошимдан тоғ ағдарилиб, дунё кўзимга чиройли кўриниб кетди. «Хавф-хатар ўтди». Яна иликларимга куч, юрагимга қувоҷдориганинг бўлди. Тўлиб-тошиб куйлагим, учраган одамни бағримга босгим келди.

Бирдан юрагимга ғулғула тушиб, ҳамширанинг ортидан чопдим.

— Бола қани? Тирикми?

— Унисини билмадим. Буни операция хонасидаги ҳамширадан сўраш керак.

Операция ҳамшираси столга энгashiб, алланималарни ёзиб ўтиради. Мен билан бирга келган ҳамшира унга инглиз тилида алланима деди. Униси жавоб берди. Улар билан ёнма-ён турсам ҳам, ҳеч нарса тушунмадим. Сўнг операция ҳамшираси менга қараб:

— Биласизми, қандай тушунтирсан экан сизга, аҳволи жуда оғир эди. Агар болани сақлаб қолишга ҳаракат қилсак, онаси нобуд бўлиши мумкин эди. Ҳали ҳам ниҳоятда қийинчилик билан онасининг ҳаётини сақлаб қолдик.

Назаримда, муздек қотиб қолган қўллар қўкрагимдан эзгандай бўлди-ю, ҳеч нарсани кўрмай, маст одамдек гандираклаб йўлакка чиқдим, ундан ҳовлига ўтиб, отам иккимиз доним юрак ўйноғида ўтирадиган ўтлоққа бориб қолганимни ҳам сезмадим. Даражатга суюндиму кўзинмни юмдим. Шу пайт кўз олдимда даҳшатли алангара орасидан кўзлари-ю оғзи юмуқ гўдак қиёфаси намошиб бўлди. Мурғаккина гўдакни қутқараман, деб алангага ўзимни отсан ҳам, унга сира қўлим етмасди. Қанчалар

ШИТИЛМАЙИН, гўдак билан менинг орамдаги баланд дебердан ўтолмасдим. Қийналганимдан инграрканмац, кимдир елкамдан туртди. Чўчиб, кўзимни очдим. Қарасам, олдимда отам турарди.

— Яна Соманинг аҳволи оғирлашяпти. Сен шу ерда ўтири, мен бош врачанинг олдига бориб келай. Ҳамшира шундай деди.

Дараҳтни ушлаб, аранг ўрнимдан турдим. Тонг отмоқда: Қасалхонанинг кўпчилик деразаларидан ёруғ тушиб туринти. Хурмо баргларининг шитирни айтмаса, атроф жимжит.

Палатага энди қадам қўйган эдим, олдимдан ҳамшира чиқди.

— Беморингнинг аҳволи оғир. Иссиги кўтарилиб, алаҳлаяпти. Йўқ, йўқ, киришга рухсат йўқ! — деди-да, тўсиқининг пардаларини зичлаб тортди. Парда орасидан Сомага кўзим тушди. Унинг энгаҳигача қора адёл ёпиб қўйилган. Боши ёстиқда у ёқ-бу ёққа бориб келяпти. Лаблари шивирлаяпти ю, лекин гапларини англаб бўлмасди. Ҳамшира мени палатадан гўё итаргандек қилиб чиқариб юборди. Изтиробга тушиб, дарвоза олдига бордим-да, отамни кута бошладим.

Отам бир соатларда қайтди.

— Доктор қани? — дедим отамга олдимга яқинлашиши билан.

— Ўз вақтида бораман деяпти, — деди отам қўлларини ёзиб.

— Сома алаҳлаяпти, дедингми?

— Xa!

Соат саккиз яримда бош врачанинг автомобили кўринди. Мен, зора кўзи тушса деб, рўпарароқ жойга бориб турдим. Ҳар сафаргидек, доктор менга аҳамият ҳам бермай, ўтиб кета бошлади. Шунда юрак ютиб унга мурожаат этдим:

— Жаноб доктор, bemorimizning аҳволи яна орирлашиб қолди.

— Эрта аzonда борган сенинг отангмиди?

— Шундай, жаноб.

— Ўн учинчи палатамиди? — Шуни деб бош врач Сома ётган палата томон кета бошлади. Энди Сомани кўришинга имоним комил эди. Отам икковимиз дераза тагига бориб турдик. Бош врач билан ъяна бир врач Сома ётган тўсиқ орқасига ўтиб кетишди. Анчагача чи-

қишишади. Ниҳоят бош врач чиқиб кетди. Иккинчисч ҳамшира билан аллақандай асбобларни олиб, Соманинг олдига ўтиб кетди.

— Укол қилишяпти шекилли,— деди отам. Врачлар кетишгач, палатага кирмоқчи бўлдим. Бироқ ҳамшира йўлимни тўсиб, киритмади.

— Бемор ухляяпти. Безовта қилишнинг нима ҳожати бор?!

Шундан кейин, йигирма еттинчи палатадаги таниш ҳамшира орқали Соманинг аҳволини билмоқчи бўлдик. У суриншириб кўришга ваъда берди. Орадан кўп ўтмай, у олдинизга келди. Докторнинг айтишича (буни унга ҳамшира айтипти), Сома операциядан кейин чангак бўла бошлабди. Яна такрорланиши мумкин эмиш. Аммо даволаса бўларниш. Ҳозир Сомага ухлатадиган дори бериб, ухлатиб қўйиншипти. Сўнг ҳамшира отамдан бош врачга ҳар сафар пул берган-бермаганигини суринширди.

— Албатта-да,— деди отам.— Шу бугун эрталаб ҳам йигирма беш рупий бердим.

— Тўғри қилгансан,— деди хурсанд бўлиб ҳамшира.— Бош врачга ҳар сафар уича-мунча бериб туриш керак. Энди мен борай. Агар яна ёрдамим керак бўлса, бажону дил. Тортинмай, айтавер.

Сома соат иккиларга яқин кўзини очди. Ҳамшира шинниг айтишича, аҳволи анча дуруст эмиш. Бироқ олдига бизни қўймади. Яхшини унга апельсин олиб келинглар, деб менин дўёнинг жўнатди. Кечки соат тўққизларда Сомани яна оғриқ тутди. Алаҳлади, ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Навбатчи ҳамшира телефонда докторни чақиргач, тонг отарга яқин уни тинчлантиришиди. Эртасига ҳам, инднинга ҳам ана шу аҳвол такрорланди. Тўртинчи куни аҳволи анча дурустлашди. Бешинчи куни чангак бўлмади. Бирпастга олдига киритишиди бизни. Олтинчи куни Сома бизни жилмайиб кутиб олди. Олдинда узоқ ўтирамадик.

Энди анча кўнглимиз хотиржам бўлди, кечқурун уйга бориб келмоқчи бўлдим. Соат беш яримда автобусга ўтириб, соат саккизда уйга етиб олдим. Ҳовлига кирдим. Биз йўғимиизда уй-жойга қараб турган Сиядорис Айя ошхонадан чиқди ва алланима деб минғирлади-да, яна кириб кетди. Йўлда олган бир буханка нонни столга қўйдим. Тердан ҳўл бўлиб кетган қўйлагимни ечдим-да,

ошхонага кираверишга қўйилган скамейкага ўтиридим. Келганимга анча бўлса-да, Сиядорис Айя чурқ этмасди, ҳатто Соманинг авҳолини ҳам сўрамади. Назаримда имадандир хафароқ кўринарди. Юрагим сиқилиб, ўзим гап бошладим:

— Намунча кеч овқатланяпсан?

— Нега кеч бўларкан?.. Сома дурустми?

— Анча дуруст. Кеча бир оз гаплашдик.

— Синегаллик докторлар ҳам тузатишарди. Йўқ, қониқ қилмай, инглиз докторларига олиб бординглар. Ўй ва ернингизни гаровга қўйинб, касалхонага ётқиздинглар.

— Ҳеч нарсани гаровга қўйганимиз йўқ, отам қарзга пул топди.

— Менга қара, Вильсон, худога шукур, шу пайтгача жиннига чиққаним йўқ, эс-ҳушим жойида. Отанг иккенинг кўп нарсани мендан бекитасанлар. Бутун қишлоқда миш-минш гап. Жойларингни уч юз рупийга гаровга қўйипсанлар-ку!.. Нафси замранинг айтганда-чи, Вильсон, агар сен бўлмаганингда бу уйга қадам босмаган бўлардим.

Мен индамадим. Сиядорис Айянинг баттар жаҳли чиқиб кетди.

— Отангга агар жойингни гаровга қўймоқчи бўлсанг, куёвимдан уч-тўрт юз рупий олиб бераман, деб бир неча марта айтдим. Куёвимниг ўзи шундай девди. Сенга ҳам Вильсон, яхши бўларди. Дэниэ Махата калит сўрагандаёқ бир нарсани сезувдим.

— Мен қаёқдан билай, Сиядорис Айя? Бу гапни сендан эшитиб турибман.

— Балки, сенинг бундан хабаринг йўқдир. Лекин бутун қишлоқ буни билади,— деди Сиядорис Айя анча ҳовуридан тушиб, олдимга бир тарелка гуруч қўяркан.

— Бу отангнинг иши, сенда айб йўқ.

Қорним очлигига қарамай, томогимдан овқат ўтмади. Сиядорис Айя бўлса, гуручини пок-покиза тушириб:

— Отангда инсоф бўлса, бундай қилмаган бўларди. Кеча Дэниэ Махата: «Яна дўкон очаман деб ўйламанглар. Пиядасанинг молларидан олиб келиб сотинглар. Бунга Пиядаса сизларга ҳақ беради» деса бўладими. Бу гапни эшитиб Вильсон, ер ёрилиб, ерга кириб кетгудек бўлдим. Қара-я, келиб-келиб, ҳолимиз шу бўлдими?

Нари-вери овқатландиму чарчаганимни баҳона қи-

либ, ерга бўйра ташлаб, чўзилдим. Ўй-хаёлим эса отамнинг еримизни гаровга қўйганида бўлди. Одам бўлайлик, деб озмунча уриндикми, а?! Келиб-келиб, бизга азоб берган, пайимизни қирққанлар жойимизга эга чиқиб ўтиришса-я. Бироқ бўлак чорамиз йўқ эди-да! Ахир Сома учун уй-жойимизнигина эмас, ҳатто жонимизни ҳам беришга рози эдик. Бас, шундай экан, отамдан нега хафа бўламан. Ахир тақдирин азалдан қочиб қутулиб бўладими?

Сиядорис Аййанинг бу гаплари юрак-бағримни ўртаб юборди. Унинг бизга қиласётган яхшиликларини ҳолиссанлилло деб ўйлардим. Бироқ у ҳам ўз нафси учун пайт пойлаб юрган экан. Шуларни ўйлаб ажриқقا ағанардим, уйқу қаёқда дейсиз!

— Ҳа, уйқунг келмаяптими?— деди Айя.

— Кўрмайсанми, чивин чақиб, ҳеч ухлатмаяпти.

Сиядорис Айя олдимга келди:

— Отанг, Дэниэ Махатадан тўрт юз рупий олдим, девди. Уч-тўрт кундан кейин куёвимни бошлаб келаманда, Махатанинг пулини қайтариб берамиз. Уй-жойингларни бўлса, куёвимниг номига хатлатамиз. Отанг, менинг юзимни қилиб, йўқ демас.— Сиядорис Айя бу гапларни аинча босиқ оҳангда айтди.— Сўнг дўкон очамиз.

«Сиядорис Аййанинг бизга қилган яхшиликларига шундай қилсак қила қоламиз-да», дедим ўзимча. Сиядорис Айяга бу фикримни айтудим:

— Мен сенлардан бирон нима тاما қиляпганим йўқ. Шунчаки ўз фикримни айтдим-да!— Раҳматлик онангтириклигида отанг ерини сотмоқчи бўлганида ҳам йўл қўймагандим.

Чарчаганим билиниб, кўзларим юмилиб кетди, бироқ Сиядорис Айя тинмай гапиради:

— Келганингни эшитса, Дэниэ Махата эрта аzonда югургилаб келади. Менинг гапларимни унга айта кўрма.

Эртасига қўни-қўшниларининг гап-сўзидан қочиб куни билан уйдан чиқмадим. Сиядорис Айя кечроқ келаман деб, уйига кетди. Бекорчиликдан эшикни қия очиб қўйиб, ағанаб ётдим.

Бир пайт кўприк томондан ғўнғир-ғўнғир овоз эшилди. Дэниэ Махата аллаким билан гаплашяпган экан. Эшикни ёпмоқчи бўлдиму сезиб қолади деб, фикримдан қайтдим. Овозлар тинди. Эшик очилиб, қадам товушлари эшитилди. Эшикдан Дэниэ Махата кириб келди.

— Ҳа, Вильсон! Қелганингни билмапман. Сома қалай?

— Тузук. Докторнинг айтишича, хатар ўтиб кетганиш.

— Бош врач ким экан? Ҳалиям ўша тамиллик докторми?

— Йўқ, бошқа одам. Яқинда келганмиш.

— Отанг қачон келади?

— Билмадим. Балки Сома тузалғач, бирга келишар.

— Ҳм... Сен-чи? Ўзинг Галлега яна борасанми?

— Ҳа. Эртага бормоқчиман.

— Пиядаса дўконидаги моллардан бир озини сизларникига олиб келиб қўймоқчи. Шунни отангга айтиб ўй. Бунинг зарари йўқ. Тағин эсингдан чиқмасин-а, албатта айт.

— Отам рухсат этмас бунга,— дедим, бу гапга кўнгим келмай.

— Нега энди? Ахир сизлар бу молларни сотиб берсанглар сизларга ҳақ беради. Пиядаса бунга йўқ демайди. Барибир энди дўкон очолмайсизлар. Энди Пиядасага ёрдам беринглар.

Дэниэ Махата яна анчагача гапни айлантириб ўтиреди. Рўйхуш бермаганлигини сезиб, кетмоқчи бўлди. Қолган гуручни едим, яна бўйрага чўзилиб, Айiani кута бошладим.

Эртасига плантацияга бориб, номимни рўйхатдан ўчириб юборма, деб бошлиқдан илтимос қилдим. У кўнди. Соат ўн яримларда плантациядан келиб, дам олиб ўтирувдим, бирор велосипедда уйимиз олдига келиб, бир-икки марта сигнал берди. Чиқмадим. Яна сигнал берди. Бир дақиқадан кейин остоңада Реди Мудалали кўринди.

— Ҳей, Вильсон!

Туриб, олдига бордим.

— Ҳозироқ Галлега борармишсан. Отанг айтиб юборди. Соманинг аҳволи ёмонмиш.

— Нима бўпти унга?!— дедим лабларим титраб.

— Аниғини билмайману лекин отангнинг бош враҷ ҳузурига шошиб кетаётганини кўрдим. Менға: «Вильсонга бориб айт, тезроқ келсин», деди, холос. Ушандада соат тўйқизлар эди. Эшитдиму олдингга югурдим.

Оtam шошиб бош враҷ олдига кетаётган бўлса, демак Соманинг аҳволи ёмон экан-да. Негадир кўйлагим-

ни алмаштирдим, сўнг югуриб уйдан чиқдим-да, Жина-
дасага, кетганимни Сиядорис Аййага айтиб қўй, дедим.
Автобус соат ўн бир яримда жўнаркан, сабрим чидамай,
йўловчи машинада бормоқчи бўлдим. Ишим ўнгидан ке-
либ, мактабнинг олдига чиқишим билан юк машинаси
йўлиқди. Соат ўн икки яримда Галлега етиб келдим.
Қасалхона дарвозасидан киришим билан отамга кўзим
тушди. У мени кутиб турган экан.

— Тинчликми? — дедим нафасим оғзимга тиқилиб.

— Аҳвол чатоқ, Вильсон, — деди отам қўл силтаб,
палата томони кетаркан. Гап оҳангидан, Соманинг аҳво-
ли оғир эканлигини билдим.

— Қачондан аҳволи оғирлашди?

— Кечакечқурун бирдан иссиғи кўтарилиб, алаҳ-
лай бошлади. Туни билан ўзига келмади. Бугун эрталаб
эса томир уриши пасайнб кетди.

Отам дунёдан безган одамдек лоқайдлик билан зўр-
базўр гапиради.

— Докторлар нима дейишияпти?

Саволимга бўшашиб жавоб берди:

— Аҳволи ниҳоятда оғир эмиш. Агар эрталабгача би-
рор кори хол юз бермаса, тузалишига умид бормиши.

Кўзим тиниб, бир хил бўлиб кетдим, гўё кимдир ел-
камга бир қоп тош ортгандек гавдамни кўтаришга ма-
жолим келмай қолди. Шу аҳволда палатага кириб бор-
дим. Тўсиқ ёриғидан Сомага қарадим. Унинг кўзлари
ярим юмуқ, кислород ёстиқчада нафас беришганидан
бечора ниҳоятда қийналяпти. Юзидағи резина трубкани
юлқиб ташламоқчидек бўляпти. Кўзларимга ёш қалқиб,
аъзойи баданим бўшашиб кетди. Тағин ўзимни ташлаб
юбормай, деб палатадан зўрға чиқиб кетдим.

— Нима қиламиз энди? — дейишга мажолим етди,
скамейкада ўтирган отамнинг олдига бориб.

— Тонг отишини кутамиз, ўглим. Докторлар қўлла-
ридан келган барча чорани қилишипти, — деди бе-
мажол.

Кечга бориб Сома янада оғирлашди. Нафас олиши
қийинлашди. Ҳеч нарса ёрдам бермади. Яна бош врач
олдига югордик. Отам унга йигирма беш рупий узатди.

— Худо хайрингизни берсин, жаноб доктор, — деди
отам ялинниб-ёлвориб. — Ҳар қанақа қилиб бўлса-да,
шўрликка ёрдам беринг!

— Қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилдик, — де-

ди доктор ўзига хос бўлмаган мулойимлик билан.—
Пулни олиб қўйинг. Керак бўлади.

Отам қанча қистамасин, доктор пулни олмади. Кета-
ётганимизда орқамиздан:

— Ахир сизлар будда мазҳабидаги одамларсиз. Ту-
ғилиш бор жойда ўлим ҳам ҳақлигини билишингиз ке-
рак,— деди.

Иккимиз орқамизга қайтарканмиз, кўзимизга ҳеч
нарса кўринмасди. Отам касалхона ҳовлиснда қолди,
мен эса палатага кириб кетдим. Сомага тинчлантиради-
ган укол қилишган экан. Ёнига бориб қўлини ушладим.
Кўзини очди-ю, аммо мени танимади. Аста қўлини қў-
йиб, чиқиб кетдим. Сўнг отам ҳам, мен ҳам бир неча
бор ёнига кирдик, Сома бошқа кўзини очмади. Тез-тез,
қийналиб нафас оларди. Туни билан Соманинг ёнида
бўлишга рухсат беришди. Катта налатада фақат битта
лампочка ёниб туарар, у каравотларни зўрга ёрнтарди.
Ҳамма тинч уйқуда. Фақат Соманинг тез-тез, оғир нафас
олиши жимликин бузарди. Бир вақт кўзим қисилиб,
мудраб кетибман. Туш кўрибман. Тушимда Сома соға-
йиб, каравотда онпоқ кўйлакда ўтирганини. Соchlарини
орқасига ёйиб ташлаган, менга қараб жилмаярмиш.
Энди ёнига ўтиromoқчи бўлган эдим, қаттиқ бақириқдан
уйғониб кетдим. Палата эшигида турган отам ҳамши-
рапи бақириб чақиряпган экан. Сомадан айрилибмиз
дедиму ўрнимдан туролмай қотиб қолдим. Тиззаларим-
да мадор йўқ, қани энди қаддимни тутолсан, қайтиб
стулга ўтирдиму каравотнинг оёқ томонини маҳкам уш-
лаб ўқраб йиғлаб юбордим.

Отам Сомани Галледа эмас, бу анча осон кўчарди,
қишлоққа олиб бориб дафи қилмоқчи бўлди. Шу мақ-
садда қишлоққа телеграмма юбориб, машшоқлар билан
роҳибларни дафи маросимиға таклиф қилди. Эрта би-
лан Соманинг жасадини қишлоққа олиб келдик. Қелсак
Сиядорис Айя, Дэниэ Махата ҳатто Пиядасагача тай-
ёргарлик кўришяпган экан. Отамда бир юз йигирма беш
рупий пул қолганди. Ундан эллик рупийсини автомо-
биль ҳақи билан тобутга берди. Ҳали уйга кириб кел-
масимиздан, бутуни қишлоқ аҳли ёпирилиб келди. Олди-
мизга Дэниэ Махата келиб:

— Сен асло ташвишланма. Ҳаммасини ўзим тўғри-

лайман. Пул ҳам бераман, озиқ-овқат ҳам юбортираман,— деди.

Кета туриб отамга эллик рупий берди ва:

— Агар ул-бул керак бўлиб қолса, хабар қил,— деб қўшиб қўйди.

Сомани эртасига, яъни жума куни кечқурун дафи этмоқчи бўлдик. Сиядорис Айя унга гўрни Давид ерининг энг овлоқ жойидан ковлади. Мен паришонхотир у ёқдан-бу ёққа бориб келардим.

Гунапалага телеграмма жўнатдик. У бу сафар ҳам келмади. Тобутни Сома яшаган уйнинг ўртасига қўйиншиди. Эгнига оқ сори билан оқ кофта кийгизиши. Қўлларини кўкрагига қўйиб, бош томонига чироқ ёқишиди. Сомага қарадим. Назаримда у худди ухлаётгандек жилмайиб ётарди. Аъзойи баданим титраб, совуқ тер чиқиб кетди. Устига энгашиб, қўлимни юзига қўйдим, додлаб юбормаслик учун тезда чиқиб кетдим.

Дафн маросими соат тўртга мўлжалланганди. Машшоқлар келишиди. Ноғоранинг бир маромдаги так-туки тобора зўрайиб, мотам маросимини янада ваҳимали қилмоқда эди.

Тобут қопқоғини ёпишдан олдин, отам:

— Ҳамма тобут ёнига келиб, марҳума билан сўнгги марта видолашсин,— деди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, тобутни уйдан олиб чиқишиди.

Қабр тепасига йиғилганлар марҳуманинг руҳига фотиҳа ўқишиди. Сўнг еттига роҳиб овоз чиқариб пали¹ тилида дуо ўқиди. Уларнинг мунгли, йиғлоқи овози қалбимизни баттар чок-чок қилиб ташлади.

Отам иккимиз биринчи бўлиб қабрга икки ҳовучдан тупроқ ташладик.

— Марҳумага тақдирি азалда дўзахга тушиш битилган бўлса-да, бизнинг дуоларимиз ижобат бўлиб, жаннат насиб этсени!— деб хитоб қилди роҳиблардан бири. Мен ҳам роҳибга қўшилиб, ўзимча, нариги дунёда Сома билан бирга бўлишни тилаб дуо ўқидим. Қабр тупроқقا тўлди. Қалингина тупроқ қатлами бизни бир умрга Сомадан жудо қилди.

Қош қорайди. Отам иккимизни қабристондан Сиядо-

¹ Пали — будда мазҳабидагиларнинг кўпчилик китоблари ёзилган қадимги тил.

рис Айя олиб келди. Келсак Дэниэ Махата овқат юбориши. Отам ҳам, мен ҳам овқатга қўл урмай, бир бурчакда чурқ этмай ўтиравердик. Сиядорис Айя кетгач, чироқнинг пилигини тушириб, Соманинг хонасиға кирдим. Сома ётган каравотга ғўзилдим. Қўлларимни бошим остига қўйиб, яқингинада бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир кўз ўнгимдан ўтказдим.

Соманинг дастлаб бинзининг хонадонга кириб келгани шу бугунгидек эсимда. Унинг хиёл бўғиқроқ овози қулоғим остида эшитилгандек бўлди. Дўконимизнинг очилиш куни у шундай овозда расмини чизишимни илтимос қилганди. Қатарагамада уни дастлаб бағримга олганимда кечирган онларим ҳозиргидек ёдимда. Бoshимизга ғам-ташвиш тушганда у доим мени юпатар, сабр берарди. У ишларимиз орқага кета бошлаганда озмунча куйдими?! «Эй худойим, нега бунчалар гуноҳкорман-а!» деганди у бир куни менга. Ўшанда унга ачинганимни айтмайсизми?- Ҳалигача юрагимнинг бир чеккаси жазиллайди. Унинг кўзларини, табассумини, қадам ташлашларини эсладим. Бераҳм ўлим Сомани орамиздан юлқиб кетди.

Эртасига Сиядорис Айя келиб, у ёқ-бу ёқни йиғиштириди. Отам иккимизнинг қўлимиз ишга бормасди. Кета туриб, у менга, уч-тўрт кундан сўнг Панадурдан куёви келишини аста айтди. Бу сафар унинг тапи менга унчалик оғир ботмади. Ундан дастлаб бу гапни эшитганимда ўзимни қўйишга жой тополмагандим.

Эртасига отам бирдан Малидувага отланиб қолди. Кетаётган вақтда ё кечқурун, ёки эртага эрталаб келман, деди. Чошгоҳга яқин Сиядорис Айя келиб, бир оз туруч пиширди, тамадди қилдик. Яна у қуёвинг келиши ҳақида гап очди. Аммо мени бу нарса сира қизиқтирмасди. Айя кетди. Әлғиз қолиб сиқилдим. Соманинг ҳабрига бордим. Янги қабр устида сўлинқиратан хурмо барглари сочилиб ётарди. Харсанг тош устига ўтириб анчагача қимир этмадим.

Отам кечқурун қайтмади. Эртаси, индинига ҳам келмади. Хавотирлана бошладим. Сиядорис Айя ҳам хавотирга тушди. Аммо у отамнинг келмаганига эмас, куёви келиб, овора бўлишидан безовталана бошлади.

— Эрталабгача кутамиз, келмаса бирор чорасини тспармиз,— деди Айя.— Отанг келмаса, нима қиласиз-а? Эртага куёвим келмоқчийди.

Кечгача отамни ўйлаб, бошим қотди. Нима бўлганикни унга? Наҳотки ғам-ташвиш юқини кўтаролмай, ўзини бир нарса қилган бўлса?

Барвақт ўрнимдан турдим. Остонага ўтириб, отамни кута бошладим. Ҷошгоҳиача кута-кута тоқатим тоқ бўлди, Сиядорис Аййаникига бормоқчи бўлдим. Сиядорис Айя елкасини учирив қўя қолди, холос:

— Бир нарса дейишга ҳайронман. Унча куяверма, отанг ёш бола эмас-ку, ахир. Бирор сабаб билан ушланиб қолган... Кечқурун куёвим келади... Нима қиласиз энди?

Уйга қайтаётганимда йўлда почтальон учради.

— Сенга открытка бор, Вильсон. Эшигинг берк экан. Бир кўнглим Дэниэ Махатага ташлаб ўттай дедиму кел, эртага келарман, деб кетаётган эдим.— Почтальон менга открытка берди.

Отамниг дастхатини танидим, уни тезда ўқиб чиқдим:

«Плантациядан дуруст иш топдим. Кейинроқ батафсил ёзарман. Мени излама. Гунапаланинг олдига бор, икковинг бирга бўлсаларинг, дуруст бўлади».

Открыткада адрес ҳам, имзо ҳам йўқ эди, фақат ёзилган вақти қайд этилганди, холос. Почтальон ортидан чопиб бордим-да, унга открыткани узатиб, сўрадим:

— Қаердан келган экан, айтиб бера олмайсанми?

— Ятагаладан келипти,— деди у открыткадаги штемпель маркасини синчилаб кўриб.

Ятагалада катта-катта плантациялар бор эди. Отам ўшалардан бирига жойлашган бўлса керак, Демак, бу ёғи тинчлик экан. Лекин, отамниг қишлоқдан кетиб қолганлигига ҳайрон қолдим. Сиядорис Аййаникига келиб, буни унга айтдим.

— Бўлиб ўтган воқеалар оғир туюлган унга. Шу сабабдан кетиб қолган... Уй-жойингларни менинг номимга хатлаб олсак, ёмон бўлмайди. Шунда отанг ҳам қайтиб келади. Қел, кечқурун Дэниэ Махатаникига бориб, ишни бир ёқлик қиласиз,— деди Сиядорис Айя, кетишга чоғланяпганимда.

У ҳақ эди. Бечора отамниг дурустроқ яшайлик деб, қиласиз ҳаракатлари чипакка чиқди. Бунинг устига Сома ҳам у дунёга рихлат қилди. Бошига шунча мусйбатлар тушган даргоҳни ташлаб кетганлиги учун отамга осон тутиб, уни маломатга қўймаслик керак. Бечора отам!

Қариган чоғида уни бегоналар орасида ёлғизлатиб қўй-маслик керак. Мен яқинда отамнинг олдига бориб у билан бирга туришга аҳд қилдим.

Сиядорис Айя қош қорайганда келди. Куёви ҳам кечроқ, соат тўрт яримларда келибди. У менга куёви олиб келган пирогнинг ярмини олиб кепти.

— Тезроқ бўл, вақт ўтмасин,— деб мени шоширди.

Дэниэ Махата бизни айвонида очиқ чеҳра билан кутиб олди:

— Келинглар, сизларни қайси шамол учирди?

Ишни тезроқ битириш ниятида максадга кўчиб:— Отам еримизни гаровга қўйиб, сиздан қарз олган экан, мен шу қарзни узмоқчиман. Жой Сиядорис Айя номига ўтади,— дедим.

Дэниэ Махата гапимни диққат билан эшилди-да, тилёгламалик билан:

— Вильсон, шунча пулни қаердан олдинг?— деди.

— Гунапала юборипти,— дедим тўсатдан.— Хатида ерини қайтариб ол, депти.

— Ҳали шунаقا дегин?..— деди кулимсираб Дэниэ Махата, ишониширамай.

— Гап бундай, Вильсон,— гапида давом этди Махата.— Бегона одам олдиди бўлса ҳам айтишга мажбурман,— деди у Сиядорис Айяга қараб.— Энди очиқчасига гаплашиб олайлик. Отанг менга ерни қайтариб олмаслик шарти билан сотган. Фақат сени бошқа ерга жойлашиб олгунингча, уйда туришингга йўл қўйишимни илтимос қилган. Мен бунга рози бўлгандим.

Бу гаплардан Сиядорис Айя бир хил бўлиб ўтиради.

— Бугун отангдан хат олдим,— деди давом этиб Махата.— Ҳозир ўқиб, гапларимга ишонасан.

У уйга кириб, хат олиб чиқди.

— Хатни олгунимча, отангнинг Ятагалага кетганидан бехабар эдим,— деди Дэниэ Махата.

Буклоғлиқ қўқ қофозни қўлларим титраб олдим. Қофозга тўрт қатор хат ёзилганди.

«Мен Ятагалада ишлайпман. Еримни сотаётганимда айтган гапларим эсингдами, Махата? Вильсон жой топгунча, уйда яшаб туради, дегандим. Шуни қилсанг, менга унутилмас яхшилик қилган бўласан».

— Юр, Вильсон,— деб енгимдан тортди Айя, хатни Махатага қайтариб беришим билан. Мен унга эргаш

дим. Уйгача чурқ этмадик. Айяанинг ғазабланаётганлиги туриш-турмушидан кўриниб турарди.

— Отангнинг қилган ишини кўрдингми, Вильсон?!— деб бақирди Айя уйга киришимиз билан.— Оппоқ сочи билан ёш боланинг ишини қипти-я!

— Отам ҳақида бундай дегани қандай тиљиг борди!— дедим унинг гапини бўлиб.— Бу уй-жойни отамнинг ўзи қурган. Сотадими, сотмайдими, бу унинг иши.

— Нималар деяпсан, Вильсон!— бақириб юборди Сиядорис Айя.— Йўқса акангни уйдан ким бездири? Ўша аёлни деб бор буд-шудини елга совурган ҳам шу отангмасми? Акангнинг нега уйдан кетиб қолганлигига ақлинг етадими? Аканг хотинини олиб кетгани келганида, жанжал қилгани ёдингдами? Хонадонларингда бўлаётган воқеаларни акангга мен ёзгандим.

Довдираб қолдим. Айя баттар қизишарди:

— Бўлмаса, отанг нега сени Давиднинг кулбасига тиқиб қўйди? Тўсатдан сенга менинг синглимни олиб бермоқчи бўлиб қолганлигига нима дейсан? Бор буди шудини сув текинга сотиб, ўша абраҳни даволатишга сарфлади. Энди күёвимга нима дейман. Панадурага қайтиб кетавер, ердан қуруқ қолдик дейманми? Отанг аканг топиб келган пулни кўкка совурди, Вильсон,— деб гапида давом этди Айя, бир оз жаҳлидан тушиб.— Ўзи уйдан чиқиб кетди, сен эса икки қўлу бошда сочинг билан қолавердинг.

Сиядорис Айя менга қарамади, ҳатто хайрлашмасдан чиқиб кетди.

Мен ҳангуманг бўлиб, хона ўртасида туриб қолдим. Айяанинг гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, у бу гапларни жаҳли чиқанидан айтиётган бўлса керак деб ўйладим. Ахир Сиядорис Айя оғзим ошга етди деганда, йиқилган одамнинг аҳволига тушиб қолди-да! Унинг гаплари кўнглимга фулғула солди.

Ҳақиқатан ўшанда Гунапала Сомани олиб кетгани келганда нега отам билан ғижиллашиб, кетиб қолди? Орадан бир неча кун ўтгач, унинг менга ёзган жати-чи? Давиднинг уйига кўчиб, алоҳида яшай бошлаганимга суюнганида ҳам бир гап бор экан-да! Демак у отам билан Сомадан узоқроқда яшашимни истаган экан-да?!

Гарчи соат ўн ярим бўлса-да, қишлоқ осуда, чироқлар ўчган, ҳамма ухларди. Булутлар орасидаги ой хира нур таратмоқда. Кўприк остидан сувнинг аста шалопла-

ши эшитилмоқда. Зинапояга ўтириб, пешанамини шашка-
рага қўйдим.

Назаримда оёғим остидаги ер ўпирилиб, мени ўз
қаърига тортиб кетадигандек бўлди. Ҳозир мени тирик
сақлаб турган нарса Сомага бўлган муҳаббатим билан
отамга нисбатан фарзандлик бурчим эди. Агар мен
адашган-улоқкан, келажакдан умиди йўқ одамдек кет-
сам, ана шу икки нарса менга далда берниши мум-
кин.

Зинапоядан тушиб, канал ёқалаб кетдим. Яқингина-
да шу ердан бахтли ва масъуд дамларни кечириб ўтма-
ганимидим? Аммо бахтим хаёлйи экан.

Сайр қилиб анча ёзилдим. Уйга келиб, ухладим.

Эртасига кечгача хаёл суреб ётдим. Кеч соат етти
яримларда кўпприкдан автобус ўтиб кетди. Орадан бир
неча дақиқа ўтмай, айвонда оёқ товушлари эшитилди.
Кимдир уйга кириб, баланд овозда:

— Ҳой, ким бор? — деди.

Бу опам экан. Титроқ қўлларим билан жинчироқни
ёқиб, ташқари чиқдим. Оламнинг ёнида Гунапала ту-
ради.

Мени ўй-шубҳалар қийнаб қўйганлиги учун уларни
кўриб қувониш ўрнига, ҳайрон бўлиб қолдим.

— Галледан бу ерга икки соатда етиб келиб-
миз-а, — деди Гунапала каравотга ўтиаркан.

— Уст-бошимизни алмаштириб олайлик, — деди
опам. Сўнг икковлари нарсаларини оча бошлишди. Мен
туруч қайнатгани ошхонага чиқдим.

— Овқатни ким қиляпти? — деди опам олдимга ки-
риб.

— Мен қиляпман.

— Қани, у-буларингни менга кўрсатиб, ўзинг ошхо-
надан чиқ. — У ёқ-бу ёққа қараб, токчада қолган бир
сиқим туруч билан мурчга кўзи тушди. — Ҳеч вақо қол-
матти-ку! Сумкамдан пул олиб, дўкондан керакли нар-
саларни олиб кел.

Оламнинг сумкасида яхлит эллик рупийлик билан
бир шеҳа ўн рупийликларни кўриб анграйиб қол-
дим.

Қайтиб келсам, турч пишяпган экан.

— Вой худо, алламахал бўлиб қолди, — деди опам
хафа бўлиб. — Агар биз келмаганимизда, очингдан
ўларкансан-да!

— Бир амаллаб кунимни кўрардим.

— Эй худо, орадан анча вақт ўтди-я,— дерди опам, яна ўзича алланималарни ўйлаб.

Гунапала уйдан чиқди. Аввалари ҳам ҳаммамиз баҳамжиҳат бўлиб ўтирардик деган фикр бир зумда хаёлнимдан ўтди. Аммо бунга анча вақт бўлган эди.

— Отам қачон кетди?— деди опам.

— Беш кун бўлди,— дедим опамга, буни қаёқдан эшитдикин, деб ўйлаб. Сўнг Сиядорис Айя хат ёзиб, Гунапалага маълум қилган бўлса керак, деган фикрга келдим.

— Отамнинг кетганлигини сенга Сиядорис Айя ёздинми?

— Йўқ, отамнинг ўзи Гунапалага ёзипти,— деди опам.— Вақтинча кетдими ёки бутунлай?

— Отам менга Малидувага бориб келаман, деганди. Кеча Ятагаладан открытка олдим.

— Ана шу открыткадан кейин Гунапалага хат ёзган экан-да. Қаерга кетаётганлигини нега сендан яширди экан-а? Юбормайсан, деб қўрққанмикин?

— Билмадим.

— Боплабди. Уй-жойини гаровга қўйибдию, ўзи жуфтакни ростлаб қолипти-да,— деди опам жаҳли чиқиб.— Анави бузуқ қачон ўлди? Туғиб ўлдими?

— Операциядан кейин бир неча кун ўтгач, вафот этди.

— Шундай бўлиши керак эди,— деди опам.— Агар у тирик бўлганда, бу даргоҳга қадамимизни босмасдик.

Опамнинг гаплари қалбимни тилка-пора қилиб юборди. Додлаб юборишинга оз қолди. Рангим ўзгариб кетганини кўриб, опам:

— Ҳамма балони ўша бошлади. Унинг жатидан уйни ташлаб кетишга мажбур бўлдим,— деди.

Орага жимлик чўкди. Овқат вақтида ҳам индашмадик. Овқатланиб бўлиб, уйга кирдик. Шунда опам келиш сабабларини айтиб берди.

— Вильсон, сени олиб кетмоқчимиз. Ишга жойлаб қўямиз. Уй-жойимизни қайтариб оламиз. Пул тўплаб, яна дўкон очамиз ва аввалгидек шу жойда яшаймиз.

— Хоҳласаңг ўзим ишлайдиган дўконга жойлаб қўяман,— деди Гунапала.

— Сиядорис Айя акангга, отанг ер-жойини менинг номимга ўтказди, деб хат ёзипти.

— Қейин отамдан бошқача хат олдигу бу ёқقا келдик. Гунапала хўжайинидан олти юз рупий қарз кўтариб келди. Қанчалар оғир бўлмасин, мен уларга ҳақиқатни очиб солдим:

— Уй ва ерни отам гаровга эмас, нақд пулга сотган.

— Нақд пулга сотган?!— опамнинг кўзлари ўйнаб кетди.— Қанчага сотган?

— Уч юз рупийдан ошиқроққа бўлса керак.

— Нега бўлмаса акангга хат ёзиб, ер ва уйни қайтариб ол, деб илтимос қилибди?— деди опам жиғибийрони чиқиб.— Хат қани?

У Гунапаланинг костюми чўнтағидан икки буклоглиқ хат олди.

— Нима фойдаси бор, қўйсанг-чи,— деди акам опами тиичлантирмоқчи бўлиб. Опам хатни менга узатди:

— Мана, ўқиб кўр! Уй ва ерни қайтариб олинглар, деб ўзи ёзган-ку! Мияси ачиган чол... Лоақал онамнинг нарсаларини қайтариб олсак-чи?

Мен отамнинг хатига кўз югуртирдим.

«Кеча қишлоқдан кетиб, ҳозирча шу ерда тўхтадим. Уша куни менга айтган гапларингнинг ҳаммаси тўғри. Мен ҳақиқатан ҳам оиласангни буздим. Тақдирда бори шу экан, мени кечир. Хаёлим Вильсонда. Ахир мен уни якка-ёлғиз ташлаб келдим. Агар қўлнингдан келса, уй ва ҳовлини қайтариб олиб, укангни бағрингга ол. Яна сендан ўтиниб сўрайман, барча қилмишларим, менинг жатимга тортган азоб-уқубатларинг учун мени кечир!»

Шубҳаларимга ўрин қолмади, Сиядорис Айя ҳақ бўлиб чиқди. Назаримда ҳозир ўзимни ташлаб юборадигандек, оёқларим жонсиз, танам карахт бўлиб қолган эди. Ён-атрофимдагилар етти ёт бегона одамлару ўзим бўлса соялар мамлакатига тушиб қолгандек эдим. Бир вақт ўзимга келиб, қулоқ солсам, опам ҳалиям ошхонада вайсаб юрган экан.

— Қани, қайтариб олиб кўр-чи... Найрангини қарангү. Сотиб-совиб, қочиб қолипти... Кўзларинг қаёқдайди, Вильсон? Наҳотки ҳеч нимани сезмаган бўлсанг? Отанг сенинг ғамингни ебди, боплади... Сиядорис Айянинг хатини олиб, аканг келганида шунақсанги бақириптики! «Ўзинг хотинни эплолмадинг, энди бурнингни суқма! Сома мен билан яшайди!» депти-я имонсиз.

— Қўй энди,— деб гапга аралашди Гунапала.— Фойдаси йўқ. Энди бу ерда ҳеч қандай илинжимиз қолмап-

— Ҳемак, Вильеонин олиб кетамиз. Ўша ерда бирон шига жойлаш қуямиз.

— Шунақа бўлинини билиб, уйдан кетиб қолгандим,— деди онам ҳамон аламдан тарқамай.

— Утганларни эслашининг фойдаси йўқ,— деди опами тинчлантиришга ҳаракат қилиб Гунашала.— Бундан кейин келажакни ўйлаш керак.

Отам билан Сомани қарғаб-қақшатаётган опами тинчтиши осон эмасди. Үнинг гаплари асло қулоғимга кирмасди. Яна бошим айланаб, кўзим тинди.

Эртагаёқ Ратнапурга жўшамоқчи бўлдик. Ҳөвлига жой солиб ётдим, аммо хаёл олиб қочиб, ухломадим. Қисқагина умримда шунчалар кўп ёлғон ва фирибга учрадим-а? Ахир Соманинг севгиси мен учун унтилмас хотира-ку! Бироқ ўша севги бўлганимиди ўзи? Афсус ва вазомат ўтида қовриларканман, муштумни қисиб, агар аввалроқ буни билганимда, отами нималар қилган бўлардим, деб ғазабланардим. Бироқ тезда ғазаб ўринини чидаб бўлмас азоб эгаллади. Ҳа, ҳамма нарса тамом эзди. Яккаю ягона пажот — бу ерлардан бош олиб кетиш. Униб-усгая диёrimдан, таниш-билишлардан йироқ бўлниш. Ўтмишни эсламаслик учун қочиш, бошга тушгани кўриб яшайвериш керак.

Туни билан шубҳалар гирдобида тўлғаниб чиқдим. Тонг ёришмасдан Ратнапурга бормай, бош оққан томонга кетишга қарор қилдим. Ишқилиб ўтмишни эслатадиган ҳар бир нарсадан йирокроққа кетсан, бас. Қўприкка, каналга, уй ҳамда ҳовлига бир назар ташладим. Ҳаммаси бояги-боягича: ҳозир қандай бўлса бир, икки, ҳатто уч йил бурун ҳам шуядай эди. Бирдан назаримда негадир бошқачароқ кўринди. Балки ўзим ўзгаргандирман. Ҳовлидан чиқдим. Муюлишга бориб, қадамими секинлатдим, орқамга ҳам қарамай, олға юрдим.

Кун чиққанди Удаламаттадан ўтиб, бошим оққан томонга кетавердим.

Кечаки опам берган пулнинг қайтими ёнимда қолган эди. «Гуллар шалоласи» деб ёзилган автобусга чиқдим. Билет олдим. Бир вақтлар ўша жойга боришни орзу қилгандим. Ниҳоят бутун мана шу орзум ушалди.

Соат ўн бирларда машина мазилга етиб келди. Йўл айрилишидаги «Акурэсага» деган ёзувга кўзим тушиб, ўша томонга боришга жазм қилдим. Йўл-йўлакай кичкина бир дўконга кириб, бир оз тамадди қилдим.

Йўлда давом этиб, икки милча юргач, тепаликлар учради. Йўл бўйлаб сой оқарди. Хонадонлар орқада қолди. Баъзан нақ йўл бўйнда чангалзорлар учарди. Чирилдоқларнинг хониши авжид. Бирдан йўл четидаги текисланган жойга кўзим тушди. Унда битта кулба ҳам бор эди. Кулба дўкон ҳамда турар жой вазифасини бажарса керак. Яқинроқ бориб қарасам, кулбадан чангалзор томон ёлғиз оёқ йўл кетган экан. Енига тахтacha қоқиб, унга: «Гуллар шалоласидаги оромгоҳга» деб ёзиб қўйилипти. Ҳайрон бўлиб қолдим. Сўқмоқ бўйлаб юрмоқчи бўлдиму бироқ орқамга қайтдим. Кулба остонасида бир мўйсафид одам турарди.

— Ҳой, қаёққа кетяпсан? — деди у менга балаид овозда. — Оромгоҳами? Бугун у ерда икки кишини роҳибликка қабул қилишади. Бунақаси онда-сонда бўлади. Сен ўттиз цент сарфлаб, ёғ, гул ҳамда сандал таёқчаларидан олишинг керак. Йўлда бундан бошқа дўкон йўқ, — деди у.

— Чангалзорда юриш хавфими? — сўрадим ундан.

— Ёлғиз юриш албатта хавфли. Илло, қўлинигда худоларга тортиқ қилиш учун сотиб олган гул ҳамда ёғ бўлса, чангалзорда юриш хавфли эмас. Бу нарсалар ҳар қандай бало-қазоларни дап қиласди.

Чангалзорда ҳар қандай ҳодиса рўй бериши мумкин. Таваккалъ, дедим ўзимча сўқмоққа буриларканман. Мўйсафид кулбасига кириб кетди да, бир оздан кейин сандал таёқчалари олиб чиқди. Мен қўлимни силкитиб уни тўхтатдим:

— Таёқчаларнинг ҳам, ёғнинг ҳам ҳожати йўқ. Шундоғам кетавераман.

Юз қадамча юрмай, қалин чангалзорга түшиб қолдим. Атрофга қараб юрагим орзиқиб кетди. Бир милча норганимдан кейин, айрилишга чиқиб қолдим. Бир дараҳатга қоқиб қўйилган стрелкага қараганда, оромгоҳга ўч милча қолган эди. Яна уч миль. Сўкиниб, ағаниб ётган дараҳатга ўтирдим. Оёқдарим зириллаб оғирдиди.

Сал нафасимни ростлашим билан нима қилиб қўйдим-а, деб кўнглимға ғулғула тушди. Энди қаёққа бораман? Нега бундай қилиб қўйдим? Эс-хушим жойидами ўзи? Оғмонга қарадим. Кўёшдан мўлжаллаб, соат учдаан ошганлигини билдим. Нима қиласай? Орқага қайтами ёки бошим оқсан томонга кетавераймис?

«Йўқ, қишлоққа асло қайтиб бормайман. У ерда қи-

лағызған ишім йўқ. Кетиш керак», дедім-да, ўрнимдан тұрғым

Күн дөтіңіңга яқни қолғанлигидан уфқ алвон ранг-ға кирди. Теналан тушиб, оромгоҳга кирдім. Ҳужралар четаңдан қуралиб, лой сувоқ қилинганди. Одам күп. Бир хиллари ариқ бўйинда манзил тутиб, фонарь ёқиб ўтиришар, башқалари эса чироқ ёқиб қўйишганди. Бир тўда роҳиб ариқда таҳорат қилишди-да, ҳужраларига қазйтніши. Ариқ бўйндаги тўнкаларда ўн бештacha роҳиб чўк тушиб, қўлларини қовуштирганча худди буддага ўхшаб қимир этмай ўтиришарди. Буни кўриб ҳангуманг бўлиб қолдім.

— Ўзоқдан келдингми?— дедім ёнимда турған одамга.

— Бэңтардан келдик,— деди у.— Бош роҳибнинг айтишича, роҳибларкка ўтадиган икки киши ўз бошидан ўтганларини сўзлаб берармиш. Шуни эшитгани эрталабдагача қолмоқчи бўлдик.

— Бу оромгоҳ анчадан бери борми?— деб гапга солдим уни вазиятни аниқроқ билиб олай деб.

— Ҳа, саккиз йилдан ошди. Бу оромгоҳдаги роҳибларнинг ҳаммаси дунёвий ҳаётдан безиб, ўзларини будда йўлига бахшида қилган одамлар. Мана шу бугунгни ўзлари ҳақида сўзлаб бермоқчи бўлган икки янги роҳиб ҳам ҳаётдан безиб, абадий шу ерда қолишга аҳд қилган. Ўзинг кўр.— У роҳиблар ўтирган томонга бош иргади.

— Бу жойни бош роҳиб қандай топғанлигидан хабаринглар борми?— деди боядан бери гапимизга қулоқ солиб ўтирган ёнимдаги одам. Ўзи эшитган воқеани гапириб бермоқчи бўлди.

— Бир вақтлар шу бош роҳиб калутаралик бадавлат одам бўлган. Ўйланган. Орадан бирор ҳафта ўтгач, шу жойга келиб, қаландарларча ҳаёт кечира бошлаган. Одамларнинг гапига қараганда, у ўйланганидан иккичуң кун кейин хотинини дарёга чўмилтиргани олиб борган. Уни қистаб сувга олиб тушган. Шунда хотини гирдобга тушиб, чўкиб кетган. Қутқаролмаган. Шу сабаб бўлиб, туғилиб ўсан жойидан бош олиб чиқиб, ўрмонга келган-да, ҳу кўриб турган ерингга кулба қуриб, яшай бошлаган. Худди шинингдек, бошқа роҳиблар ҳам ҳаётдан азият чекиб, ўзларини худолар хизматига бахшида этган одамлар.

— Тўгри,— деб тасдиқлади менинг сұхбатдошим.— Ҳаммалари ҳам роҳибликни бўйнига олишдан олдин, бошидан ўтганларни ва нима сабабдан дунёвий ҳаётдан воз кечганликларни сўзлаб берарканлар. Жуда вақтида келган эканмиз-да,— деб сўзида давом этди у.— Иккнишиниң ҳаёт саргузаштларини эшитамиз. Менинчя, тўпланганилардан бир руپийдан олиб, у пулларни янги роҳибларга садақа қилсак, хайрли иш қилган бўлардик-да.

Кеч кира бошлади. Тепаликларнинг учларида ҳалин қуёш нури жилва қилаётган бўлса-да, пастликда кеч кириб, қош қорая-бошлади.

— Ўтиинглар. Ҳозир роҳибларни чақириб кела-миз,— деди баланд овозда боя ёнимда ўтирган эркак. Одамлар шоша-пиша ўтиришди — кўпчилик ўзлари ола келган бўйраларга, мен эса майдон четидаги тошга ўтирдим.

Қош қорайиб, ой чиқди. Энг чеккадаги кулбадан қўнғироқ овози эштилди. Сўнг олдинма-кетин йигирма чоғли роҳиб майдончага чиқди ва йиғилганларга қараб ўтиришди. Роҳиблардан бири, яъни, бугун ўз ҳаёти ҳақида сўзлаб берадигани алоҳида ажратилган жойга ўтириди. Улар пичирлашиб будда номига ҳамду сано айтиб, ибодат қилишди. Шундан сўнг янги келган роҳиб ўз бошидан ўтганларини, дунёвий ҳаётдан воз кечиб, ушбу оромгоҳга келишга нима мажбур этганлигини бамайлихотир сўзлаб берди.

— Биз уч киши яшардик: мен, онам ва синглим. Отам мен саккиз ёшга кирмасидан ўлиб кетди. Отам ҳаётлигида бир ярим акр еримизга сабзавот экар, шуннинг орқасидан тирикчилигимиз ўтиб турарди. Еримизнинг тўрт томонини Мэддэгама Ралахамининг ерлари ўраб олганди. У қишлоғимизнинг энг бообрў бойларидан эди. Отамининг вафотидан кейин қишлоқда, отамининг ўлимига шу Ралахами сабабчи, у Ратачамадан сеҳргар айтиб келиб, уни шу балоларга гирифтор қилди, деган миш-миш тарқалди. Отамининг унга нисбатан ҳеч қандай фарази йўқ эди. Отамдан кейин тирикчилик ташвиши онамнинг гарданига тушди. Қариндош-уругларимиз ҳам биздан юз ўгиришди. Онам ўша пайтларда йигирма беш ёшларда эди. Ўгай ота болаларимга қай ота бўларди, деб, қайта турмуш қилмади.

Мен касалманд эдим. Ҳали-ҳали эснмда, онам бир

куни мени икки милча келадиган Вандурамбауга касал-
хонасига опичиб пиёда ҳаллослаб олиб борган эди.

У еримизни Мэддэгама Ралахамига бериб, ўзи уни-
клида хизмат қила бошлади. Опамнинг ҳам анча бўйи
чўзлиб, Ралахами хўжалигида ишлай бошлади. Менга
эса нимжонлигим учун онам ишлашимга рухсат берма-
ди. Менга қолса ўз еримизга экиб-тикиб, шунинг орқа-
сидан тирикчилик қилсан дердим. Онамга бу ҳақда айт-
сан, ҳали ёшсан, бунинг удласидан чиқолмаймиз, Рала-
хамининг шунчалик қилаётган ғамхўрлигининг қадрига
етмасак, нонтекилик қилган бўламиз, деб туриб олди.
Ёшим улгайнб, унча-бунчага ақлим ётадиган бўлганда,
онам Ралахами билан дон олишармиш, деган миш-миш
қулогимга чалинди. Буни онамдан сўрамоқчи бўлдим.
Шунда онам, ўламан саттор, бу бўлмаган гап, одамлар
бўҳтон қилишяпти, деб бўйнига олмади. Бунга мен ҳам
ишондим. Кўп ўтмай, онамнинг қаршилигига қарамаён,
ерга шлов бера бошладим. Орадан бир оз ўтмай, касал
бўлиб, ётиб қолдим. Шу ётганимча уч ой ўрнимдан тур-
мадим. Шу вақтда онам опамни Ралахамининг катта
қизиникига малайликка бериб юборди. Мени даволатиши
учун пул керак эди. Шу боисдан еримизни Ралахамига
олти юз рупийга сотди. Бу менга қаттиқ таъсир қилди,
яна ётиб қолишимга оз қолди. Куни билан уйдан чиқ-
май ўтирас, юрагим сиқилганидан арзимаган нарсага
онам билан ғижиллашадиган бўлиб қолдим. Бу ишлар-
га Ралахами айбдор дедим. У бошимизга тушган баҳт-
сизликдан фойдаланиб, еримизни тортиб олди. Бир вақт
опамдан хат келди. Опам, хатида уйдан кетишимга
онамнинг Ралахамидан ҳомиладор бўлиб қолганлиги
сабаб бўлди дебди. Ўнинг қизи опамни яна бошқа жой-
га жўнатмоқчи эмниш. Энди кўзим очилди. Бу хўрлик-
ларни фақат қон билан ювиш мумкин эди.

Ҳар куни соат тўққизда Ралахами бозорга ўтиб, ўн
бир яримда қайтарди. Одатда, у деворимиз ёнидан ўт-
гай ёлғиз оёқ йўлдан юрасди. Мен яшикдан ханжарни
олдим-да, аста уйдан чиқиб, бута орқасига яшириндим.
Тахминан бирор соатлардан кейин қадам товуши эши-
тилди. Бу Мэддэгама Ралахами эди. Юрагим қинидан
чиқиб кетай дерди. Ралахами келиб, ҳовлимизга кирди.
Онам ётадиган хона деразасини тиқиллатди. Бир оз
ўтгач, уй эшиги аста очилиб, Мэддэгама Ралахами шип
этуб ўзини ичкарига олди. Ҳушимдан кетиб қолай де-

дим. Ўзимга келгач, ханжарни улоқтирдим-да, жўнаб қолдим. Мен шу боисдан оромгоҳга келдим, бу ерда барча тортган ғам-аламларимни унутмоқчиман.

Одамлар тарқалнб кетди, мен ҳам бошимдаи кечгалинларни бирма-бир эсладим: хонавайронлик, Соманинг ўлими ва ниҳоят отамнинг хиёнаткорлиги, ахир у ўтмийшимга ҳам, келажагимга ҳам оғу солди-ку! Ёироқ шу кеча, умримда биринчи марта буни юрак ютиб, алай чекмай эсладим.

Бошимга тушган бу ғам-ташвиш пешонамда бор экан. Булар ортда қолди. Энди менга ғам-ташвиш чекмайдиган, ҳаёт икир-чикирларидан холи ҳаёт дарвозаси очилди.


Мен бош роҳибга ҳаётим саргузаштларини сўзлаб бердим ва мени ҳам шу оромгоҳга қабул қилинглар деб илтижо қилдим. Роҳиб мени сой бўйига олиб бориб, сочимни өлди-да, таҳорат қил, деди. Қирғоққа чиққанинида эгнимга роҳибларнинг сариқ ридосини кийдирди. Сўнг муқаддас китобдаги ушбу сатрларни ўқидиши: «Мен ҳаётнинг бутун икир-чикирларини унудиб, бу ёруғ дунё ғам-ташвишларидан холи бўладиган жаннатга тушини насиб эт, деб кечаю кундуз буддага сифинамак».

Ой чиқди ва тепаликлар учини ёритди. Атроф маҳобатли ҳамда осойишта. Тунни мен бошқа роҳиблар қатори бана остидаги эски бўйра устида ўтказдим. Кўп вақтлардан бери биринчи марта тинч ухладим.

Ҳали тонг отмасдан уйғондим. Майин шабада эсиб ўтди. Шу дақиқада мен ўзимни эрта тонгда хурмо барғларининг шитири эшитилаётган ўз ҳовлимда тургандек ҳис қилдим.

Мен бир-бирига чирмashiб кетган бана новдалари орасидан кўкиштоб осмонга тикилдим. Инсон бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар ҳам худди шу новдалар сингари чирмashiб кетгандек туюлди. Ана шу чирмовуқлардан қутулиб кетиш инсоннинг қўлидан келадими? Яна ўтмишимни эсладим: хонавайронлик, хасталик ва ўлим. Наҳотки буларни бир умрга унутолмасам?

Тонг бўзарди. Майин шабада баданнигина эмас, наинки қалбни ҳам эркалаб ўтяпти. Ўрнимдан туриб ўтиредим. Қўлларимни ёзиб, хўрсиндим. Қуёш тобора ёлқини нур сочиб, қоронғиликни қува бошлади.



На узбекском языке

ГУНАДАСА АМАРАСЕКАРА

НЕВОЛЬНИКИ СУДЬБЫ

*Перевод с издания издательства „Художественная литература”,
Москва, 1971*

Редактор И. Кобилов
Рассом Ю. Газалилов
Расмлар редактори М. Рейх
Техн. редактор Э. Сандов
Корректор Ш. Соатова

Босмахонага берилди 9/XII-75 й. Босишга рухсат этилди 6.II-76 й. Формати
84×108 $\frac{1}{2}$ с. Босмал. 4,5. Шартли босма л. 7,56. Нашр. л. 7,86. Тиражи 60 000.
Зафур Ўулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Шартнома №144-75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб сарлод-
си ишлари бўйича давлат комитетининг 1- босмахонасида № 3 қогоғза босилди. Тош-
кент, Ҳамза кўчаси, 21. 1976 й. Заказ № 888. Баҳоси 52 т.

